

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ**  
**МАЛАКА ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**



**МАХСУС – КАСБИЙ ФАНЛАР КАФЕДРАСИ**

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ САФДОР ВА СЕРЖАНТЛАР  
ТАРКИБИДАН ОФИЦЕРЛИК ЛАВОЗИМЛАРИГА ТАЙИНЛАШ  
УЧУН ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ЎҚУВ КУРСЛАРИНИНГ  
“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН  
ИСЛОҲОТЛАР” МОДУЛИ БЎЙИЧА

**ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**ТОШКЕНТ – 2023**

Мазкур ўқув-услубий мажмуа “Ички ишлар органлари сафдорлар таркибидан офицерлик лавозимларига тайинлаш учун қайта тайёрлаш” бўйича тасдиқланган ўқув дастури асосида ишлаб чиқилган.

**Тузувчилар:**

**Ж.С. Мухторов**      Махсус-касбий фанлар кафедраси доценти, подполковник

**И.Б. Ахмедов**      Махсус-касбий фанлар кафедраси катта ўқитувчи, полковник

**Тақризчи:**

**Ш.К. Рахимов**      Махсус фанлар цикли ўқитувчи, майор

Ушбу ўқув-услубий мажмуа “Ички ишлар органлари сафдорлар таркибидан офицерлик лавозимларига тайинлаш учун қайта тайёрлаш” ўқув курси учун “**Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар**” номли модул бўйича тайёрланган бўлиб, унда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси: демократик ислоҳотлар асоси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига мурожаатномаси, Янги Ўзбекистон маъмурӣ ислоҳотлари, Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, Глобал муаммоларнинг миллий, минтақавий даражадаги ечимлари, тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришнинг долзарб масалалари, Геосиёсий манфаатлар тўқнашуви ва мафкуравий кураш масалалари кенг ёритилган.

Ўқув-услубий мажмуа Ўзбекистон Республикаси ИИВ таълим муассасалари тингловчи, курсант, докторант ва мустақил изланувчилари, профессор-ўқитувчилари, шунингдек ички ишлар органларининг амалиёт ходимлари учун мўлжалланган.

Ўқув-услубий мажмуа Малака ошириш институти Илмий Кенгашининг 2023 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги “\_\_\_”-сонли йиғилишида муҳокама қилинган ва маъқулланган.

УДК \_\_\_\_\_

© Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти, 2023.

## **Мундарижа**

<b>Кириш.....</b>	<b>4-7</b>
<b>Модул бўйича дарслар тақдимоти.....</b>	<b>8</b>
<b>1-мавзу. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси: демократик ислоҳотлар асоси.....</b>	<b>8-26</b>
<b>2-мавзу. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига мурожаатномаси.....</b>	<b>27-45</b>
<b>3-мавзу. Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотлари.....</b>	<b>46-58</b>
<b>4-мавзу. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар.....</b>	<b>59-82</b>
<b>5-мавзу. Глобал муаммоларнинг миллий, минтақавий даражадаги ечимлари, тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришнинг долзарб масалалари.....</b>	<b>83-106</b>
<b>6-мавзу. Геосиёсий манфаатлар тўқнашуви ва мафкуравий кураш.....</b>	<b>107-120</b>
<b>Тахминий тест саволлари.....</b>	<b>121-124</b>
<b>Глоссарий .....</b>	<b>125-129</b>
<b>Хулоса.....</b>	<b>130</b>
<b>Асосий адабиётлар.....</b>	<b>131-133</b>

## КИРИШ

Барчамизга маълумки Ҳаракатлар стратегиясининг узвий давоми ўлароқ, Ўзбекистоннинг келажаги билан бевосита боғлиқ бўлган энг муҳим ҳужжат – Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28-январь куни «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармони қабул қилинди. Бу билан келгуси 5 йилга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси тасдиқланди.

Мазкур ҳужжат Ўзбекистоннинг тараққиётига, равнақига бефарқ бўлмаган барча одамларда қизиқиш уйғотмоқда, бу борада кўплаб фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда. Шу ўринда, фуқароларимиз орасида «Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси» беш йил аввал қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясидан қайси жиҳатлари билан фарқ қиласди», каби саволлар ҳам туғилмоқда. Бу, табиий ҳол, албатта.

**Биринчидан**, Ҳаракатлар стратегиясидан фарқли ўлароқ, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси Ўзбекистонни кейинги 5 йилда ривожлантиришнинг **7 та устувор йўналиши** доирасида **100 та мақсадга** эришишга қаратилган ва 2022 йилда амалга оширилиши лозим бўлган **398 та чора-тадбирни** ўз ичига олган. Ушбу мақсадларга эришиш йўлида амалга ошириладиган саъй-ҳаракатлар ҳам аниқ. Улар, ўз навбатида, самарадорлик ва натижадорликни назорат қилишни анчайин осонлаштиради. Бошқача қилиб айтганда, режалаштирилган ислоҳотлар натижадорлигини тараққиётнинг мақсадларига эришганлик даражасига мувофиқ равишда баҳолаш тизими жорий этилмоқда.

**Иккинчидан**, Тараққиёт стратегиясини ишлаб чиқишида ва қабул қилишда Ҳаракатлар стратегиясига нисбатан мамлакатимиз аҳолисининг иштироки сезиларли даражада ортди. Бу билан ҳужжатнинг янада халқчилиги таъминланди. Бунга, хусусан фақатгина учта асосий электрон платформага **жамоатчилик муҳокамалари** якуни бўйича келиб тушган **17 мингдан зиёд фикр-мулоҳазалар** яққол далил бўла олади. Бунда, беш йил аввал Ҳаракатлар стратегияси доирасида бошланган халқ билан мулоқот тизими муҳим роль ўйнаганини алоҳида эътироф этиш жоиз. Чунки, айнан Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган ишларни амалга ошириш жараёнида давлат органларининг аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқоти йўлга қўйилди, йилдан-йилга шаффофлик ортиб борди. Бу эса ўз-ўзидан аҳолининг давлат органларига нисбатан муносабатини тубдан ўзгартирди, унинг фаоллиги, ислоҳотларга ишончи ва дахлдорлигини кучайтирди. Энг муҳими, фуқаролар томонидан давлат органлари олдига масала қўйиш имкониятлари янада кенгайди.

**Учинчидан**, ушбу дастурий ҳужжатда яқин ва ўрта истиқболда мамлакатимизнинг ривожланиш тенденциялари қандай бўлиши, бу борадаги устувор вазифалар белгиланган. **«Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари»** деган тамойил асосида ислоҳотларнинг узвийлиги ва давомийлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, Ҳаракатлар стратегияси ҳар бир соҳада улкан ислоҳотларни амалга ошириш

билин бошланган бўлса, Тараққиёт стратегиясида эса мазкур ислоҳотлар узвийлиги таъминлангани ҳолда давом эттирилади, тўпланган катта тажриба ва имкониятлар асосида ислоҳотлар янада қатъийлик ва жадаллик билан такомиллаштирилиб борилади. Бунда натижадорлик коэффициенти ортиб, олиб бориладиган ислоҳотларнинг самарадорлиги ортади.

**Тўртинчидан**, Тараққиёт стратегиясини ижро қилиш бўйича механизм такомиллаштирилди. Хусусан, Президент Шавкат Мирзиёевнинг **«2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармони** билан стратегияни амалга ошириш бўйича миллий комиссия таркиби тасдиқланди. Эътиборли жиҳати шундаки, ушбу комиссия таркиби мамлакатдаги давлат органлари масъуллари ва жамоатчилик фаолларидан таркиб топган. Комиссия аъзолари Тараққиёт стратегиясининг бевосита амалга оширилиши ва тегишли мутассаддилар устидан бу борада назоратнинг таъминланишига масъул этиб белгиланган.

**Бешинчидан**, Тараққиёт стратегиясининг ҳар бир босқичини амалга оширишда жамоатчилик назорати иштирокининг кучайтирилаётгани ҳам эътиборга молик. Табиийки, бундай назоратни амалга ошириш учун кенг имкониятлар яратилаётгани эса алоҳида дикқатга сазовор. Турли жабҳалару соҳаларнинг рақамлаштирилиши, шунингдек, электрон платформалар ташкил қилинишининг режалаштирилиши, энг аввало ушбу ташкилотларнинг ўз фаолиятида самарадорликка эришиши учун хизмат қилса, бошқа томондан аҳолининг давлат органлари фаолиятидан қониқиши ҳиссини шакллантиришга туртки бўлади. Шунингдек, ушбу шаффофлик ва очиқлик жамоатчилик назоратини самарали амалга ошириш имконини ҳам беради. Ундан ташқари, барча даражадаги давлат органларининг халқ вакиллари – депутатлар олдидаги ҳисобдорлиги ортаётганлиги ҳам давлат органлари устидан назоратнинг кучайиши, мутассаддиларнинг ўз вазифаларига масъулият билан ёндашишларига хизмат қиласи.

Энг муҳими, ҳар бир мақсаднинг амалга оширилиш жараёни аҳоли томонидан доимий равишда кузатиб борилишини таъминлаш мақсадида электрон платформалар ишга туширилади ва такомиллаштириб борилади.

**Олтинчидан**, Тараққиёт стратегиясини амалга оширишнинг ilk йили – 2022 йилда амалга оширилиши белгилаб олинган вазифаларга ажратилаётган маблағлар микдорининг ҳам бир неча баробар ортганлигини кўриш мумкин. Хусусан, Тараққиёт стратегиясини жорий йилда амалга ошириш бўйича Давлат дастурида умумий қиймати 55 триллион сўм ва 11,7 миллиард долларлик 398 та чора-тадбирнинг кўзда тутилганлиги бунга яққол мисол бўла олади. Ваҳоланки, 2021 йилда белгиланган давлат дастурини бажариш учун 29 триллион 492,7 миллиард сўм ва 2 миллиард 600,4 миллион АҚШ доллари, 2020 йилдаги давлат дастурини бажариш учун эса 18 триллион 171,4 миллиард сўм ва 10 миллиард 301,5 миллион АҚШ доллари ажратилган эди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Тараққиёт стратегиясида белгиланган мақсадларни тўлақонли амалга оширишда барчамиздан мустаҳкам ирода ва қатъий интизом, бор имкониятларни тўла сафарбар қилиш талаб этилади.

Зеро, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, «ҳамма ислоҳотларни, ҳамма ҳаракатларни жамият билан бирга қиласиз. Ҳаммамиз бир куч, бир қудрат бўлиб халқимизга хизмат қилишимиз керак».

“Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар” **модулининг мақсади** Тингловчиларнинг хизмат мажбуриятларини самарали бажаришлари учун касбий билимларини янгилаш, чукурлаштириш ҳамда кўникма ва маҳоратларини ошириш, шунингдек, тингловчиларни жамият ишларида фаол бўлиб, бир куч, бир қудрат бўлиб Янги Ўзбекистонни барпо этишда ўз хиссанини қўшишга ўргатиш.

“Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар” **модулининг вазифалари:**

тингловчиларда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ҳукумати ва Ички ишлар вазирлиги томонидан ички ишлар органлари ходимларига қўйилаётган бугунги кун талабларига жавоб берадиган юксак касбий маҳоратни ривожлантириш;

tinglovchilarни юксак даражадаги ватанпарварлик, мустақиллик ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш;

юқори даражада маънавий-ахлоқий ва руҳий тайёргарликни ҳар томонлама таъминлаш ва такомиллаштириб бориш;

ўқитишининг замонавий шакл ва усусларини, инновацион технологияларини, шу жумладан аниқ вазиятлар таҳлили машғулотларида ахборот-хуқуқий ва таълим ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини таъминлаш, ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда илгор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

хизмат вазифаларини бажаришда, назария ва амалиётда учраётган барча ўзгаришларга етарли даражада аниқ баҳо бера олиш, мавжуд муаммоларни таҳлил қилиш ва тўғри қарорлар қабул қилиш қобилиятини ривожлантириш.

**Модул бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар:**

Тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар касбий тайёрлаш мазмuni, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

#### **Тингловчи:**

**“Халқ манфаатларига хизмат қилиш”ни,** яъни ўз хизмат бурчини сўзсиз бажарадиган ижтимоий йўналтирилган профессионал тузилмада эканлигини;

Ватанимиз равнақи йўлида хизмат қилишни улуғ ва олижаноб мақсад деб биладиган, хизмат қийинчиликларига (экстремал ҳолат, руҳий оғир ва қийин вазиятлар) руҳий бардошли бўладиган касбий кўникма ва маҳоратни шакллантиришни;

Ватан, ватанпарварлик, халқ, миллат, юксак маънавият, жисмоний соғлом, тушунчаларининг мазмун-моҳиятини;

ходимлар “Янги Ўзбекистон - учинчи Ренессанс сари!” ғоясининг мазмун-моҳиятини англаши, Ватан ва халқ тақдирига, давлатимиз ҳамда ислоҳотлар талабларига дахлдорлиги;

мамлакатда амалга оширилаётган сиёсий, хуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, қонунчилик ҳужжатлари мазмун-моҳиятини;

дунёда ва ён-атрофимиизда содир бўлаётган глобаллашув жараёнларда муносабати ҳамда фаол ҳаётий позициясини шакллантириши;

ички ва ташқи маънавий таҳдидлар ҳамда коррупцияга қарши мафкуравий иммунитетини кучайтириши, ички ишлар органларининг ижобий имижини шакллантириш ҳамда шу мақсадда фуқаролик жамияти институтлари, жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга оид **билимларга** эга бўлиши керак.

#### **Тингловчи:**

руҳан ҳамда жисмонан соғлом, бардам, хушёр ва доимо огоҳ бўлиш, иродасини чиниқтириб бориш;

ахлоқ-одоб қоидаларига риоя қилиш, ростгуй бўлиш, амалпарастлик, иғво, тухмат, хасадгўйлик, тамагирлик, майший бузуқлик каби иллатлардан ҳоли бўлиш;

замон талабларига мувофиқ равища ўз устида мунтазам изланиш ҳамда қўшимча билимларни эгаллаш, маънавий-маърифий савиясини доимий равища ошириб бориш, мустаҳкам ва ҳолисона сиёсий, ижтимоий, иқтисодий қарашларни шакллантириб бориш;

Геосиёсий манфаатлар тўқнашуви ва мафкуравий курашнинг мақсадларини билиш;

фуқаролар билан мулоқотда хушмуомала бўлиш ва расмий мулоқот доирасидан четга чиқмаслик;

доимий равища ўз билим ва касбий кўникмаларини такомиллаштириб бориш, малака ва хуқуқий маданиятини ошириш бўйича **кўникмаларга** эга бўлиши зарур.

#### **Тингловчи:**

Ички ишлар органлари ходимларнинг маънавий салоҳияти ва мафкуравий иммунитетини кучайтириш;

Хизмат фаолиятини “Янги Ўзбекистон - учинчи Ренессанс сари!” ғояси асосида ташкил этиш;

Мард, жасур ва ватанпарвар ички ишлар органи бўлишга астойдил интилиш;

Ўзбекистонда ва хорижда содир бўлаётган воқеа-ходисаларни таҳлил қила олиш;

мураккаб шароитларга тез мослашиш, кескин вазиятларда энг мақбул қарорлар қабул қилиш;

фуқаролар, турли тоифадаги хуқуқбузарлар, жамоатчилик вакиллари билан мулоқот қила олиш;

янги инновацион ғояларни хизмат фаолиятига жорий этиш;

коррупция ҳолатларига қарши курашиш ва уларнинг профилактикасига фаол кўмаклашиш;

фаолиятга таалуқли хуқуқ нормаларидан фойдаланиш ва қўллаш **малакаларини** эгаллаши лозим.

## Модул бўйича машғулот тақсимоти:

№	Модул мавзуси	Аудитория ўқув юкламаси, соат					Мустакил таълим
		Жами	Жумладан				
		Маъруза	Семинар	Амалий машғулот	Назорат		
1.	Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси: демократик ислоҳотлар асоси	4	2	-	-	-	2
2.	Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига мурожаатномаси	4	2	-	-	-	2
3.	Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотлари	4	2	-	-	-	2
4.	Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар	4	2	-	-	-	2
5.	Глобал муаммоларнинг миллий, минтақавий даражадаги ечимлари, тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришнинг долзарб масалалари	4	2	-	-	-	2
6.	Геосиёсий манбаатлар тўқнашуви ва мафкуравий кураш	4	2	-	-	-	2
	<b>Жами:</b>	<b>24</b>	<b>12</b>	<b>-</b>	<b>-</b>	<b>-</b>	<b>12</b>

### МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИ МАЗМУНИ ( 2-соат)

**Маъруза** - ўқув материалининг ўқитувчи (маърузачи) томонидан тизимли, кетма- кет, узвий монологик тарзда ифодаланишидан иборат бўлиб, қоидага кўра назарий хусусиятга эга. Унинг мақсади - таълим олувчилар диққатини мавзунинг энг мураккаб ва муҳим жиҳатларига қаратиш, уларнинг фаол иштирок этишларини рағбатлантириш ва ижодий тафаккурни шакллантиришга кўмаклашишдан иборат.

### **1-МАВЗУ: ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ: ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР АСОСИ.**

#### Режа:

1-савол. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти.

2-савол. Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида амалга ошириладиган устувор вазифалар.

## **1-савол. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимида бағишиланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида сўзлаган нутқининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти, унда белгилаб берилган устувор вазифалар талаба ёшлар, давлат хизматчилари, олимлар, эксперталар, кенг жамоатчилик томонидан қизғин кутуб олинди.

The screenshot shows the header of the website: "ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «2022-2026 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛАНГАН ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ ТЎГРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ" (National Strategy "Taraqqiyot Strategiyasi" for the Period 2022-2026). It features the national flag and the emblem of the Republic of Uzbekistan. Below the header, there's a section titled "Муджамалар доирасидас" (Within the scope of ministries) with four main points:

- DAVlар, веб-сайтлар ҳамда ижтимоий тармоқларда 3 600 га яқин материаллар эълон килинди.** (3,600 materials have been published online and on social media platforms.)
- Телерадиоканалларда 1700 та курсатув ва эшиттиришлар эфирга узатилди.** (1,700 programs and broadcasts have been expanded to airtime.)
- Ижтимоий тармоқларга жойлаштирилган 1 600 га яқин материаллар** (1,600 materials have been published on social media platforms.)
- 6 млн. дан ортиқ** фойдаланувчилар томонидан кўрилди. (Over 6 million users have viewed it.)


Below these points, there's a section about voter turnout: "Таклифларни ҳар томонлама кўриб чиқиш якунига кўра, пройхага қарийб 100 та концептуал ҳамда 200 дан ортиқ аниқ характеристега эга ўзгартириш ва кўшимчалар киритилди." (100 conceptual and 200 detailed characteristics have been included in the election turnout report.)

Мазкур концептуал ҳужжатда ислоҳотларнинг узвийлиги ва давомийлигини таъминлаш мақсадида

**"Харакатлар стратегиясидан –  
Тараққиёт стратегияси сари"  
деган тамойил асосий гоя ва бои  
мезон қилиб олинди.**



Шу ўринда, Президент нутқи келажакка йўналтирилгани, мамлакатни ривожлантириш стратегиясининг амалий дастури бўлганига эътиборни қаратиш лозим. Давлат раҳбари ўз маърузасида мамлакат ҳаётининг барча жабҳаларига атрофлича тўхталиб ўтиб, янги ғоялар, инновациялар ва янгиликларни таклиф қилди.



Хусусан, унда эркин фуқаролик жамиятини ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш, инсон қадри-қиммати ва унинг қонуний манфаатларини таъминлаш, адолат ва қонун устуворлиги – халқчил давлат қуриш, инсон қадр-қимматини таъминлаш, миллий иқтисодиётни ривожлантириш, адолатли ижтимоий сиёсат юритиши, инсон капиталини ривожлантириш, маънавий ва маърифий соҳаларда ислоҳотларни амалга ошириш каби муҳим вазифалар белгиланган. Бундан ташқари, глобал муаммоларнинг миллий ва минтақавий даражадаги ечимларини топиш, тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш каби масалаларга атрофлича тўхталиб ўтилган.


Мазкур нутқда мамлакат раҳбари келгуси беш йил учун устувор йўналишларни белгилаб берар экан, юртимиизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг ҳукуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари энг олий қадрият эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Маъruzанинг эътиборли жиҳатларидан бири шундаки, Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясида *биринчи ўринга* шахс, инсон қадри юқори ўринга қўйилиб, “*инсон – жамият – давлат*” деган янги тамойил асосида давлат ва жамият бошқарувини ташкил этади. Бир сўз билан айтганда, амалий натижа, инсон манфаати, унинг қадр-қиммати бош мақсадга айланган.

Тан олиб айтиш жоизки, ўтган 5 йилда ижтимоий соҳани ривожлантириш борасида қатор тизимли ислоҳотлар амалга оширилди ва ижобий натижаларга эришилди, бироқ шу билан бирга мазкур соҳада самарали механизmlарни яратишга тўсқинлик қилаётган қатор муаммо ва камчиликлар ҳам йўқ эмас. Келгуси 5 йилда бу борада ижтимоий йўналишдаги ислоҳотлар алоҳида аҳамиятга эга, албатта.

Үтган йиллар мобайнида ижтимоий соҳада амалга оширилган ишларга назар соладиган бўлсак, ижтимоий ҳимоя ва доимий ёрдамга муҳтоҷ шахслар билан ишлашнинг “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” каби янгича ишлаш механизми жорий этилди. Ижтимоий нафақа билан таъминланадиган аҳоли сони қарийб 1,5 баробар оширилди.

**«Темир дафтар» — ижтимоий аҳволи ва турмуши шароити оғир ҳамда сектор раҳбарлари томонидан алоҳида назоратга олинган оиласларни қайд этиши, муаммоларини аниқлаш, бартараф этиши ва назоратини олиб бориши бўйича маълумотлар базаси.**



Мазкур нутқда муаллим ва мураббийлар, профессор-ўқитувчиларга алоҳида эътибор қаратилиб, 2025 йилга бориб, олий тоифали ўқитувчиларнинг ойлик маошини эквивалент ҳисобида **1 минг долларга** етказилиши ўйлаймизки, барчага бирдек маъқул бўлди.

Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, мактабгача таълимдаги қамров даражаси 2017 йилда 27,7 фоизни ташкил қилган бўлса, ҳозирда 62 фоизни ташкил қилмоқда, 2030 йилга бориб эса мазкур қўрсаткични 80 фоизга етказиш мақсад қилинганини ушбу соҳада ҳам улкан марраларни қўяётганлигимиздан далолат беради. Битирувчиларни олий таълим билан қамров даражаси 2016 йили 9 фоизни ташкил этган бўлса, бу қўрсаткич 2021 йилга келиб 28 фоизни ташкил қилмоқда, бу қўрсаткични 50 фоизга етказиш мақсад қилинган.

Халқимиз саломатлигини таъминлаш доимо устувор вазифа бўлган. Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, 2017 йилда соғлиқни сақлаш тизимиға бюджетдан ажратилган жами маблағлар 7,1 триллион сўмни ташкил қилган бўлса, 2020 йилга келиб бу қўрсаткич 14,8 триллион сўмга етди. Президент ўз нутқида ушбу соҳага йўналтириладиган маблағларни 2 баробар ошириш, жумладан, келгуси беш йилда олий тоифали шифокорлар маошини эквивалент ҳисобида 1 минг долларга етказиш мўлжалланаётганини эълон қилиши мазкур тизимда фаолият олиб бораётган заҳматкаш шифокорларнинг меҳнатларига давлат тарафидан бўлаётган юксак эътибор намунаси, десак муболага бўлмайди.

Маълумки, бундан беш йил олдин Президентимизнинг Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинган эди. Ўтган давр мобайнида ушбу Стратегия асосида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Эл-юртимиз бошланган ҳалқчил ислоҳотларга бугун хайриҳоҳлик ва қатъий ишонч билан қараб, уларнинг ҳосили ва самарасини тезроқ кўришни истамоқда. Ана шу ҳақли талабни инобатга олган ҳолда, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси ишлаб чиқилди.

Ҳозирги вақтда дунёда турли кучлар ўртасида қарама-қаршилик ва зиддиятлар кучаймоқда, ресурслар учун шафқатсиз кураш кетмоқда. Минтақамиздаги тинчлик ва хавфсизликка нисбатан янги-янги таҳдидлар пайдо бўлмоқда.

Ўз-ўзидан равшанки, глобаллашув ва кескин рақобат замони, шиддат билан ўзгараётган ҳаёт бизнинг олдимизга кечиктириб бўлмайдиган, ўта муҳим ва долзарб вазифаларни қўймоқда.

Мана шундай мураккаб ва қалтис вазиятда барчамиз тинч ва осойишта ҳаётимизни асрар, миллий мустақиллигимизни мустаҳкамлаш учун янада жипслалишиб, хушёр ва огоҳ бўлиб, дадил ва қатъий ҳаракат қилишимиз зарур.

Шу мақсадда ҳар бир хонадон ва маҳаллада, бутун юртимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш, жаҳон ҳамжамияти билан дўстлик ва ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган стратегик йўлимини янада изчил давом эттиришимиз белгилаб берилди.

*Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси етти йўналишидан иборат этиб белгиланди. Бу – бежиз эмас. Зоро, аждодларимиз етти рақамини баҳтсаодат ва омад келтирадиган, эзгу ниятни рӯёбга чиқарадиган хосиятли тимсол, деб билганлар.*

**Шунинг учун ҳам тараққиёт стратегиямизни 7 йўналиши асосида давом эттириши белгилаб олинди.**



Тараққиёт стратегияси доирасида амалга ошириладиган энг устувор вазифалар қуидагилар этиб белгиланди:

- *Инсон қадрини юксалтириши ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириши орқали халқпарвар давлат барпо этиши;*
- *Мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириши;*
- *Миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириши ва юқори ўсии суръатларини таъминлаш;*
- *Адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириши маънавий ва маърифий соҳаларда ислоҳотлар амалга ошириши;*
- *Маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиши;*
- *Миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда умумбаширий муаммоларга ёндашиш;*
- *Мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириши, очиқ, прагматик ва фаол ташқи сиёсат олиб бориши.*

## **2-савол: Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида амалга ошириладиган устувор вазифалари**

Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда қуидаги амалий ишлар амалга оширилиши кўзда тутилмоқда:

**Биринчидан**, эркин фуқаролик жамиятини ривожлантириши орқали халқпарвар давлат барпо этиши, инсон қадри-қиммати ва унинг қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган кенг қўламли ислоҳотларимиз янги поғонага қўтарилади.

Бу борада, миллати, тили ва динидан қатъи назар, юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг, бутун халқимизнинг фаровонлигини таъминлашга хизмат қиласиган “Янги Ўзбекистон – халқчил ва инсонпарвар давлат” гоясини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратамиз. Шу асосда маҳаллий бошқарув органларининг жойларда муаммоларни ҳал этишдаги роли ва масъулиятини янада кучайтирамиз. Бунинг учун келгусида давлат функцияларининг катта қисми марказдан худудларга ўтказилади.

Жамият бошқарувининг таянч бўғини бўлган, ислоҳотлар самараси бевосита акс этадиган маҳалла тизимини ҳокимликлар билан боғлаш мақсадида ҳар бир маҳаллада ҳоким ёрдамчиси лавозими жорий этилади. **Ҳоким ёрдамчиси янги иш ўринларини яратиш** ва камбағалликни қисқартиришга масъул бўлади. Маҳалла раиси эса маънавий-маърифий ишларни амалга ошириш, оила ва маҳаллада соғлом мухитни шакллантиришга жавоб беради.



## ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИ ЛАВОЗИМИДА ОЛИЙ МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛМАГАНЛАР ҲАМ ИШЛАШИ МУМКИН

2022 йил 1 январдан

Манба: ПФ-29-сон, 03.12.2021 й.

@hauqiyaxborot

Хар бир шаҳарча, қишлоқ, овулда, шунингдек, ҳар бир маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбагалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимининг ёрдамчиси лавозими таъсис этилади



### Мазкур лавозимга



Иқтисодий тараққиёт ва камбагалликни қисқартириш, Молия, Бандлик ва меҳнат муносабатлари, Инвестициялар ва ташки савдо вазирларлари, давлат солиги кўмитаси, тижорат банклари, иқтисодий ва инвестиция комплексларига кирунчи бошқа идоралар, уларнинг худудий булинимларидаги бўлим (шўъба) бошлиғидан паст бўлмаган лавозимда ишловчи раҳбар ходимлар, шунингдек, мақаллий ҳокимларнинг раҳбар ходимлари тайинланади.

Номзодлар очик танловлар асосида ишга кабул юлиниади

Тадбиркорлар, бошқа соҳа вакиллари, фаол ёшлар, раҳбарлик лавозимда фоилият юритмаётган ходимлар ва олий маълумотга эга бўлмаган фуқаролар ҳам ишга кабул юлиниши мумкин

Фармон билан қўйидагилар ташкил этилди:



Иқтисодий тараққиёт ва камбагалликни қисқартириш вазирлиги хулуридаги **Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги** камда унинг худудий бошқармалари



Туман (шаҳар) ҳокимлиятари тәркibiда юридик шахс ташкил этимаган жолда **Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш марказлари**



**Ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ќулла-куватлаш жамғармаси**

“Янги Ўзбекистон ислоҳотчиси” юқрак нишони таъсис этилди



Ушбу юқрак нишони билан ҳоким ёрдамчisi лавозимга тайинланган ҳамда **улар фаолиятини самарали ташкил этишга жалб қилинган шахслар** таҳдирланади.

Шу билан бирга, маҳаллаларда ёшлар масалалари билан мунтазам шуғулланадиган **Ёшлар ишлари агентлигининг вакили ҳам бўлади.**

### ЁШЛАР ИШЛАРИ АГЕНТЛИГИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

[@haquqiyaxborot](#)

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЁШЛАР ИШЛАРИ АГЕНТЛИГИ ВА УНИНГ ХУДУДИЙ БОШҚАРМА ҲАМДА БЎЛИМЛАРЛARI ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Ёшлар билан боллиқ, соҳа ва

жонанишшарда ятона давлат

сийасати, стратегик

йўналишлар ва давлат

дастурларини ишлаб чиради

чамоди эмтаи оширади

ёшлар сийасати соҳасидаги

юнун ўқискатларига роҳ

изборини устидан давлат

изборини антага оширади

худудлар меснунда ишлеш

ёшлар руҳинида

шакллантириди ҳамда

уларнинг бандлигини

таъминлашга каратган

инициативи корга-гадарларни

ималта оширади

юнурни қасбий саломатига эга,

тиадебкорлар ва исломатарни

аналоги оширади

фоол ишларни ашучи ёш кадрлар

захирасини шакллантириди

**МАНБА:**

ПФ-6017-сон (30.06.2020 й.)

ПК-4768-сон (30.06.2020 й.)

#### ФАРМОН ВА ҶАРОР БИЛАН

Ёшларга онд давлат сийасатини ишда ривожлантириш борсандаги

корга-гадарларни анала ошириш буйни музофиқлаштиручи

Кенташ тузилиди

“Батсан интихорлари” институционал тизими жорий этилди

“Yoshilar media xoldingi” ташкил этилди

Ёшлар симфоник оркестри нигизида Ўзбекистон

давлат симфоник оркестри ташкил этилди

Ёшлар муаммомларини ўрганиш ва

истиблиғи кадрларни тайёрлаш

институти-Ахлоятлик тукомасига утказди

2021 йил 1 январдан

“Юнурни –  
бандлигид”

жонанишси мустаҳнин теч-

сафатиди қайта

ташкил этилди

Конун қўйилтилганда қўзда тутилган

тадбирлорни “Yoshilar – koligatimiz”

жонанишси набиблари хисобидан

мөнгалиштирини, йўқоратдан кредитлар

бўйича физ. жадидатларни ёйтлаш

уюн компенсацияни ёзубидан

безалси сортиб ёки ўзинади

Лойидаларни

кредитлаш бўйор

хонойини исқонда

“Териздан” тўғри

тижорат банкалари

томонидан анала

оширади

Бундан ташқари, ҳокимлар ва маҳаллаларнинг молиявий имкониятини кенгайтириш мақсадида туман бюджети қўшимча манбалар билан таъминланиб, маҳалланинг алоҳида жамғармаси шакллантирилди.

Навбатдаги муҳим вазифамиз – марказий идораларни трансформация қилиш орқали фуқароларга хизмат қиладиган ихчам ва самарали бошқарув тизимини яратишдан иборат.

Марказий идораларнинг ҳудудий тузилмалар билан ишлаш жараёнига янгича ёндашувларни жорий этиб, эскирган бюрократик усуллардан воз кечилади. Бунда ҳудудлардаги ижтимоий-иктисодий масалаларни тезкорлик билан мустакил ҳал этиш бўйича вазирлик ва идораларнинг ваколатлари янада кенгайтирилади.

Ҳар бир тармоқ ва ҳудуд бўйича қабул қилинган дастурлар ижроси юзасидан раҳбарларнинг ҳисобот бериш тизими йўлга қўйилади.

Шу билан бирга, Ҳалқ қабулхоналари том маънода ҳалқ овозини, жамоатчилик фикрини ифода этадиган тузилмага айланиши учун қўшимча ҳукуқий асослар яратилади.

Айни вақтда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш жараёнига янгича, замонавий ёндашувлар жорий этилади. Кадрлар давлат хизматига танлов асосида қабул қилинади, улар учун узлуксиз малака ошириш, натижадорликни баҳолаш ва лавозим бўйича кўтарилиш мезонлари белгиланади.

Бундан буён ҳар бир ҳудуд, соҳа ва тармоқ фаолиятига уларда фуқароларнинг ҳақ-ҳукуқлари ва қонуний манфаатлари қандай таъминланаётганига қараб баҳо берилади.

Шу муносабат билан “Ҳалқ давлат органларига эмас, давлат органлари ҳалқимизга хизмат қилиши керак”, деган даъватга қўшимча қилиб айтмоқчиман: “Раҳбарлар фақат давлатга эмас, аввало, инсон ва оиласга, уларнинг қонуний манфаатларини таъминлашига хизмат қилиши керак”. Шунинг учун ҳар бир мутасадди маҳалла ва туман ҳаётини ипидан игнасиғача билиши шарт.

Улуғ аждодларимиз айтганидек,  
**раҳбар ҳалққа юк бўлмаслиги,**  
**аксинча, ҳалқнинг юкини елкасига**  
**олиши керак.** Агар қайсики раҳбар  
даврнинг бу ўткир талабини  
тушуунмаса, уларни энди ҳалқимиз  
ҳам, ҳаётнинг ўзи ҳам қабул  
қилмайди.



Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини амалга оширишда халқ вакиллари бўлган сенатор ва депутатлар алоҳида муҳим ўрин тутади.

Олий Мажлис фаолиятини янада такомиллаштириш, халқимиз кутаётган, Янги Ўзбекистон тараққиётини тезлаштиришга хизмат қиласиган қонунчилик концепциясини ишлаб чиқиши ва ҳаётга татбиқ этиши, қонун ижодкорлиги фаолиятини демократлаштириш ва уларнинг ижросини таъминлашга қаратилган парламент назоратини кучайтиришга устувор аҳамият берилади.

Бу борада парламент томонидан мамлакатимиз бўйича мурожаатлар билан ишлаш ҳолати назоратга олинади. Жойлардаги ижро идораси раҳбарлари ҳисботини эшишиш ва унинг натижасига мувофиқ, уларга нисбатан таъсирчан чоралар кўриш амалга оширилади.

Ривожланган демократик мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, жамият ва давлат бошқарув тизими айрим раҳбарларнинг субъектив нуқтаи назарига, содда қилиб айтганда, уларнинг қош-қовоғига қараб эмас, аксинча, мустаҳкам ҳуқуқий мезонларга эга бўлган институтлар фаолияти орқали амалга оширилиши зарур.

*Бу борада олдимиизда турган яна бир муҳим масала – Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари ҳамда ҳокимларнинг ваколатларини аниқ белгилашга оид қонуний асосларни яратиш вақти келди, деб ўйлайман.*

Фуқаролик жамияти институтларининг эркин фаолият юритиши, давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирок этиши учун зарур шароитлар яратиш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизmlарини янада такомиллаштириш эътиборимиз марказида бўлади. Шу мақсадда Жамоатчилик палатасини ташкил этиш ишлари жадаллаштирилади.

Жамоатчилик назорати, давлат бошқаруви ва ижтимоий лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишда фуқаролик жамияти институтлари иштирокини кучайтиришга доир долзарб вазифалар амалга оширилади.


Мамлакатимизда демократик янгиланиш жараёнларини янада чуқурлаштириш учун сўз ва матбуот эркинлигини, фуқароларнинг ахборот олиш ва уни тарқатиш, ўз фикр ва қарашларини эркин билдириш ҳуқуқини таъминлаш борасида муҳим чора-тадбирлар ҳаётга жорий этилмоқда.

Албатта, бундай очиқлик ва ошкоралик шароитида ишлаш, ўз фаолиятига нисбатан билдирилаётган танқидий фикрларни тўғри қабул қилиш эскича қолиплар билан яшайдиган айрим амалдорларга ёқмаслиги ҳам мумкин. Лекин, бундан қатъи назар, биз бу йўлни давлат сиёсатининг энг муҳим ўйналишларидан бири деб биламиз ва уни изчил давом эттирамиз.

Шу мақсадда амалдаги қонунчиликда давлат органлари ва ташкилотларининг мансабдор шахслари томонидан оммавий ахборот воситалари фаолиятига тўсқинлик қилиш, цензура ўрнатиш, таҳририят ходимларига босим ва тазийик ўтказиш, материаллар ва техник воситаларни улардан ғайриқонуний равишда олиб қўйиш ҳаракатлари содир этилгани учун жавобгарликни кучайтириш кўзда тутилмоқда.

Иккинчидан, адолат ва қонун устуворлиги – халқчил давлат қуриш, инсон қадр-қимматини таъминлашнинг энг асосий ва зарур шартидир.

Айни вақтда **одил судлов тизимининг чинакам мустақиллиги ва очиқлигини таъминлаш**, хукуқ-тартибот органлари фаолиятини такомиллаштириш, адвокатура институтини қучайтириш, ушбу соҳалар фаолиятини рақамлаштириш бўйича олдимизда кўпгина вазифалар турибди.



Суд хусусий мулк ҳимоясида туриб, фуқаро ва тадбиркорларнинг хукуқларини тиклаш орқали ижро идораларини қонун доирасида ишлашга мажбур қиласидиган тизимни яратишимиш зарур. Бу эса жамият тараққиётiga, биринчи навбатда, унинг иқтисодий равнақига хизмат қиласи.

Биз мамлакатимиз ривожини, аҳоли фаровонлигини таъминлашда ҳал қилувчи ўрин эгаллайдиган тадбиркор ва мулкдорлар хукуқларини ҳар томонлама ҳимоя қиласи. Бу борада қонун бузилишини мутлақо йўл қўйиб бўлмайдиган фавқулодда ҳолат деб баҳолаймиз.

Шу муносабат билан хусусий мулк устуворлиги қонунларимизда асосий тамойил сифатида белгиланди. Давлат идораси маълумотига ишониб мол-мулк сотиб олган шахснинг хукуки бузилмаслиги таъминланади.

**Яна бир муҳим масала – коррупцияга қарши кураши давом эттириши**, бу борада айбордорларни ҳукуқий жавобгарликка тортши билан чекланиб қолмасдан, тизимли превентив чораларни кўриши сўнгти беш йилда коррупцияга қарши курашни давлат сиёсати даражасига олиб чиқдик. Шу мақсадда Сенат раиси раҳбарлигига Коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгаши ташкил этилди. Бундан ташқари, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳам фаол иш олиб бормоқда.

**МАНБА: ГФ-6013-сон, ПК-4761-сон (29.06.2020 и.)**

**АГЕНТЛИК**

- Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши туршими олжасида **макосе вакоатни давлат органи** ёсбланиди
- Президенттеги бўйсунчади ва Олий Мажлисларнинг олидида қизоғидири
- Мамлакатда корреспондентларни **теззаси тоҳлил** килади
- Вакилиник мадорларни нордузланаш олшини олиш ва унга қарши курашни созадиган фантомтинг **мудориётиштириди**
- Бюджет нафасатидан сарфланни, давлат активларининг реализацияни килинчи, давлат харидлари, инвестицияни давлаткорларнинг амалга оширилтишга давлат дастурлари бекаримлият бўйни материяларни тапаб цилиада, олади ва ўрганиди
- Давлат юзинчиларининг **даромад** ва мол-мулкини декларацияни килиш тизими норий этиклини ҳинда демонстрацияни ишмулчарнинг жонанийлиги тексирилтишини ташкил этиди
- Коррупцияга юз куқунбузлинилар бўйича **мевмурий сурнштирувлар** утказади
- Инроҳаниннига ва ўқилемни бошнаруни оғандарлари замонга утварнинг мансабдор шамлари көрсагриди коррупция бөлгитари аннингдан копларда утварнинг яхросини тутаётлаши бўйекорлиниш таъдиннома киритади

**ФАРМОН ВИЛАН**

Коррупцияга қарши курашишни юнусида ҳудудий инженерларни ташкил этиди

девлат инженерлари на бозорларни организларнинг коррупцияга қарши курашиш тобасидаги физийларни мониторингиз кутишини ташкил этиди

Баъзаличи "E-Антикор" электрон платформаси

коррупция ҳолатлари юнисида Агентлигини каббадор килиш инженерлари бузумни макосу мебин дастурий ташкилет

2020-2021 инштада биринчидан туржалаш бўлишларни тарбияларни таъмин этилади

**Агентлик таомонидан чекардиган оғозлантириш, таъдиннома, муроҷаватлар**

**10 КУН ИЧИДА**  
турмай чиниянича маънанинди бўйича ишборот бериниши шарт

Агентлик бошкада ходимларининг чекардиган соне **50** та штат бирлигидан ишборот бериниши шарт

**10** та штат бирлигидан давлат жонанийлиги революциянича инконтинидан

**40** та штат бирлигидан аса  
Бош прокуратура кўзурдаги ишнозодлар жоногитларига қарши туршими департаментининг штат бирлиларини шакллантирилади

Бундан буён ҳам тараққиёт кушандаси бўлган ушбу иллатга барҳам беришга давлат ва жамиятнинг барча куч ва воситаларини сафарбар этамиз.

Бу борада айбдорларни ҳуқуқий жавобгарликка тортиш билан чекланиб қолмасдан, тизимли превентив чораларни кўриш зарур. Шу асосда коррупциянинг нафақат оқибатларини, балки сабабларини олдиндан бартараф этиш бўйича таъсирчан чоралар амалга оширилади.

Лекин ҳаммамиз яхши тушунамизки, коррупция балосига қарши фақат давлат-ҳуқуқий чоралар билангина курашиб бўлмайди. Бунинг учун бутун жамиятимизда, аввало, ёшлар онгида бу иллатга қарши муросасиз муносабатни шакллантириш, барча соғлом кучларни бирлаштириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Халқпарвар давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, қабул қилинаётган қонун ва қарорларнинг мазмун-моҳиятини кенг оммага етказиш муҳим аҳамиятга эга.

Шунинг учун фуқаролар ўртасида қонунга ҳурмат ва амал қилиш хиссини шакллантириш – боғча ва мактабдан тортиб олийгоҳгача, барча таълим муассасаларининг, ҳар бир оиласининг биринчи навбатдаги вазифаси бўлиши керак.

Бугунги кунда ҳаётнинг  
ўзи, ислоҳотларимиз  
мантиғи сифатида яна  
бир муҳим таклиф  
илгари сурилаётганлиги  
айтилди. У ҳам бўлса,  
**мамлакатимизда**  
**конституциявий**  
**ислоҳотларни амалга**  
**ошириш**дан иборат.



Агар дунё тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, туб бурилиш даврида қўпгина давлатларда конституциявий ислоҳотлар амалга оширилгани кўрилади. Шу сабабли, аввало, сенатор ва депутатларимиз, кенг жамоатчилигимиз, халқимиз билан яна бир бор маслаҳат қилиб, жаҳон конституциявий тажрибасини ўрганиб, пухта ўйлаган ҳолда бугунги ва келгуси тараққиётимизни белгилаб берадиган Асосий қонунимизни такомиллаштириш масаласини ҳам кўриб чиқилиши таъкидланди.

Учинчидан, *миллий иқтисодиётни ривожлантириш* устувор вазифаларимиздан биридир.

*Мамлакатимиздаги мавжуд ресурс ва имкониятларни сафарбар этган ҳолда, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот ҳажмини янада оширишини мақсад қилинди.*

Насиб этса, 2030 йилга бориб, Ўзбекистон жон бошига ҳисоблаганда, аҳоли даромадлари ўртача кўрсаткичдан юқори бўлган давлатлар қаторидан ўрин эгаллайди. Бунга, аввало, хусусий секторни рағбатлантириш ва унинг улушкини ошириш ҳамда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳисобидан эришиш кўзда тутилмоқда. Жумладан, “хомашёдан – тайёр маҳсулотгача” деган тамойил асосида драйвер соҳаларда кластер тизимини ривожлантириш белгилаб берилди.

Иқтисодиётда юқори ўсиш суръатларига эришиш учун, аввало, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаб, инфляция даражасини белгиланган 5 фоизгacha пасайтириш чоралари амалга оширилади.

Шунингдек, бюджет ва ташқи қарз барқарорлигини таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг имкониятларини кенгайтиришга биринчи даражали эътибор қаратилади.

*Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш, солик юкини камайтириши, бизнес муҳитини ва зарур инфратузилма яратиш бўйича бошлиган ислоҳотларни давом эттириши.*

Давлат корхоналарини трансформация қилиш ва хусусийлаштириш жараёнларини тезлаштириш иқтисодиётни ислоҳ этишнинг устувор вазифаларидан бири бўлиб қолади.

Эркин рақобатга асосланган бозорни яратиш ҳисобидан аҳоли ва тадбиркорлар энергия ресурслари билан кафолатли таъминланади.

*Аҳоли бандлигини таъминлаш, ёшлар ва ишсиз фуқароларни давлат ҳисобидан малакали касб-ҳунарга ўқитиши, оиласвий тадбиркорликни ривожлантириши, эҳтиёжманд аҳолини манзилли қўллаб-қувватлаш орқали 2026 йилгача камбагалликни икки баробар қисқартиши кўзда тутилмоқда.*

Шу билан бирга, ижтимоий ҳимоя соҳасида бошқарув тизими ислоҳ қилиниб, хизматларнинг сифати яхшиланади ва кўлами кенгайтирилади.

Энг муҳим масалалардан бири сифатида уй-жой масаласини ҳал этиш, аҳолига кулай яшаш шароитларини яратиш давлатимиз сиёсатининг доимий эътибор марказида бўлади. Ушбу йўналишда қабул қилган дастурлар, жумладан, арzon уй-жойлар дастури асосида сўнгги беш йилда 140 мингдан зиёд янги квартира ва якка тартибдаги уй-жойлар барпо этилди. Бу – олдинги беш йилга нисбатан 10 баробар кўп уй-жой қурилди, деганидир.

Ана шундай ишлар кўламини янада кенгайтириб, келгусида худудларда 1 миллиондан ортиқ аҳоли учун барча қулайлик ва ижтимоий инфратузилмага эга бўлган “Янги Ўзбекистон” массивлари бунёд этилади. “Обод маҳалла”, “Обод қишлоқ” дастурлари изчил давом эттирилиши белгиланди.

Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, замонавий йўл ва коммуникация тармоқларини барпо этиш, жамоат транспорти ҳамда худудлараро мунтазам автомобиль, темир йўл ва ҳаво қатновини яхшилаш бўйича ҳам йирик лойиҳалар амалга оширилади.

*Биз учун стратегик тармоқ бўлган қишлоқ хўжалиги самарадорлигини тубдан ошириши ва уни диверсификация қилиши ғоят муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, аграр соҳани ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кластер асосида қайта ишлаш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш долзарб вазифамиз бўлиб қолади.*

Қишлоқ жойларда яшаётган аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш ислоҳотларнинг асосий йўналишини ташкил этади. Шу мақсадда фермер ва дехқонлар даромадини 2 баробар кўпайтириш учун зарур шароитларни яраташ, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсиш суръатини камида 5 фоизга етказиш режалаштирилмоқда.

Тўртинчидан, адолатли ижтимоий сиёsat юритиш, инсон капиталини ривожлантиришнинг энг муҳим омили ҳисобланган сифатли таълим-тарбия масаласи бундан буён ҳам давлат сиёsatининг доимий эътибор марказида бўлади. Бу борада «Янги Ўзбекистон – халқчил ва инсонпарвар давлат» ғоясини амалга ошириш лозим бўлади. Юртимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш учун бизга замонавий илм ва яна бир бор илм, тарбия ва яна бир бор тарбия керак. Бугунги ва эртанги кунимизни, ёшларимиз тақдирини ҳал қиласиган юксак малакали муаллим ва мураббийлар, профессор-ўқитувчилар, ҳақиқий зиёлилар керак.

Очиқ айтиш лозим, биз бу заҳматкаш, фидойи инсонлар олдида ҳали қарздормиз. Шу боисдан ҳам, қанчалик қийин бўлмасин, ўқитувчилар меҳнатини муносиб рағбатлантириш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз. 2025 йилга бориб, олий тоифали ўқитувчиларнинг ойлик маошини эквивалент ҳисобида 1 минг долларга етказиш чоралари кўрилади.

Бу борада, аввало, боғча тизимини мактаб таълими билан уйғунлаштириш орқали болаларимизни мактабга тайёрлаш сифатини янада яхшилаймиз. Мамлакатимизнинг ҳамма худудларида ўнлаб янги-янги мактабгача таълим муассасалари барпо этилади. Барча боғчалар ҳар йили 2 миллион нусхадаги замонавий ўқув адабиётлари билан таъминлаб борилади.

Боғча ходимларининг профессионал тайёргарлиги ва маҳоратини ошириб бориш ғоят муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда тизимдаги 160 минг нафардан зиёд педагог кадрларнинг малакаси оширилади.

Болалар сони ўсиб бораётганини инобатга олиб, янги мактаблар қуриш, мавжудларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга, соҳанинг барча босқичлари ўртасида узвийликни таъминлашга қаратилган Миллий таълим дастури ишлаб чиқилади.

Тараққиёт стратегиямизда  
**аҳоли саломатлигини**  
**таъминлаш** бундан буён ҳам бош вазифа бўлиб қолади. Ушбу соҳага йўналтирилайдиган маблағларни 2 баробар ошириш, жумладан, келгуси беш йилда олий тоифали шифокорлар маошини эквивалент ҳисобида 1 минг долларга етказиш мўлжалланмоқда.



Асосий мақсад – тиббиёт соҳасини чинакамига ҳалқ дардига дармон бўладиган, юқори самара билан ишлайдиган тизимга айлантиришдан иборат.

Тиббиётнинг бирламчи бўғини орқали тиббий профилактикага, оилавий шифокорлар ролини оширишга алоҳида эътибор қаратилади. Жумладан, аҳоли орасида энг кўп тарқалган ва эрта ўлимнинг асосий сабаби бўлган касалликларни барвақт аниқлаш, мақсадли скрининг тадбирларини амалга ошириш, профилактик махсус препаратлар билан бепул таъминлаш ҳамда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш чоралари кўрилади.

Бунда ахборот технологияларини жорий этиш ҳисобидан коррупция ҳолатларининг олдини олиш, энг муҳими, аҳолини рози қилиш асосий вазифамиз бўлади.

Вилоят, туман ва шаҳарларда ихтисослашган тиббий хизматлар кўлами кенгайтирилади. Давлат тиббий суфурта тизими ишга туширилиб, маблағ аниқ bemorga боғланган ҳолда ажратилади.

### ***Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириши, соғлом турмуш тарзини қарор топтириши***

– биз учун муҳим йўналиш бўлиб қолади. Бунда биз аввало аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қиласиган халқчил спорт тизимини тушунамиз.

Шу мақсадда барча шаҳар ва туманларда оммавий спортни ривожлантиришга, жумладан, спорт майдончалари, пиёдалар ва велосипедчилар учун йўлаклар, экопарклар, таълим даргоҳларидағи спорт залларидан иборат спорт инфратузилмасини яратишга алоҳида эътибор қаратилади. Шунингдек, Олимпия ва Паралимпия ҳаракатини ривожлантириш учун спорт мактабларини кўпайтирамиз ва янги спорт обьектларини барпо этамиз. Бу борада Олимпия ўйинларига киритилган ҳар бир спорт турини ривожлантириш ва оммалаштириш бўйича комплекс дастурлар амалга оширилади.

***Кекса авлод вакилларига эътибор ва ғамхўрлик қўрсатиш, уларни ҳар томонлама эъзозлаши*** – халқимизнинг азалий қадриятидир. Ана шундай ноёб фазилатни асрраб-авайлаш, фарзандларимизни шурӯхда тарбиялаш – барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

*Jismoniy tarbiya  
va sport*

*Sog'lim turmush tarzi asoslari*



Бугунги глобаллашув даврида, пандемия ва иқтисодий инқироз хукм суроёттган оғир бир шароитда дунёning айрим ҳудудларида қексалар ўз муаммолари гирдобида ёлғиз қолиб кетаётгани ҳам сир эмас. Шунинг учун муҳтарам отахон ва онахонларимиз, меҳнат фахрийларининг ҳаётини мазмунли ва файзли қилиш, улар учун муносиб турмуш шароити яратиш, соғлигини мустаҳкамлаш бўйича бошлаган ишларимизни янада кучайтиришимиз зарур. Токи бу ҳурматли инсонлар ўзларининг оила ва жамият ҳаётида муносиб ўрни борлигини доимо ҳис қилиб яшасинлар.

Шу мақсадда ўтказилаётган, нуронийларимизнинг руҳи ва кайфиятини кўтарадиган “Уч авлод учрашуви”, “Кексалар ҳафталиги” сингари маънавий-маърифий тадбирларни кўпайтириш, умуман, ҳар бир туманда фахрийларимизни қўллаб-кувватлаш ишларини кенгайтириш учун алоҳида дастурлар тузиб, амалга оширсак, айни муддао бўлади.

Жамиятимизда меҳр-оқибат, муруват ва саховат тамойилларини янада мустаҳкамлаш мақсадида **ногиронлиги бўлган фуқароларнинг хукуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашга** алоҳида эътибор қаратилади. Энг муҳими, бу тизим амалда ишлиши ва ушбу тоифадаги инсонлар ўзларини жамиятнинг тўлақонли аъзоси, деб ҳис этишлари зарур.

Жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, ногиронлиги бўлган фуқароларни кафолатли иш ўрни ва даромад манбаи билан таъминлаш учун уларга аниқ квоталар белгилаш бўйича амалдаги қонунчилигимизга тегишли ўзгартиришлар киритилади.

Маълумки, юртимизда ота-онасидан ажраган, меҳрга муҳтоҷ болаларни қўллаб-кувватлаш, уларга таълим-тарбия бериш, касб-хунарга ўқитиш ва тураржой билан таъминлаш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашига жиддий эътибор қаратиш.

“Мехрибонлик уйлари” ва махсус мактаб-интернатларда яшаётган болаларни оиласа яқин муҳитда, билимли ва касб-хунарли этиб тарбиялаш учун “Меҳр дафтари” доирасида бошлаган ишларни изчил давом эттириш барчамизнинг бурчимиздир.

Бу борада олиб бораётган ишларимизнинг амалий натижаси сифатида бир мисол келтирмоқчиман. Кейинги уч ой давомида олижаноб инсонлар томонидан ана шундай даргоҳларда тарбияланадиган ўнлаб болалар фарзандликка қабул қилинди. Шу туфайли З та “Мехрибонлик уйи”, 1 та “Болалар шаҳарчаси” ўз фаолиятини тугатгани айниқса эътиборлидир.

Ўзбек халқининг юксак инсоний фазилатларини намоён этаётган ана шундай меҳр-шафқатли, болажон ва бағрикенг юртдошларимизга, болалар уйларини оталиққа олиб, эзгу ишларни амалга ошираётган саховатли тадбиркор ва зиёлиларга, Миллий гвардия ходимларига ўз номимдан, халқимиз номидан чуқур миннатдорчилик изҳор этаман.

Хозирги вақтда хонадонларимизнинг файзу фариштаси бўлган, фарзандларимизни баркамол инсонлар этиб тарбиялашга муносиб ҳисса қўшаётган хотин қизларимизни қўллаб-кувватлаш. Ҳурматли оналаримиз, опа-сингилларимизга доимий эътибор ва ғамхўрлик қўрсатиш Ўзбекистонда олиб борилаётган давлат сиёсатининг узвий қисми бўлиб келаётгани сизларга яхши маълум. Шу боис хотин-қизларимизнинг бандлигини таъминлаш, давлат ва жамият бошқарувидаги ўрни ва нуфузини янада ошириш, уларнинг ўз



салоҳиятини намоён этишлари учун шароитларни кенгайтириш, гендер тенглик, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш борасидаги ишларимизни янги босқичга кўтариш мақсадида Миллий дастур қабул қиласиз.

**Навқирон ёшлиаримизни, айниқса, қизларимизни соглом ва етук этиб тарбиялаш**, уларнинг қобилият ва истеъододини рӯёбга чиқарии, Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умумбашарий қадрияtlар руҳида камол топтириши бундан бўён ҳам эътиборимиз марказида бўлади.


Биз хорижий давлатларда билим олаётган, меҳнат қилиб даромад топаётган юртдошларимизни, уларнинг мамлакатимизда яшаётган оила аъзоларини қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича қўшимча чоратадбирларни қабул қиласиз. Хусусан, “Ватандошлар” жамоат фонди орқали чет элларда яшаётган фуқароларимиз ва уларнинг оилалари билан алоқалар кенгайтирилади. Ҳамюртларимизни она тилимиз, маданият ва урфодатларимиз асосида жипслаштириш, уларнинг билим ва салоҳиятини мамлакатимиз тараққиётига самарали йўналтириш бўйича ишлар давом эттирилади.

Бешинчидан, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий омиллар билан бирга, маънавий ва маърифий соҳаларда ислоҳотларни амалга ошириш ҳам ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Ҳаммамиз яхши тушунамиз, агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи – маънавиятдир. Биз янги Ўзбекистонни барпо этишда ана шу иккита мустаҳкам устунга, яъни, бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиётга ҳамда аждодларимизнинг бой мероси, миллий ва умуминсоний ғояларни мужассам этадиган кучли маънавиятга таянамиз. Шу мақсадда “Янги Ўзбекистон – маърифатли жамият” концепциясини амалга ошириши.

Миллий қадрияtlаримизни янада ривожлантириш, ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги ўрни ва нуфузини ошириш, маданият ва санъатни юксалтириш билан боғлиқ вазифалар доимий кун тартибимизда туради.

**Муқаддас ислом динимизнинг инсонпарварлик гояларини тарғиб этиши, “жаҳолатга қарши – маърифат” тамоили асосида унибўйсиб келаётган ёшлиаримизни соглом эътиқод руҳида тарбиялаш алоҳида аҳамият берамиз.**



Маълумки, Ўзбекистон – улкан имконият ва бойликларга эга мамлакат. Лекин бизнинг энг катта бойлигимиз – турли миллат ва элатлар, диний конфессиялар вакиллари ўртасидаги тинчлик ва барқарорлик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашдир.

Бугунги кунда мамлакатимизда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари ягона ва аҳил оила бўлиб яшаётгани, фидокорона меҳнати билан жонажон Ўзбекистонимиз равнақига муносиб ҳисса қўшаётгани айниқса қувонарлидир.

Биз бундай бебаҳо бойлик билан ҳақли равишда фахрланамиз ҳамда давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини, мамлакатимиздаги дўстлик ва аҳиллик муҳитини янада мустаҳкамлашга йўналтирамиз.

Шуни айтиш лозимки: *давлат сиёсатида барча миллат ва элат вакилларининг миллий ўзлигини, она тили ва маданиятини, дини, урфодат ва анъаналарини сақлаб қолиши ва ривожлантиришига устувор аҳамият бериш муҳим ҳисобланади.*




Олтинчидан, бугунги кунда инсоният учун қўплаб глобал муаммоларнинг миллий ва минтақавий даражадаги ечимларини топиш ниҳоятда долзарб бўлиб қолмоқда.

Биз глобаллашув ҳар томонлама авж олаётган, шиддатли ўзгаришлар содир бўлаётган мураккаб замонда яшамоқдамиз. Бугунги кунда иқлим ўзгаришилари, экологик муаммолар, радикализм, экстремизм ва терроризм, одам савдоси, наркотрафик каби таҳдидларни ҳал этиши куч ва имкониятларни бирлашириши бу борадаги барча саъй-ҳаракатларни ўйгуналашириши лозим.

Бу эса, ўз навбатида, юрт келажагининг қиёфасини белгилайдиган глобал муаммоларнинг миллий ва минтақавий даражадаги ечимларини топиш зарурлигини англатади.

Юртимизда экологик таҳдидларнинг салбий таъсири ортиб бормоқда. Буни куни кеча содир бўлган қум бўронлари ҳам яна бир бор тасдиқлади.

Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ вазият тобора кескин тус олмоқда. Шу борада биз *Оролбўйини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди сифатида эълон қилиши бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг резолюциясини ҳаётга татбиқ этишига доир тизимли ва комплекс чора-тадбирларни амалга оширишимиз* лозим.



Шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг янги экологик сиёсати асосларини ташкил этишга қаратилган Бутунжаҳон экология хартиясини ишлаб чиқиши борасидаги фаолиятимизни жадаллаштириш керак.

Шу йил август ойида мамлакатимизда бўлиб ўтган “*Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидалар ва имкониятлар*” мавзусидаги конференцияда қабул қилинган қарор ва ҳужжатларнинг изчил бажарилиши учун халқаро ҳамкорларимиз билан зарур чора-тадбирларни амалга оширамиз.

Еттинчидан, мамлакатимизда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришининг ишончли кафолати бўлган *Куроли Кучларимиз қудратини янада ошириш* устувор мақсадимиз бўлиб қолади.



Дунёда ва минтақамида вужудга келаётган бугунги мураккаб ва таҳликали вазиятда ўз ҳаётини Ватан ҳимоясидек шарафли ишга бағишилаган, халқимиз фахрига айланган жасур ҳарбийларимизнинг жанговар шайлиги, жисмоний ва маънавий тайёргарлигини кучайтириш долзарб вазифамиздир.

Ҳарбий хизматчилар ва соҳа фахрийларини, уларнинг оила аъзоларини қўллаб-куватлаш, моддий таъминотини янада яхшилаш, уй-жой билан таъминлаш, фарзандларининг замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаши учун биз барча зарур чора-тадбирларни кўрамиз.

Биз прагматик ва чуқур ўйланган ташқи сиёсат ва иқтисодий дипломатия борасидаги муносабатларимизни янада ривожлантишимиз зарур.

Энг аввало, Марказий Осиё минтақасидаги барча мамлакатлар билан яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини тобора кучайтириш бундан буён ҳам асосий мақсадимиз бўлади.

Минтақамизнинг ажralmas қисми, яқин қўшнимиз бўлган Афғонистонда тинч ва осойишта ҳаётни тиклаш, бу мамлакатда иқтисодий ва гуманитар инқирозга йўл қўймаслик учун аффон халқига қўлнимиздан келган барча ёрдамни кўрсатамиз. Биз Афғонистон билан биргаликда йирик транспорт-коммуникация лойиҳаларини амалга оширишдан манфаатдормиз.

*Россия, Хитой, Америка Кўшима Штатлари, Туркия, Ҳиндистон, Покистон, Германия, Франция, Жанубий Корея, Япония, Бирлашган Араб Амирликлари ва дунёning барча минтақаларидағи шерикларимиз билан ўзаро манбаатли ва кўпқуррали алоқаларни кенгайтиришига алоҳида эътибор берамиз.*

*Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг ихтисослашган тузилмалари, Парламентлараро иттифоқ, халқаро молиявий институтлар ва минтақавий ташкилотлар, жумладан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Туркий Кенгаи, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти билан кўп томонлама муносабатларни янги, амалий маъно-мазмун билан бойитамиз.*

**Мустақил тайёргарлик учун топширик:**

1. Президентимиз Ш.М. Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон стратегияси” асарини ўқиб ўрганиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармонини ўқиб ўрганиш.

**Назорат учун саволлар:**

1. Эркин фуқаролик жамиятини ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш, инсон қадри-қиммати ва унинг қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган ислоҳотларнинг асосий ғояси бу - ?

2. Президенти Шавкат Мирзиёевнинг сайловолди дастури қандай номланади?

## **2-МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ВА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА МУРОЖААТНОМАСИ.**

### **Режа:**

1-савол. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига мурожаатномасининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти.

2-савол. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига мурожаатномасидаги устувор йўналишлар.

### **1-савол. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига мурожаатномасининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти.**



Жонажон Ўзбекистонимиз миллий ривожланишининг янги даврига дадил қадам кўймоқда. Ҳаётимизнинг барча жабҳаларида улкан ўзгаришлар юз бермоқда.

Беҳисоб шукр, бу йил ахолимиз **36 миллиондан ошди**. Ҳар йили сафимизга қарийб **900 минг** янги авлод кўшилмоқда.

Ўзбекистон деб аталмиш катта ва иноқ оиласининг ҳар бир аъзоси тинч ва фаровон ҳаёт кечириши учун зарур шартшароитлар яратиш йўлида тинимсиз изланяпмиз.

Яқунига етадиган 2022 йил ғоят мураккаб ва синовли йил бўлди, десам, ҳар томонлама тўғри бўлади. Ушбу даврда тўплаган тажрибамиз бир ҳақиқатни яққол исботлаб бермоқда: *тараққиётга – фақат машаққатли ва жасоратли меҳнат орқали эришилади*.

Шу боис, пандемия, дунёдаги чуқур иқтисодий ва сиёсий инқирозлар, зиддиятларга қарамасдан, халқимизнинг қаҳрамонларча меҳнати билан эришган айрим ютуқларимизни айтиб ўтиш ўринли.



Ялпи ички маҳсулот ҳажми **80 миллиард доллардан ошди**



**8 миллиард доллар тўғридантўғри хорижий инвестициялар**



**Экспорт 19 миллиард доллар**



2017 йилда кам таъминланган **500 минг** оила ижтимоий ёрдам олган бўлса, бугунга келиб, **2 миллиондан ортиқ** оиласарга кўмак берилмоқда. Ажратилаётган маблағлар эса, **7 баробар** кўпайтирилиб, йилига **11 триллион** сўмга етди.

Иш ҳақи, пенсия ва нафақалар миқдори, ахоли жон бошига даромадларни ошириш сиёсати изчил давом этмоқда.

Бу рақамларни айтиш осон. Уларнинг ҳар бири ортида машақатли меҳнат турибди. Чунки инсон қадри, инсонни эъзозлаш – эътиборимиздаги энг асосий масала. **Шу мақсадда,**



Охириги олти йилда мамлакатимиз бўйича қарийб **300 мингта ёки аввалги йилларга нисбатан 10 баробар кўп уйжойлар** курилди



Кўшимча **500 минг ўқувчи ўрни яратилиб, уларнинг жами сони 5 миллион 300 мингта етди.** Ҳозирги вақтда яна **1 миллион 200 минг ўқувчи ўрни яратиш бўйича ишлар жадал давом эттирилмоқда.**



**381 нафар спортчимиз** жаҳон ва Осиё мусобақаларида, **43 нафар** иётидорли ва билимдан ёшларимиз нуфузли халқаро фан олимпиадалари ҳамда танловларида совринли ўринларни қўлга киритди

Бугунги кунда Ўзбекистон жаҳон сиёсати марказларидан бирига айланайётгани, халқаро ҳамжамият буни кенг эътироф этаётгани ҳам айни ҳақиқатдир.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва Туркий давлатлар ташкилоти саммитлари ҳамда ўнлаб юқори даражадаги халқаро анжуманларга мезбонлик қилдик ва муҳим ташабbusларни илгари сурдик. Буларнинг барчаси мамлакатимизнинг халқаро нуфузи тобора ортиб бораётганидан далолат беради.

Жаҳоннинг илм-фан, маданият ва спорт шоҳсупаларида байроғимизни баланд кўтараётган ўғил-қизларимиз, шиҷоатли ёшларимизга янги-янги зафарлар тилаймиз. Улар бизнинг фаҳримиз-ғуруримиздир.

**Албатта, эришаётган барча ютуқларимиз, инсон қадри улуғ бўлган диёр – Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги дастлабки натижалардир. Биз бунёдкор халқимиз билан бирга бундай эзгу ишларни давом эттирамиз ва олдимизга қўйган катта-катта марраларга албатта эришамиз.**



Ҳаммамиз кўриб-билиб турибмиз – бугун инсоният ниҳоятда мураккаб даврни бошидан кечирмоқда. Ер юзида иқлимининг кескин ўзгариши, сув ва бошқа табиий ресурслар камайиши билан боғлиқ муаммолар катта хатарларга айланмоқда.

Халқаро муносабатларда ўзаро ишонч камайиб, қарама-қаршилик ва можароларнинг ортиши барқарорлик ва ривожланишга жиддий хавф солмоқда.

Афсуски, бундай хавф-хатарлар бизни ҳам четлаб ўтмаяпти.

Қорақалпоғистонда шу йил ёз ойида содир бўлган ноҳуш воқеалар бутун эл-юртимизни қаттиқ қайғуга солди. Худога шукур, кўп миллатли халқимизнинг оқиллиги ва донишмандлиги билан вазият тезда изга тушди.

Биз учун **“Қорақалпоғистоннинг ютуғи — бутун Ўзбекистоннинг ютуғи, Қорақалпоғистоннинг ташвиши — бутун Ўзбекистоннинг ташвиши”** деган ғоя ҳамиша амалий ҳаракат дастури бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.



Бизнинг эзгу мақсадимиз – биргаликдаги меҳнатимиз билан Янги Ўзбекистонда ҳар томонлама ривожланган, обод ва фаровон Янги Қорақалпоғистонни бунёд этишдир.

Асрлар давомида эт ва тирноқ каби бир бўлиб кетган халқларимиз дўстлигига ҳеч қандай куч таъсир кўрсата олмайди. Чунки бизнинг ўтмишимиз бир, бугунимиз ҳам, келажагимиз ҳам бир.

**Биз жонаажон Ватанимизнинг хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлашга ҳар томонлама қодирмиз. Тинч ва осойишта ҳаётимизни асраб, мустақиллигимизни мустаҳкамлаб, барқарор тараққиёт йўлимиизни жадал давом эттирамиз!**

Бугун замон ҳар қачонгидан ҳам тезлашди. Фаровонлик ошгани сайин аҳолимизнинг талаб ва эҳтиёжлари ҳам ортиб бормоқда.

Мамлакатимиз тараққиётини янги поғонага олиб чиқиш учун бошқарув ҳам, қонунчилик ҳам, жамиятимиз ҳам ўзгариши керак. Агар шундай қилмасак, муаммоларни кўриб, кўрмасликка олсак, замондан орқада қоламиз. Халқимиз, ёш авлодимиз биздан рози бўлмайди.

Шу боис, **“Аввал – инсон, кейин – жамият ва давлат”** деган ғояни Конституциямиз ва қонунларимизга ҳам, кундалик ҳаётимизга ҳам чуқур сингдиришимиз керак. Ҳозирги кундаги жиддий синовлар ва башорат қилиб бўлмайдиган хавф-хатарларни енгиб ўтишга қодир бўлган миллий давлатчилигимиз асосларини мустаҳкамлашимиз зарур.

Шуларни эътиборга олган ҳолда, Асосий қонунимизни такомиллаштириш ишлари давом эттирилмоқда. Ушбу ислоҳотдан халқимиз катта ўзгаришлар кутмоқда. Бугунги кунга қадар бу борада 220 мингдан зиёд таклиф келиб тушгани ҳам бунинг яққол далилидир.

**“Жамият – ислоҳотлар ташаббускори”** тамойили асосида барча масалалар бўйича халқимиз билан бамаслаҳат иш тутамиз.

Умуман, маъно-мазмуни инсон қадрини улуғлаш руҳи билан бойитилган, келажак авлодларга муносиб хизмат қиласидиган, Янги Ўзбекистонга мос бўлган Конституцияни ҳар томонлама ўйлаб, шошилмасдан ишлаб чиқишимиз керак.

Фуқароларимиз билдирган барча таклиф ва истаклар албатта инобатта олинади ва Конституция лойихаси умумхалқ референдумига олиб чиқилади.

Энг муҳими – ҳар  
бир ватандошимиз  
конституциявий  
ислохотларга дахлдор  
бўлиши ва “**Бу – менинг  
Конституциям**”, деб  
юксак ғуур ва ифтихор  
билан айта олиши керак.



Келгуси йилга режаларни тўғри олиш учун халқимизнинг фикрини ҳар бир йўналиш бўйича чуқур таҳлил этиб, 20 мингга яқин таклифларни муҳокама қилдик.

Одамларимиз таълим, соғлиқни сақлаш, иқтисодиёт йўналишларида аниқ-аниқ масалаларни қўтариб, улар бўйича тизимли ечимларни ҳам таклиф этмоқда.

Аҳолимиз биздан мактаб, боғча ва шифохоналарни кўпайтириш, таълим ва тиббиёт сифатини оширишни, маҳаллада йўл, сув, электр, транспорт муаммоларини ҳал қилишни, иш ўринларини кўпайтириш, тадбиркорликка янги имкониятлар яратишни, адолатни таъминлаш, оворагарчилик, бюрократия ва коррупцияни йўқ қилишни кутмоқда.

Қўтарилган масалалар аниқ ва ўринлидир. Қанчалик қийин бўлмасин, биз бу муаммоларни ечишимиз шарт. Ҳеч ким четдан келиб, буларни ҳал қилиб бермайди. Одамларимизнинг ташаббуси, шиҷоати ва салоҳиятини ишга солиш учун барча шароитларни туғдириб бериш асосий вазифамиз бўлиши керак.

Халқимизга қанча имконият яратсак, бунинг фойдаси жамиятимизга ўн карра, юз карра бўлиб қайтади.

Шу боис, кириб келаётган янги, **2023 йилга юртимиизда “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”**, деб ном беришни таклиф қиласман.

Нима учун йилга бундай ном беряпмиз?

Биз Ўзбекистонда олиб борилаётган давлат сиёсатининг марказида инсон ва унинг манфаатларини таъминлашни устувор вазифа этиб белгиладик. Бу сиёsat бир йил билан чекланиб қолмаслиги, доимо бардавом бўлиши барчамизга аён.

Аслида ҳам, бизнинг энг бебаҳо бойлигимиз, бу – бунёдкор халқимиз, дуогўй ота-оналаримиз, навқирон авлодимиз эмасми?

Шу юртда яшаётган ҳар бир инсоннинг тинч ва баҳтли ҳаёт кечириши, унинг соғлиғи жойида бўлиши, яхши таълим олиши, оиласини тебратиши учун қандай шароит керак бўлса, ҳаммасини яратиб беришга ҳаракат қиляпмиз ва бу йўлдан асло тўхтамаймиз.

Юсуф Хос Ҳожиб бобомиз айтганларидек:  
**“Заковат бор жойда улуғлик бўлади,  
Билим бор жойда буюклик бўлади”.**



Шунинг учун ушбу соҳада бошлаган ислоҳотларимизни давом эттиришимиз, таълим даргоҳларига бориб, ўқитувчи ва мураббийлар билан кўпроқ мулоқот қилиб, ўқув-тарбия ишлари сифатини ошириш бўйича улар кўйган масалаларни биргаликда ҳал этишимиз керак.

**2-савол. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига мурожаатномасидаги устувор йўналишлар.**

### Биринчи йўналиш. Ихчам ва самарали давлат бошқарув тизимига ўтиш



1

“Қўл бошқаруви”дан — аниқ натижага ишлайдиган тизимли бошқарувга ўтиш

2

Вазирлик ва идоралар сони ҳозирги 61 тадан 28 тага камайтирилади

3

Ҳар бир вазирлик тегишли соҳада давлат сиёсатини амалга оширишга масъул бўлиб, тармоқ таркибидаги қўмита, агентлик ва инспекцияларга раҳбарлик қиласи

Давлат хизматчилари сони босқичма босқич 30-35 фоизга қисқаради. Иқтисод қилинадиган маблағлар ижтимоий масалаларга йўналтирилади

4


Ҳар бир вазирнинг сиёсий мақоми, Президент, парламент ва жамоатчилик олдидаги масъулияти оширилади

5

Вазирликлар фаолиятида очиклик, қонунийлик, натижадорлик ва сифат асосий мезон

6

**Имом Мотуридий бобомизнинг: “Элу юрт билан ҳамдард бўлиб яшагин, токи ҳалқ ҳамиша сен билан бирга бўлгай”,** деган ҳаётий ҳикмати ҳар бир вазир, ҳар қайси раҳбарнинг онги, қалби ва ҳаракатида муҳрланиши лозим.



## Биринчи йўналиш. Ихчам ва самарали давлат бошқарув тизимига ўтиш



7

Вазир ўзи раҳбарлик қилаётган соҳага ажратилган маблағларни самарали ва мақсадли ишлатиш бўйича биринчи бўлиб ўзи жавоб беради.

8

Вазирларнинг сиёсий масъулияти оширилиб, Ҳўкумат қарорлари лойиҳалари, мамлакатимиз ҳаётига оид муҳим ижтимоийиқтисодий масалалар бевосита вазирлар иштирокида коллегial ҳал этилади

9

Ҳар бир вилоятдаги муаммоларни ечиш учун ҳар ойда жойига чиқсан ҳолда, “Ҳўкумат куни” ўтказилиши йўлга қўйилади

Вазир ҳар йилнинг бошида жамоатчилик олдида соҳадаги режаси ва йил якунни билан эса ўнинг натижаси бўйича ҳисобот беради

10

Вазир фаолиятини самарали ташкил этишда парламентдаги қўмита, комиссия ва депутатларнинг масъулиятини белгилаш

11

Ҳудудлардаги бошқарув тизими ислоҳ қилинади

12

Албатта, танқид ҳам керак. Аммо ҳозирги депутатларга берилган катта ваколат ва имкониятлардан самарали фойдаланиш лозим.

Мен ҳам узоқ йиллар депутат бўлиб ишлаганман, ўша даврда Парламентда ҳисобот берган вазирларни камдан-кам кўрар эдик. Ҳозир эса вазият мутлақо бошқача-ку! Шунинг учун энг муҳим масала – юрт тақдирига дахлдор бўлиб, ҳалқимизни рози қилиш учун ҳаммамиз биргаликда ишлашимиз керак.

Парламентимизнинг иш услубини яхшилаш ва фаолият самарадорлигини ошириш ҳам Конституциямизда ўз аксини топиши зарур.

## Биринчи йўналиш. Ихчам ва самарали давлат бошқарув тизимига ўтиш



13

Ҳар йили 500 нафар мутахассисни энг нуғузли хорижий олийгоҳ ва марказларда ўқитиб келинади

Ҳар бир ҳоким ўз туманига 40-50 миллион доллар хусусий инвестицияларни олиб келиши керак бўлади

15

14

Келгуси икки йилда ҳар бир туман ва шаҳар ҳокимлигига Республика идораларида юқори лавозимларда ишлаган, билимли ва тажрибали кадрлар қўйилади

Самарқанд ва Наманган шаҳарларини алоҳида маъмурӣ ҳудудий бирликлар сифатида Республика бўйсунувига ўтказиш

16

Энди ушбу вилоят ҳокимлари фақат йирик шаҳарлар билан эмас, туманларда шароитларни яхшилаш бўйича ҳам ишлаши талаб этилади.

Ҳар иккала шаҳарни ривожлантириш дастури Вазирлар Маҳкамасида тасдиқланиб, уларнинг ижроси учун бевосита Баш вазир жавоб беради.

## **ИККИНЧИ ЙЎНАЛИШ. Биз Янги Ўзбекистонни “ижтимоий давлат” тамойили асосида қуришни мақсад қиляпмиз.**

Ижтимоий давлат бу, энг аввало, инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш учун тенг имкониятлар, одамлар муносиб ҳаёт кечиришига зарур шароитлар яратиш, камбағалликни қисқартириш, демакдир.

**Иккинчи йўналиш. Янги Ўзбекистон “ижтимоий давлат” тамойили**



- 1** Янги Ўзбекистон учун энг катта инвестиция бўлган таълимни қўллабқувватлаш
- 2** Нажот – таълимда, нажот – тарбияда, нажот – билимда. Чунки барча эзгу мақсадларга билим ва тарбия туфайли эришилади
- 3** Мактабларда таълим сифати ҳамда жамиятда ўқитувчи касбининг нуфузини ошириш, муаллимларнинг шароитларини яхшилаш 2023 йилдаги энг асосий вазифадир
- 4** Келгуси йилдан бошлангич синфларда мутлақо янги методика асосида пратилган дарсликлар бўйича ўқитиш йўлга қўйилади
- 5** 2023 йилдан мактаб таълимини халқаро таълим дастурлари асосида бутунлай ислоҳ қилишни бошлаймиз
- 6** Бу ишларни тизимли йўлга қўйиш, янги дарсликларни ишлаб чиқиш, илғор таълим стандартлари ва методикаларини жорий этиши учун алоҳида илмий институт ва лабораториялар ташкил қилинади

**“Нажот – таълимда, нажот – тарбияда, нажот – билимда. Чунки, барча эзгу мақсадларга билим ва тарбия туфайли эришилади”.**



Маърифатпарвар жадид боболаримизнинг бу сўзлари депутат ва сенаторларимиз, сиёсий партиялар, маҳаллий кенгашлар, бутун давлат аппарати, кенг жамоатчиликнинг амалий ҳаракатига айланиши керак. Мактабларда таълим сифати ҳамда жамиятда ўқитувчи касбининг нуфузини ошириш, муаллимларнинг шароитларини яхшилаш 2023 йилдаги энг асосий вазифаларимиздан бири бўлади.

Ўқитувчиларнинг мақомини, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилишни Конституцияда алоҳида белгилаш зарур.

Келгуси йилдан бошланғич синфларда мутлақо янги методика асосида яратилған дарсликлар бүйича үқитиши йўлга қўйилади.

Ўқувчилар мактабдан она тили ва чет тилларини пухта ўзлаштириши, компьютерда ишлашни ўрганиши зарур.

Фарзандларимизни касб-хунарларга, санъат ва маданиятга қизиқтириш.

**Ўқувчиларда эркин ва креатив фикрлашни, жамоада ишлаш ва мулоқот кўникмаларини шакллантириш.**

Президент мактабларида 130 та мамлакатда маъқулланган “A-level” таълим дастури йўлга қўйилгани ўз самарасини бермоқда.

- 2023 йилдан мактаб таълимини халқаро таълим дастурлари асосида бутунлай ислоҳ қилинади.

- Янги дарсликларни ишлаб чиқиш, илфор таълим стандартлари ва методикаларини жорий этиши учун алоҳида илмий институт ва лабораториялар ташкил қилинади.

- Миллий ўзлигимиз тимсоли, маънавиятимиз асоси бўлган она тилимизга эътибор янада кучайтирилади.

Бу жараёнларни шаффоф тизим асосида ташкил этиш, фарзандларимизни соғлом ва сифатли овқат билан таъминлашга Халқ таълими вазири масъул ва жавобгар бўлади.

**Таълим соҳасидаги навбатдаги муҳим йўналиш, бу – ёшларнинг замонавий касб-хунар эгаллаши учун барча зарур шарт-шароитларни яратишдан иборат.**

Мактаб битирувчиларининг 50 фоизи меҳнат бозорига ҳеч қандай касбга эга бўлмасдан кириб келаётгани ҳаммамизни ўйлантириши керак. Шу боис, 700 дан ортиқ касб-хунар мактаби, коллеж ва техникумлар имкониятидан самарали фойдаланиш зарур.

Сўнгги олти йилда болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси 27 фоиздан 70 фоизга этиши натижасида бугунги кунда 2 миллионга яқин бола боғчага бормоқда.

Яқинда Тошкент шаҳрида ўtkазилған ЮНЕСКОнинг Мактабгача таълим бўйича Умумжаҳон анжуманида ҳам бу ислоҳотларимиз юксак эътироф этилди.

Шу билан бирга, келгуси беш йилда қамровни 80 фоизга етказиш учун 600 минг янги боғча ўрни керак. Боғчалар сонини кўпайтириш, улардаги таълим ва тарбия сифатини тубдан яхшилаш бўйича беш йиллик дастур қабул қилинади. Боғча қамровини кенгайтириш бўйича хусусий секторга қўшимча шароитлар яратилади.

Сўнгги йилларда олийгоҳларимиз 2,5 баробар кўпайиб, **198 тага** етди, қамров даражаси 9 фоиздан **38 фоизга** ошди.

**41 та олийгоҳга академик ва молиявий мустақиллик берилди,** уларда трансформация офислари очилди. Олийгоҳ ректорлари, профессор ва ўқитувчилар бу жараёнларда фаол бўлишлари, янги, илфор методикаларни жорий қилишлари керак.

Бу йил илм-фан ва инновацияларга 1,5 триллион сўм йўналтирилди. Бу – 2017 йилга нисбатан қарийб 6 баробар қўп.

Олимларнинг иш ҳақи ҳам **4,5 баробар** оширилди.

Буларнинг барчаси ҳисобидан нано ва биотехнологиялар, ракамли геология каби **18 та янги илмий йўналиш** ташкил этилди.

Энди олимларимиз сув ва энергияни тежаш, тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорлик, геология, саноат, қурилиш каби бугунги қунда биз учун долзарб йўналишларда аниқ натижалар кўрсатишлари керак.

## Иккинчи йўналиш. Янги Ўзбекистон “ижтимоий давлат” тамойили



**7**

Келгуси йили **70 та янги мактаб** қурилади, **460 та мактаб** кенгайтирилади. Ҳусусий инвестициялар иштирокида **100 та мактаб** қуриш лойиҳалари бошланади, келгуси беш йилда уларнинг сонини **1 мингтага** етказилади

**8**

Бошлангич синф ўқувчилари бепул овқатланиши учун **2,3 триллион сўм** ажратилади

**9**

**2023 йилдан** бошлаб янги дастур амалга оширилади. Ҳар бир вилоятда **1 тадан** техникумда Европа насбий таълим стандартлари жорий этилади. Келгуси беш йилда барча коллеж ва техникумлар ушбу тизим билан қамраб олинади

**10**

Кимё саноати, электр техникаси, транспорт ва энергетика соҳаларида нуғузли ҳалқаро ташкилотлар билан бирга, алоҳида **Муҳандислик мактаблари** ташкил қилинади

**11**

Боғчалар сонини кўпайтириш, улардаги таълим ва тарбия сифатини тубдан яхшилаш бўйича беш йиллик дастур қабул қилинади

**12**

Келгуси йилда олийгоҳ талабалари учун имтиёзли таълим кредитларига ресурслар **2 баробар** кўпайтирилиб, **1,7 триллион сўм** ажратилади

**13**

Келгуси йили илмфан ва инновацияларга **1,8 триллион сўм** ажратилади.

✓ Бепул тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажми қонун билан белгиланади.

✓ Ажратилаётган маблағлар ҳар бир беморга етиб бориши учун **давлат тиббий суғуртасига** ўтишни тезлаштирилади.

✓ 2023 йили бу тизим Тошкент шаҳрида бошланади. Босқичма-босқич бошқа худудларда ҳам жорий қилинади.

Бугунги кунда **7 миллион аҳолимизда** турли хил сурункали касалликлар бор.

**“Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи”** янги умуммиллий ҳаракатини маҳалладан бошланади. Бу ҳаракатда ёшу қари – барча юртдошларимиз ўз ўрнини топиши керак.

Мамлакатимизда 15 мингга яқин онкологик беморлар нур ёрдамида даволанишга муҳтож. Шу боис, келгуси йилда Самарқанд, Фарғона ва Хоразмда, давлат-хусусий шериклик асосида Радиология марказларини ташкил этиш лойиҳалари бошланади.

Барча ислоҳотларимиз замини ва кўзгуси бу – маҳалла.

## Иккинчи йўналиш. Янги Ўзбекистон “ижтимоий давлат” тамойили



- 14** Давлат тиббий сурхатаси тизимига ўтиш Тошкент шаҳрида бошланади
- 15** “Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи” янги умуммиллий ҳаракатини маҳалладан бошлигиз
- 16** Келгуси икки йилда ҳар бир оиласи поликлиника ва шифокор пунктига энг керакли ускуна ва жиҳозлар етказиб берилади, экспресс лабораториялар тўлиқ янгиланади
- 17** Қўшимча 140 та оиласи шифокор пунктни ва поликлиникалари, 520 та олис ва чекна маҳаллада ихчам тиббиёт пунктлари ташкил этилади
- 18** Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича уч йиллик китобда дастур амалга оширилади. Барча тугуруқ комплекслари тўлиқ таъмирланади ва жиҳозланади, ўринлар сони 35 фоизга кўпайтирилади
- 19** Самарқанд, Фарғона ва Хоразмда, давлатхусусий шериклик асосида Радиология марказларини ташкил этиш лойиҳалари бошланади
- 20** Маҳалла — тинчлик ва осойишталик пойдевори, аҳиллик ва ҳамжиҳатлик, маърифат ва тарбия қўргонидир

Бундан буён давлат инвестиция дастурлари маҳалла даражасига туширилади.

Ҳар бир маҳалла ўзининг кутубхонаси, спорт майдончасига эга бўлади.

Конституциямизга аҳолининг муносиб ҳаёт кечириши ва уй-жойга эга бўлиши тўғрисидаги янги моддаларни киритиш лозим.

Ҳар куни 500 мингдан зиёд пойтахт аҳолиси ва меҳмонларига қўшимча қулайликлар яратилади.

Худудларда ҳам йўловчи ташиб сифатини яхшилаш мақсадида яна 1 мингта автобус ҳаракати йўлга қўйилади. Бу орқали жамоат транспорти бўйича аҳвол оғир бўлган 300 та маҳалладаги 1 миллион аҳолининг узоғи яқин қилинади.

## Иккинчи йўналиш. Янги Ўзбекистон “ижтимоий давлат” тамойили



- 21** 2023 йилда аҳоли томонидан таклиф берилган сув, электр энергияси, йўл, мактаб каби ўйналишлар бўйича лойиҳалар учун қарийб 3 баробар кўп, яъни 8 триллион сўм ўйналтирилади
- 22** Маҳалла ўзининг муаммосини мустақил ҳал этиши учун “Маҳалла бюджети” тизими жорий этилади. Бунинг учун янги йилда 1 январдан бошлаб молмулк ва ер салиқларининг бир қисми маҳалланинг ўзида қолади
- 23** Аҳоли учун янги уйжойлар қуриш ҳажмини 1,5 баробар ошириб, 90 мингга етказилади
- 24** Келгуси йилда Тошкент вилоятида “Менинг биринчи уйим” янги ипотека дастури бошланади
- 25** Тошкент шаҳри учун қўшимча равишда 1 мингта замонавий автобус сотиб олинади, 7 та ер усти метро бекати ишга тушрилади
- 26** Худудларда ҳам йўловчи ташиб сифатини яхшилаш мақсадида яна 1 мингта автобус ҳаракати йўлга қўйилади

## **УЧИНЧИ ЙЎНАЛИШ. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш давлатнинг конституциявий мажбурияти сифатида белгиланиши лозим.**

Сўнгги йилларда суд-ҳуқуқ тизимида адолат ўрнатиш бўйича кўп иш қилдик. Шу билан бирга, одил судловни таъминлаш бўйича ҳали қўлимиз етиб бормаган масалалар бор. Афсуски, ҳозир ҳам тергов сифати пастлиги, судларда одамларнинг оворагарчилиги, суд қарорлари ижро этилмай қолаётгани билан боғлиқ ҳолатлар учрамоқда.

Бу масалалар, энг аввало, Олий суд раиси ва Баш прокурорни ташвишга солиши керак.

Нима учун ҳалигача давлат ҳисобидан бепул таъминланадиган адвокатларни электрон танлаш тизими ишга тушмади? Ким бунга қарши?

➔ Ҳуқуқ-тартибот идораларини янгича ишлашга ўргатадиган, одил судлов сифатини оширадиган тизим яратилади. Бу масалада алоҳида Фармон имзоланади.

➔ Одамларимизнинг жойларда судма-суд сарсон бўлиб юришларига барҳам берилади. Бунинг учун адолатли ҳукм ва қарор чиқариш бўйича вилоят судларининг ваколати ҳам, масъулияти ҳам оширилади.

➔ Тинтуб ўтказиш, телефон сўзлашувини эшитиш ва мулкни хатлашга санкцияни прокурордан судга ўтказилади. Энди терговчи жиноятга алоқадор деб, ҳар қандай мулкни хатлаб қўя олмайди.

➔ Бундан буён мулк ҳуқуқини чеклашга оид ҳар қандай ҳаракат фақат суд орқали бўлади.

➔ Тергов сифатини ошириш бўйича ҳам тизимли чоралар кўрилади. Тергов шахсни айблаш учун эмас, жиноятни фош этиш орқали ҳақиқатни аниқлаш учун ишлайди.

➔ Судда ишларни кўришда қатнашадиган алоҳида прокурорлар корпуси шакллантирилади. Улар маҳсус ўқитилади, ишни судда кўришда холис, мустақил бўлиши қонун билан белгиланади.

➔ Одил судловни таъминлашда ҳимоячига берилган ҳуқуқлар ҳам қайта кўриб чиқилиб, етмайдиган ваколатлар берилади.

➔ Энди судларга жиноят иши фақат айблов хулосаси билан эмас, балки ҳимоячининг фикри билан бирга қабул қилинади.

### **Учинчи йўналиш. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш**



**1** Қисқа муддатда ҳуқуқтартибот идораларини янгича ишлашга ўргатадиган, одил судлов сифатини оширадиган тизим яратилади

**2** Тинтуб ўтказиш, телефон сўзлашувини эшитиш ва мулкни хатлашга санкцияни прокурордан судга ўтказилади

**3** Бундан буён мулк ҳуқуқини чеклашга оид ҳар қандай ҳаракат фақат суд орқали бўлади

**4** Судда ишларни кўришда қатнашадиган алоҳида прокурорлар корпуси шакллантирилади

**5** Судларга жиноят иши фақат айблов хулосаси билан эмас, балки ҳимоячининг фикри билан бирга қабул қилинади

**6** Айбланувчининг ҳимоячидан воз кечиши бўйича ҳар бир ҳолат прокурор, суд томонидан синчиклаб ўрганиладиган тизим жорий қилинади

**7** Вақтинча ушлаб туриш жойларига олиб келинган барча шахсларни ҳисобга олишининг онлайн тизими жорий этилади ва юзни таниш ускунаси ўрнатилади

Охирги пайтларда айрим вақтингча ушлаб туриш жойларида инсон ҳуқуқлари бузилиши бўйича оғриқли масалалар кўтарилимоқда.

Бизнинг юртимизда бундай ҳолатлар умуман бўлиши мумкин эмас. Ким бунга амал қилмаса, қонун устувор, жазо муқаррар бўлади.

Шу боис, бундай жойларга олиб келинган барча шахсларни ҳисобга олишининг онлайн тизими жорий этилади ва юзни таниш ускунаси ўрнатилади.

**Бош прокурор ва Ички ишлар вазири бу ҳақиқатни ҳар бир ходимига етказиб, таъсирчан назорат ўрнатиши шарт.**

➔ Илфор хорижий тажрибалар асосида маъмурий судлар фаолиятини янги босқичга олиб чиқилади.

➔ Бу борада **Халқаро тижорат судини** Ўзбекистонда ташкил қилиш бўйича ҳам амалий ишлар бошланди.

Юқоридаги барча ташабbusларни Конституцияда тўғридан-тўғри муҳрлаб қўйиш лозим.

Ўтган икки йилда **5 мингга яқин** мансабдор коррупцияга доир жиноятлар бўйича жавобгарликка тортилган. Лекин, очиқ айтиш керак, бу – масаланинг сабаби билан эмас, оқибати билан курашиш.

Коррупцияга қарши курашиш борасида алоҳида қонунлар қабул қилиниб, ҳуқуқий асослар яратилди.

## Учинчи йўналиш. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш



8

Ҳеч кимнинг унумнишга ҳаққи йўқ – қонун талаблари ва инсон ҳуқуқлари – биз учун олий қадрият

9

Маъмурий судларга ҳоким қароридан норози бўлиб мурожаат қилинган тақдирда, ишларни экстерриториал тартибда, яъни бошқа ҳудудда ҳам кўриш амалиёти жорий қилинади

10

Ўзбекистонда мулк ва инвестициянинг ҳимоячиси қайсиdir ҳоким ёки вазир эмас, факат Конституция, қонун ва суд бўлади

11

Сунъий монополияга, ёпиқ схемаларга, умуман коррупцияга имкон яратадиган барча бўшилиқларга барҳам берилади

## ТЎРТИНЧИ ЙЎНАЛИШ: Экология, айниқса, сув масалалари глобал муаммога айланиб бораётгани билан боғлиқ.

Амударё ўзанида янги канал қурилиши бўйича қўшни Афғонистоннинг муваққат ҳукумати ҳамда жаҳон ҳамжамияти билан бирга халқаро меъёрлар асосида ва минтақанинг барча давлатлари манфаатларини инобатга олиш юзасидан амалий мулоқотлар олиб бориш лозим, деб ҳисблаймиз. Бундай ёндашув қўшниларимиз томонидан ҳам қўллаб-қувватланишига ишонамиз.

Умуман, сўнгги 15 йилда ёғингарчилик 25 фоизга қисқарди.

➔ Сув хўжалиги тизими ислоҳ қилинади.

➔ Табиатимизни асрраб-авайлаш, сув, ҳаво ва атроф-муҳитни тоза тутиш келгуси йилда ҳар бир маҳалла аҳолисининг маданияти ва амалий ҳаракатига айланиши керак.

► Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни қатъий давом этирилади. 2022 йилда **100 минг гектар экин ерини аҳолига дехқончилик қилиш** учун бўлиб берилди, натижада 1,5 миллион тонна қўшимча озиқ-овқат этиширилди.

► Қишлоқларда 400 мингта янги дехқон хўжалиги ташкил қилинди, 1 миллион 200 мингдан зиёд одамларимиз банд бўлиб, даромад оляпти.

► Агар жами 750 мингта янги дехқон хўжалигини тадбиркорга, ер эгасига айлантира олсак, қишлоқда жуда кўп ижтимоий муаммолар, аввало, ишсизлик ва камбағаллик масаласи ечилади.

► Вилоят ва туман ҳокимлари бу ишни самарали ташкил этишга масъул ва жавобгар бўлиб, халқ олдида доимий ҳисобот бериб боришлари керак. Бунинг учун кооперацияни фаол қўллаб-куватлаймиз, кичик ва ўрта қувватли сақлаш корхоналари, саралаш ва қайта ишлаш инфратузилмасини ривожлантирилади.

## Тўртинчи йўналиш. Экология ва сув масалалари



**1** Суванинг ҳисобини очиқошкора юритиш тизими жорий этилади ва келгуси уч йилда 13 мингга яқин сув хўжалиги объекти рақамлаштирилади

**2** 16 та йирик насос станцияси давлатхусусий шериклик асосида модернизация қилинади ва муқобил энергияга ўтказилади

**3** Сув салиғи бўйича тушумларнинг бир қисми туманларда сугориш хизматларини ривожлантириш, ариқ, зовур ва каналларни бетонлашга йўналтирилади

**4** Мавжуд вазиятни ижобий томонга ўзгарттириш учун экология ва атрофмуҳитни асрари бўйича саъиҳаракатлар ҳамдэ "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасидаги ишлар кучайтирилади

**5** 2023 йилда сув таъминоти яхши бўлган **100 минг гектар қўшимча экин майдонларини аҳолига ажратамиз**. Бунинг ҳисобидан қарийб 350 мингта янги дехқон хўжалиги ташкил этилади

**6** Агарро соҳада юқори қўшилган қиймат занжирини яратиш лойиҳаларига 2023 йилда **1 миллиард доллар ажратилади**

**БЕШИНЧИ ЙЎНАЛИШ.** Эркин бозор механизмларини жорий қилиш, соғлом рақобат ва хусусий мулк даҳлсизлигини таъминлаш, тадбиркорликни қўллаб-куватлаш Конституцияда алоҳида ўрин эгаллаши керак.

→ Хусусий секторни янада қўллаб-куватланади.

→ Биринчи навбатда, ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий тенгсизликни қисқартириш, барча туман ва шаҳарларни бир маромда ривожлантириш бўйича янгича ёндашувлар жорий этилади.

→ 2023 йилдан бошлаб туман ва шаҳарлар мавжуд шароити, салоҳияти ва имкониятларидан келиб чиқиб, **5 та тоифага** ажратилади.

Жумладан,

**тадбиркорлик учун ҳар томонлама ривожланган 26 та туман – 1-тоифага;**

**инфратузилмаси яхши бўлган 46 та туман – 2-тоифага;**

**шароити нисбатан қониқарли бўлган 76 та туман – 3-тоифага;**

**жозибадорлиги етарли бўлмаган 40 та туман – 4-тоифага;**

**шароити оғир бўлган 20 та туман – 5-тоифага тўғри келади.**

→ Энди тоифага қараб, туманларнинг иқтисодий ривожланишини белгиланади. Тадбиркорлар учун субсидия, кредитлар ва компенсациялар тоифалардан келиб чиқиб ажратилади. Улар учун солиқ ставкалари ҳар хил бўлади.

→ Мисол учун, бешинчи тоифага кирувчи, шароити энг оғир бўлган 20 та туман учун айланмадан олинадиган солиқ, фойда солиги, ижтимоий солиқ ставкаларини **1 фоиз миқдорида** белгиланади. Мазкур туманлардаги тадбиркорлар ер ва мол-мулк солиқлари бўйича ҳисобланган сумманинг **атиги 1 фоизини** тўлайди. Якка тадбиркорлар қатъий ставгадаги солиқларни тўлашдан озод этилади.

→ Бошқа тоифадаги туманларда кредитларга пасайтирилган фоиз ставкаларини қўллаш, инфратузилма харажатларини давлат томонидан қоплаб бериш каби бир қатор енгилликлар берилади.

→ 2023 йил 1 январдан бошлаб қўшилган қиймат солиги ставкасини **15 фоиздан 12 фоизга пасайтириш** ҳисобидан тадбиркорлар ихтиёрида йилига камида 14 триллион сўм маблағ қолади.

→ Ўтказилган сўровларда 70 фоиз тадбиркорлар солиқ, божхона, ҳокимиёт, электр, кадастр, ёнғин хавфсизлиги, санитар назорат каби идоралар томонидан маъмурий босимлар борлигини билдирган. Шу боис, 2023 йилда назорат қилувчи ва рухсат берувчи идоралар фаолияти яна бир марта танқидий кўриб чиқилади.

→ Биринчи навбатда, илгор тажрибалар асосида солиқ ва божхона маъмурчилиги жиддий ислоҳ қилинади. Бунда ҳамма давлат идораларида тадбиркорларга сервис хизмати кўрсатишни баҳолаш тизими жорий қилинади.

→ Тадбиркорлик соҳасида жавобгарликни енгиллаштириш бўйича бошлаган ислоҳотлар жадал давом эттирилади.

Кўп йиллар давомида янги газ конларига инвестиция киритилмагани, электр ва газ тармоқлари модернизация қилинмагани ҳам айни ҳақиқат. Оқибатда тизимда аниқ ҳисоб-китоб йўқлиги, катта йўқотишлар оддий ҳолга айланиб қолган эди.

Шу билан бирга, сўнгти олти йилда аҳолимиз 13 фоизга, саноат корхоналари эса 2 баробар ортиб, 45 мингдан 100 мингтага кўпайди. Натижада электр энергиясига талаб камида 35 фоиз ошди ва йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

Иқтисодиётимиз барқарор ривожланиши учун энергетика соҳасига **25-30 миллиард доллар** инвестиция керак. Бунга фақатгина хусусий инвестицияларни жалб қилиш орқали эришиш мумкин.

Шу боис, сўнгти уч йилда соҳага 8 миллиард долларлик тўғридан-тўғри инвестициялар жалб қилинди. Жумладан, ўтган ҳафтада Бухоро, Наманган ва Хоразмда қуввати 500 мегаваттли яна 3 та қуёш станциясини қуриш бўйича танлов якунланди. Депутат ва сенаторлар томонидан қабул қилинган янги қонунлар бунинг учун ҳуқуқий асос бўлди.

2022 йил бошидан қуввати 1,5 минг мегаваттли 7 та электр станциясини ишга туширилди.

2023 йилда яна 4,5 минг мегаваттли 11 та йирик лойиҳани якунiga етказилади. Жумладан, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Фарғона ва Тошкент вилоятларида барпо этиладиган қуёш ва шамол электр станциялари ҳисобидан қўшимча 14 миллиард киловатт электр ишлаб чиқарилади. Бу орқали хонадонларга бериладиган электр энергияси 50 фоизга кўпаяди.

### Бешинчи йўнапиш. Эркин бозор механизмларини жорий қилиш, соғлом рақобат ва хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш, тадбиркорликни қўллабқувватлаш



- 1** Туман ва шаҳарлар мавжуд шароити, салоҳияти ва имкониятларидан келиб чиқиб, 5 та тоифага ажратилади (Тадбиркорлар учун кот томончаликни ривожлантишам 26 та туман — 1-тоифаги; инфраструктураси яхши бўйин 46 та туман — 2-тоифаги; шароити нешбатни ҳамикорлиги бўйин 76 та туман — 3-тоифаги; жазобадорлиги оталини бўлганнан 40 та туман — 4-тоифаги; шароити оғир бўйин 20 та туман — 5-тоифаги тобери иелади)
- 2** Тоифага қараб, туманларнинг иқтисодий ривожланишини белгиланади. Тадбиркорлар учун субсидия, кредитлар ва компенсациялар тоифалардан келиб чиқиб ажратилади. Улар учун солиқ ставкалари ҳар хил бўлади.
- 3** 1 январдан бошлаб қўшилган қиймат солиги ставкаси 15 фоиздан 12 фоизга пасайтирилади
- 4** 2023 йилда назорат қилувчи ва рухсат берувчи идоралар фаолияти танқидий кўриб чиқилади
- 5** Ҳамма давлат идораларида тадбиркорларга сервис хизмати кўрсатишни баҳолаш тизими жорий қилинади
- 6** 4,5 минг мегаваттли 11 та йирик лойиҳани якунiga етказилади

Очиқ айтиш керак, кўп иқтисодчилар энергетика соҳасида эркин бозорга ўтишни таклиф қилмоқда.

Бу – тўғри йўл. Мен ҳам буни хоҳлайман. Лекин халқимизнинг жон бошига даромади, ижтимоий ҳимоясини ўйлаб, бу соҳадаги ислоҳотларни шошмасдан, босқичма-босқич қилишимиз керак.

**Энг муҳим масала – энергия ресурсларидан самарали фойдаланиш.**

➔ Иқтисодиётимизда энергия сарфи бошқа давлатлардан 2 баробар юқори. Энергия самарадорлигини ошириш Миллий дастури қабул қилинади.

➔ Кичик ҳажмдаги қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш кескин оширилади. Мисол учун, Тошкент вилоятида Олмалиқ, Бекобод комбинатлари ва бошқа йирик корхоналар ўз эҳтиёжлари учун 1 минг мегаваттли қуёш электр станцияларини ўрнатса, **йилига 2,5 миллиард киловатт соат электр** ишлаб чиқарилади. Бу орқали Тошкент вилоятининг қарийб 30 фоиз электр истеъмоли таъминланади ва 500 миллион куб метр газ тежалади.

➔ Республиkaning ҳар бир туман ва шаҳар ҳокими ҳам ўз ҳудудидаги хонадон ва корхоналарда жами **5-10 мегаваттли** қайта тикланувчи энергия лойиҳаларини амалга ошириши шарт.

➔ Устюртнинг юқори истиқболга эга чукур қатламларида қидирав ишларига нуфузли хорижий инвесторлар жалб қилинади.

➔ Газ қазиб чиқаришга олдин берилган барча лицензиялар қайта қўриб чиқилади, самарасиз ишлаётган корхоналар бўйича тегишли чоралар кўрилади.



- 7** Энергия самараадорлигини ошириш Миллий дастури қабул қилинади
- 8** Ничик ҳажмдаги қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш неискин оширилади
- 9** Республиканинг ҳар бир туман ва шаҳар ҳокими ўз ҳудудидаги хонадон ва корхоналарда жами 510 мегаваттли қайта тикланувчи энергия лойиҳаларини амалга ошириши шарт
- 10** Келгуси уч йилда барча давлат ташкилотларида қуёш панеллари ва иссиқ сув коллекторлари ўрнатиласди. Ушбу мақсадларда 2 миллиард доллар миқдорида инвестиция жалб қилинади. Бўнинг ҳисобидан уларнинг 60 фоиз электр ва газ истеъмоли "яшил энергия"га ўтказиласди
- 11** Аҳоли хонадонларида қуёш панели ўрнатишга ажратиласиган субсидиялар ҳажми 2 баробар кўпайтирилади
- 12** Газ заҳираларини кўпайтириши мақсадида геологияқидирув ишлари бўйича ўн йиллик дастур қабул қилинади

## ОЛТИНЧИ ЙЎНАЛИШ. Иқтисодиётга маҳаллий ва хорижий хусусий инвестицияларни кўпайтириш учун шароитларни янада яхшилаймиз.

Сўнгги олти йилда инвестициялар ҳажми ялпи ички маҳсулотнинг 30 фоизидан оширишга эришилди.

→ 2023 йили қарийб 30 миллиард доллар сармоя жалб қилинади, шундан 25 миллиард доллар хусусий инвестициялар бўлади. Жумладан, умумий қиймати 8 миллиард долларлик 300 дан зиёд лойиҳа ишга туширилади ва яна 40 та янги йирик лойиҳа бошланади.

→ “Ёшлик” мис конини ўзлаштиришнинг биринчи босқичи якунига етказилиб, 60 миллион тонна рудани қайта ишлаш қувватига эга З-мисни бойитиш фабрикаси ишга тушади. Бу орқали Олмалиқ комбинатининг рудани қайта ишлаш қуввати ҳозирги 40 миллиондан 100 миллион тоннага етади.

→ Олмалиқда мисни бойитиш фабрикаси ва Мис эритиш заводи лойиҳалари бошланади.

→ Навоийдаги Пистали конида 4 миллион тонна олтин рудасини қайта ишлаш мажмуасининг қурилиши якунланади.

→ Металлургия соҳасида амалга оширилаётган катта дастурларимиз беш йилдан кейин мисни – 3 баробар, олтинни эса йилига 150 тоннагача ошириш имконини беради.

→ Кимё, автомобилсозлик ва қишлоқ хўжалиги машинасозлигига ҳам катта-катта лойиҳалар ишга туширилади.

→ 2023 йили катта хусусийлаштириш бошланади, 1 мингга яқин корхона савдога чиқарилади.

Бугун кўнглимдаги бир ниятимни сизларга очиқ айтмоқчиман. **Менинг катта ниятим – юртдошларимиз орасида юз минглаб мулкдорлар, акциядорлар пайдо бўлсин. Одамларимиз ўз омонатларини инвестиция қилиб, юқори даромадларга эга бўлсин.**

Шунинг учун топшириқ бердим: келгуси йилда энг йирик 10 та компания ва тижорат банкларимизнинг акциялари ўз аҳолимиз учун очиқ ва шаффоф савдога чиқарилади.



- 1** 30 миллиард доллар сармоя жалб қилинади, шундан 25 миллиард доллар хусусий инвестициялар бўлади. Жумладан, умумий қиймати 8 миллиард долларлик 300 дан зиёд лойиҳа ишига тушурилади ва 40 та янги йирик лойиҳа бошланади
- 2** Олмалиқда мисни бойитиш фабрикаси ва Мис эритиш заводи лойиҳалари бошланади
- 3** Навоийдаги Пистали конида 4 миллион тонна олтин рудасини қайта ишилаш мажмуасининг қурилиши якунланади
- 4** Хусусийлаштириш бўйича келгуси ўили 1 мингга яқин корхона савдоға чиқарилади
- 5** Энг йирик 10 та компания ва тижорат банкларимизнинг акциялари ўз аҳолимиз учун очик ва шаффоғ савдоға чиқарилади
- 6** 2023 йилда тайёр маҳсулотлар экспортини қўшимча 4 миллиард долларга оширилади

Шу борада илгари ҳам айтган гапимни такрорлашни ўринли, деб биламан: **халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади.**

Навбатдаги масала – 2023 йилда тайёр маҳсулотлар экспортини қўшимча 4 миллиард долларга ошириш асосий мақсадимиз бўлади.

2022 йил бошланган “**Янги Ўзбекистон – рақобатбардош маҳсулотлар юрти**” дастури ўз самарасини бермоқда. Бир йилнинг ўзида **2 мингга яқин тадбиркорлар** илк бор ташқи бозорларга чиқди.

Келгуси йилда ҳам экспорт қилувчиларга транспорт ва бошқа харажатларини компенсация қилиш давом эттирилади.

Европа бозорларига текстиль, электр техникаси, чарм-пойабзал ва бошқа тайёр маҳсулотлар экспортини камидан 2 баробар оширамиз. Маҳсулотлар экспорти бўйича ҳозирги 9 та босқичдан иборат божхона расмийлаштируви 3 баробар қисқаради.

Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш бўйича асосий музокараларни якунлаб, ички қонунчиликни мослаштириш, янги стандартларни жорий этиш ишларини жадаллаштирилади.

2023 йилда экспорт ҳажми тарихимизда илк бор **23 миллиард доллардан** ортади.

Дунёдаги ҳозирги мураккаб шароитда **очик ва прагматик, ўзаро ишонч ва ҳурматга асосланган ташқи сиёsatни** изчил давом эттирамиз.



- 7** “**Янги Ўзбекистон – рақобатбардош маҳсулотлар юрти**” дастури ўз самарасини бермоқда. Бир йилнинг ўзида **2 мингга яқин тадбиркорлар** илк бор ташқи бозорларга чиқди
- 8** Европа бозорларига текстиль, электр техникаси, чармпойабзал ва бошқа тайёр маҳсулотлар экспорти **2 баробар** оширилади. Маҳсулотлар экспорти бўйича ҳозирги 9 та босқичдан иборат божхона расмийлаштируви **3 баробар** қисқаради
- 9** 2023 йилда экспорт ҳажми тарихимизда илк бор **23 миллиард доллардан** ортади

Бундан кейин ҳам асосий эътиборимизни Марказий Осиёдаги барча қўшни мамлакатлар ва дунёдаги стратегик шериларимиз бўлган давлатлар, халқаро ташкилотлар билан **кўп қиррали ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни** кучайтиришга қаратамиз.

Миллий хавфсизликни таъминлаш, Қуролли Кучларимиз жанговар салоҳиятини ошириш борасидаги ишларимизни янги босқичга олиб чиқамиз.

Биз ёшлиаримизни **харбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш**, уларнинг она юрга меҳри ва садоқатини оширишга янада кўпроқ аҳамият беришимиш керак.

Миллати, тили ва динидан қатъи назар, Ўзбекистонни ўзининг Ватани деб биладиган, унинг равнақи учун ҳисса қўшиб келаётган ҳар бир фуқаро бундан буён ҳам давлатимиз ва жамиятимизнинг эътибори ва ардоғида бўлади.

Миллатларо дўстлик, диний конфессиялар ўртасидаги ҳамжиҳатлик, ижтимоий бағрикенглик муҳитини янада мустаҳкамлаш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиш.



**Энг бебаҳо олий неъмат —  
тинчлигимиз ва  
осойишталигимизнинг қадрига  
етайлик, оиласаларимиз,  
фарзандларимиз, келгуси  
авлодларимизнинг бахту камоли  
учун бу улуғ бойликни асраб-  
авайлайлик!**



Бутун дунёда кучайиб бораётган радикализм, экстремизм, терроризм, одам савдоси, гиёҳвандлик каби хатарлар, афсуски, бизни ҳам четлаб ўтмаяпти. Лекин такрор айтаман, мусулмон умматига сабоқ берган Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий каби буюк уламолар етишиб чиққан бизнинг диёrimизда бу борада адашганлар, радикализм ва экстремизм ғояларига берилганлар бўлиши мумкинми?

Биз жамиятимизда ҳар қандай радикаллашувга, ёшлиаримиз онгини бузғунчи ёт ғоялар билан заҳарлашга, диндан сиёсий мақсадларда фойдаланишга, маърифат ўрнини жаҳолат эгаллашига йўл қўймаймиз. Бунинг учун нафақат масъул ташкилотлар, балки барчамиз биргаликда муқаддас динимизнинг инсонпарварлик моҳиятини очиб бериш, фарзандларимизни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш бўйича оила, маҳалла ва таълим масканларида иш олиб боришимиш зарур.

Бу муҳим масалада алоҳида Миллий дастур қабул қиласиз.

Жамиятимизнинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, маданият соҳасини ривожлантириш, илмий-ижодий ташкилотлар, муҳтарам зиёлиларимиз фаолиятини қўллаб-кувватлаш ҳам биз учун устувор йўналишлардан бири бўлади.

Биз қадимий ва бой тарихимизни, айниқса, ғоят оғир шароитда илм-маърифат, инсон эркинлиги, халқ озодлиги, Ватанга, миллий қадриятларга меҳр ва садоқат ғояларини дадил кўтариб чиқкан жадид боболаримиз фаолиятини янада чуқур ўрганишимиз лозим. Уларнинг улуғ мақсадлар йўлидаги мардона кураши ва фидойилиги Янги Ўзбекистонни қуришда барчамиз, аввало, ёшларимиз учун чинакам ибрат мактаби бўлиб хизмат қилиши зарур.

Франциядаги машҳур Лувр музейида шу кунларда давом этаётган миллий кўргазма халқимизнинг ноёб тарихий мероси, бетакрор маданияти ва анъаналарига хорижда қизиқиш қанчалик юқори эканини кўрсатмоқда. Бундай тарихий ва маданий бойликларимизни ёшларимизга ва хорижий туристларга янада кенгроқ таништириш, музейларни замон талабларига мослаштириш бўйича алоҳида дастур амалга оширилади.



**Қанчалик қийин бўлмасин,  
танлаган йўлимиздан ҳеч қачон  
ортга қайтмаймиз. Кўзлаган  
марраларимизга албатта етамиз.  
Бу йўлда нияти улуғ, қалби пок,  
меҳнаткаш халқимизга таянамиз.**

**Бир тану бир жон бўлиб ҳаракат  
қилсақ, мен ишонаман, эл-юртимиз  
интилаётган Янги Ўзбекистонни  
албатта барчамиз биргаликда  
бунёд этамиз.**



#### **Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига мурожаатномаси ўқиб ўрганиш.
2. Эркин ва креатив фикрлашни, жамоада ишлаш ва мулоқот кўникмаларини янада шакллантириш бўйича ўз устида ишлаш.

#### **Назорат учун саволлар:**

1. Нима учун Ўзбекистон жаҳон сиёсати марказларидан бирига айланмоқда?
2. Давлат раҳбари 20 декабрь 2022 йилдаги Олий Мажлисга мурожаатномасида 2023 йилдаги устувор йўналишларга тўхталиб, неча йўналиш ҳақида айтиб ўтдилар?

### **З-МАВЗУ: ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН МАЪМУРИЙ ИСЛОҲОТЛАРИ.**


**Режа:**

1-савол: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрь “Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-269-сон Фармоннинг мазмун-моҳияти.

2-савол: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрь “Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотлари доирасида республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-447-сон қарорининг мазмун-моҳияти.

**1-савол: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрь “Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-269-сон Фармоннинг мазмун-моҳияти.**

Сўнгги йилларда Янги Ўзбекистонни барпо этишининг муҳим шарти ҳисобланган самарали фаолият юритувчи бошқарув тизимини шакллантириш бўйича кенг кўламли маъмурий ислоҳотлар амалга оширилди.



Жумладан, давлат органларининг соҳага оид бўлмаган вазифаларини қисқартириш ва фаолиятига рақамли технологияларни кенг жорий этиш орқали уларнинг тузилмаси ўртacha 15 фоизга мақбуллаштирилди, шунингдек, 26 та давлат органлари ва ташкилотларида **40 та раҳбар ўринбосарлари** лавозимлари қисқартирилди.

Давлат органлари фаолиятига замонавий бошқарув тамоилларини жорий қилиш ҳисобидан бюрократик тўсиқларни қисқартириш ва аҳолига давлат хизматларини қўрсатиш тизимини яхшилаш мақсадида 30 га яқин турдаги лицензия ва руҳсатномалар бекор қилинди, 70 дан зиёд давлат хизматлари соддалаштирилди, давлат ташкилотлари томонидан **60 дан ортиқ хужжатларни** талаб қилиш бекор қилинди.





«Электрон хукумат» тизимиning фойдаланувчилари сони 4 миллиондан ошиб, у орқали давлат идораларининг 130 дан ортиқ ахборот ресурсларидан фойдаланиш имкониятлари яратилди. Ягона интерактив давлат хизматлари порталида қарийб 350 турдаги хизматлар онлайн шаклда кўрсатилиши йўлга кўйилди.

Янги Ўзбекистон шароитида замонавий талабларга жавоб берадиган ихчам давлат бошқаруви тизимини шакллантириш, қарор қабул қилиш ва масалани кўриб чиқиш жараёнларини соддалаштириш орқали давлат органлари раҳбарларининг масъулиятини ошириш ҳамда улар фаолиятини натижадорликка йўналтириш, шунингдек, Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотлари дастури ижросини таъминлаш мақсадида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги “**Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида**”ги ПФ-269-сон Фармони имзоланди.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ-269-сон Фармонга асосан 2023 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (кейинги ўринларда - Вазирлар Маҳкамаси/Хукумат) аъзоси бўлган ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг Вазирлар Маҳкамасининг таркибий тузилмаларидан мустакил равишда Бош вазир билан тўғридан-тўғри ишлиши тизими жорий этилмоқда.

### **Фармон билан Хукумат аъзоси бўлган ижро этувчи ҳокимият органи раҳбари:**

- тегишли соҳада ягона давлат сиёсатини олиб бориш ва уни ривожлантириш бўйича белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришиш учун масъул ва жавобгар ҳисобланиши;

- тизимдаги кадрлар сиёсатининг Вазирлар Маҳкамаси аппаратидан мустакил равишда давлат хизмати тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ юритилишини таъминлаш белгилаб қўйилди.

Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи тузилмасида иқтисодиёт ва ижтимоий соҳалар бўйича котибиятлар, департаментлар ва улар хузуридаги бўлимлар, шунингдек, Маданий меросни ҳимоя қилиш инспекцияси, Ҳарбийлаштирилган тузилмалар фаолиятини молиявий ва моддий-техник таъминлаш бўлими, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш масалалари бўлими тугатилди.

## **Ушбу Фармон асосида Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи тузилмасида:**

**Бош вазирнинг 4 нафаргача  
ўринбосарлари лавозими;**

Хукумат раҳбари фаолиятини ҳуқуқий, ташкилий-техник, ахборот-таҳлилий ва протокол жиҳатдан таъминлайдиган Бош вазир котибияти ташкил этилди.



Фармоннинг 1-иловасига мувофиқ Вазирлар Маҳкамасининг янгиланган ижро этувчи тузилмаси тасдиқланди.

**Фармон билан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ҳамда Ҳукумат ваколатлариiga оид бошқа долзарб масалаларни (кейинги ўринларда - масалалар) Вазирлар Маҳкамасига киритиш, кўриб чиқиши ва ахборот беришнинг қўйидаги тартиби жорий қилинди:**

а) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва масалалар Ҳукуматга бевосита вазирлар ва бошқа мустақил ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари томонидан белгиланган тартибда киритиш.

Бунда, давлат иштирокидаги ташкилотлар ва хўжалик бирлашмалари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва бошқа масалалар тегишли соҳада давлат сиёсатини амалга ошираётган вазир ёки бошқа мустақил ижро этувчи ҳокимият органи раҳбари орқали киритилади;

б) келиб тушган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари Ахборот-таҳлил ва юридик таъминлаш департаментига кўриб чиқиши, молиявий-иктисодий ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, тартибга солиш таъсири ва манфаатлар тўқнашувини баҳолаш ҳамда ахборот бериш учун киритиш;

в) ахборот беришга тайёр бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва бошқа масалалар Вазирлар Маҳкамасида коллегиал тарзда маъқуллаш ёки рад қилиш;

г) маъқулланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ҳамда, зарур ҳолларда, бошқа масалалар белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиш (ёки қабул қилиш);

д) Вазирлар Маҳкамасида масалаларни коллегиал тарзда қўриб чиқища, заруратга кўра, оммавий ахборот воситалари таклиф қилиш.

Вазирлар Маҳкамасига бир ой муддатда мазкур Фармон талабларидан келиб чиқиб, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиши, киритиш, кўриб чиқиши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишишнинг аниқ тартиби ва муддатларини, уларнинг ижросини назорат қилишни назарда тутувчи Хукуматнинг янгиланган регламентини кирииш вазифа юклатилди.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ-269-сон Фармони билан қўйидагилар белгилаб қўйилди:**

- Бош вазирнинг амалдаги ўринбосарлари ва маслаҳатчилари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бошқарувчиси ва унинг ўринбосарлари

янги тизим ишга тушгунга қадар юклатилган вазифаларнинг тўлиқ ҳажмда ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

- Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг тузилмаларини мақбуллаштириш муносабати билан бўшаётган маблағлар Бош вазир котибияти ўрнак кўрсатган бошқарув ходимларининг натижадорлиги асосида қўшимча рағбатлантиришга йўналтириш.

**Адлия вазирлигига масъул вазирлик ва идоралар билан биргаликда:**

- Вазирлар Маҳкамасида қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқларининг амалга оширилиши бўйича назорат ва ҳисобдорликни ташкил этиш тартиби;

- амалга оширилаётган маъмурий ислоҳотлардан келиб чиқиб комиссиялар, кенгашлар, ишчи гурухлар ва бошқа коллегиал органларга раҳбарларни қайта тақсимлаш бўйича таклиф киритиш вазифаси юклатилди.

**Фармонга асосан Бош вазирга қўйидаги хуқуқлар берилди:**

- масалаларни тартибга солиш ва устувор вазифаларни ҳал қилишнинг муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда Бош вазир котибиятининг умумий штатлари сони доирасида унинг ижро этувчи тузилмасига ўзгартиришлар киритиш;

- иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг долзарб йўналишларини ўрганиш ва улар бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, шунингдек, юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун ишчи гурухлар ва келишув комиссиялари ташкил қилиш;

- Бош вазир котибиятининг ўрнак кўрсатган бошқарув ходимларини натижадорлик асосида қўшимча рағбатлантириш учун маблағлар миқдорларини белгилаш.

**Шу билан бирга Вазирлар Маҳкамасига:**

- Бош вазир ўринbosарларининг функционал вазифаларини тасдиқлаш;

- Бош вазир котибиятининг штат жадвалини тасдиқлаш;

-Бош вазир котибияти тўғрисидаги, унинг барча бўлинмалари функциялари, ваколатлари, хуқуқлари, мажбуриятлари ва масъулиятини батафсил белгилаб берувчи низомни ишлаб чиқиш;

- Бош вазир котибиятининг янги ташкил этилган таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш;

- фаолияти тутатилаётган таркибий бўлинмаларнинг ходимларини вазирлик, идора ва бошқа ташкилотларда раҳбар ва масъул лавозимларга тайинлаш бўйича чоралар кўрсин, зарур ҳолларда, таклиф киритиш бўйича аник топшириқлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислоҳотлар агентлиги кенгашининг Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларининг биринчи босқичи доирасида 2023 йил 1 январдан бошлаб ихчам, профессионал бошқарув тамойилларига асосланган ва самарадорликка йўналтирилган республика ижро этувчи ҳокимият органларининг вазирликлар, қўмиталар, агентликлар ва инспекцияларни ўз ичига оладиган яхлит тизимини шакллантириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинди ва қўйидагилар белгиланди:

**вазирлик** - тегишли соҳаларда ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқувчи ва амалга оширувчи, муайян йўналишда ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолиятини мувофиқлаштирувчи ҳамда тизимдаги раҳбарий фаолиятни яккабошлиқ асосида ташкил этадиган республика ижро этувчи ҳокимият органи ҳисобланиши;



**қўмита** -тегишли соҳа ичидаги тармоқ фаолиятини мувофиқлаштирувчи ва тартибга соловчи ҳамда тизимдаги раҳбарий фаолиятни коллегиал асосда ташкил этадиган, шунингдек, вазирликнинг ташкилий бўйсунуvida фаолият юритадиган республика ижро этувчи ҳокимият органи ҳисобланиши;



**агентлик** - асосий вазифаси сифатида тегишли соҳада давлат хизматларини кўрсатиш ва қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқни қўллаш функцияларини амалга оширувчи, шунингдек, вазирлик ташкилий бўйсунуvida фаолият юритадиган республика ижро этувчи ҳокимият органи ҳисобланиши;



**инспекция** - асосий вазифаси сифатида тегишли соҳа ва тармоқларда давлат назорати ва текширувни амалга оширувчи, шунингдек, вазирлик ташкилий бўйсунуvida фаолият юритадиган республика ижро этувчи ҳокимият органи ҳисобланиши;



Қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ алоҳида мақомга эга ҳамда бевосита Ўзбекистон Республикаси Президенти ва (ёки) Вазирлар Маҳкамасига бўйсунадиган қўмита, агентлик ва инспекциялар ташкил этилиши мумкинлиги.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислоҳотлар агентлиги кенгашининг Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларининг биринчи босқичи доирасида **2023 йил 1 январдан бошлаб** мустакил фаолият юритувчи республика ижро этувчи ҳокимият органларининг ва Вазирларлар сонини қисқартириш бўйича таклифи маъқулланди.



<b>Вазирлар Махкамаси тизимини қўйидаги вазирликлар ташкил этади:</b>	
1.	Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги;
2.	Иктисолиёт ва молия вазирлиги;
3.	Тоғ-кон ва геология вазирлиги;
4.	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги;
5.	Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги;
6.	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги;
7.	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги;
8.	Табиат ресурслари вазирлиги;
9.	Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги;
10	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги;
11	Сув хўжалиги вазирлиги;
12.	Рақамли технологиялар вазирлиги;
13.	Адлия вазирлиги;
14.	Транспорт вазирлиги;
15.	Маданият ва туризм вазирлиги;
16.	Мудофаа вазирлиги;
17.	Энергетика вазирлиги;
18.	Соғлиқни сақлаш вазирлиги;
19.	Ташқи ишлар вазирлиги;
20.	Ички ишлар вазирлиги;
21.	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ-269-сон Фармони билан қўйидаги иловалар тасдиқланди:**

- 2023 йил 1 январдан бошлаб қайта ташкил этилаётган республика давлат бошқаруви органларининг рўйхати (2-илова);

- 2023 йил 1 январдан бошлаб вазифа ва функциялари тегишли вазирлик ва идораларга ўтказилган ҳолда тугатилаётган республика давлат бошқаруви органларининг рўйхати (3-илова);

- 2023 йил 1 январдан бошлаб ташкилий бўйсунуви ўзгараётган республика давлат бошқаруви органларининг рўйхати (4-илова).

Мазкур Фармон доирасида штат бирликларини мақбуллаштириш натижасида бўшайдиган маблағлар ижтимоий масалаларни ҳал этишга йўналтирилади.

## **Бош Вазирга:**

- ушбу Фармонга мувофиқ қайта ташкил этилаётган республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини тўлақонли йўлга қўйиш бўйича **чора-тадбирлар режа-графиги**;



- республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини тартибга солувчи намунавий **низомни тасдиқлаш** топшириқ берилди.



Низомда, республика ижро этувчи ҳокимият органи раҳбари ва унинг ўринbosарлари масъулият доираси ҳамда республика, вилоят ва туман даражасидаги бўлинмаларнинг вазифа ва функцияларини аниқ чегаралаш, шунингдек, ҳудудлар кесимида фаолият самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ҳамда иш кўрсаткичлари (индикаторлари) белгиланиши талаб этилмоқда.

**Фармон асосида 2023 йил 1 январдан бошлаб республика ижро этувчи ҳокимият органларининг самарали иш фаолиятини йўлга қўйиш учун масъулиягини янада ошириш мақсадида:**

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ҳар бир республика ижро этувчи ҳокимият органининг йил давомида эришиши зарур бўлган мақсадли кўрсаткичлари (индикаторлари) белгиланади;

республика ижро этувчи ҳокимият органи раҳбари ҳар йил бошида ўзининг ўринbosарлари кесимида белгиланган мақсадли кўрсаткичларга (индикаторларга) эришиш бўйича ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқиб, жамоатчиликка тақдим қиласди;

ҳаракатлар дастурига асосан республика ижро этувчи ҳокимият органининг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари мақсадли кўрсаткичларга (индикаторларга) эришиш бўйича ҳудудий ривожланиш дастурини ишлаб чиқиб, жамоатчиликка тақдим қиласди;

республика ижро этувчи ҳокимият органи ва унинг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари йил якунига қадар ҳаракатлар ва ҳудудий ривожланиш дастурлари амалга оширилиши ва мақсадли кўрсаткичларга (индикаторларга) эришиш ҳолати юзасидан ҳисобот бериши ва очиқ эълон қилиш амалиёти йўлга қўйилади.

Республика ижро этувчи ҳокимият органи раҳбари Олий Мажлис палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда жамоатчилик олдида бевосита **хисобдор бўлиши** ҳам Фармонда белгиланди.



Шунингдек, Республика ижро этувчи ҳокимият органларининг институционал мустақиллигини ошириш мақсадида шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан республика ижро этувчи ҳокимият органларининг ташкилий тузилмаси, штат бирликлари ва раҳбар ўринbosарларининг сони, шунингдек, фаолият йўналишлари белгилаб берилади.

#### **Бунда:**

- марказий аппарат ва худудий бўлинмалар тузилмаларини Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқлаш амалиёти бекор қилинади;

- республика ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларига ажратилган маблағлар доирасида ҳамда белгиланган вазифалардан келиб чиқсан ҳолда марказий аппарат ва худудий бўлинмаларнинг тузилмаси ва штат бирликларини тасдиқлаш хукуқи тақдим этилади;

- республика ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларига худуддаги эҳтиёж ва шароитлардан келиб чиқиб, муайян вилоят ёки туман (шаҳар) бўлинмаларини ташкил этиш ёки уларни туманлараро (вилоятлараро) шаклда тузиш ваколати берилади.

Ушбу норматив-хукуқий хужжат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислоҳотлар агентлигининг кенгаши мазкур Фармон амалга оширилишини мувофиқлаштириш ҳамда қўйидаги мақсадли кўрсаткичларга эришишни таъминлаш учун масъул этиб белгиланди:

1. ижро этувчи ҳокимият органлари штат бирликлари, шу жумладан раҳбар лавозимларини 30 фойзгача мақбуллаштириш ва адолатли меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини жорий этиш;

2. маъмурий ислоҳотлар доирасида трансформация қилинаётган ижро этувчи ҳокимият органларининг мазкур Фармонда белгиланган янги талаблардан келиб чиқсан ҳолда самарали фаолиятини йўлга қўйиш;

3. раҳбарларнинг молиявий ва институционал мустақиллигини ошириш орқали ҳудудлар билан ишлашнинг самарали тизимини жорий этиш;

4. республика ижро этувчи ҳокимият органларининг функцияларини тартибга солиш орқали уларни камида 10 фойзга қисқартириш;

5. хусусий секторга ўтказиладиган давлат функциялари сонини камида 3 баробарга ошириш, давлат-хусусий шериклик ва аутсорсинг механизmlарини кенг жорий этиш;

6. ижро этувчи ҳокимият органларининг тизимида раҳбар ва ижрочи ходимларнинг муносаб нисбатига эришиш;

7. раҳбарларнинг аҳоли таклифлари асосида фаолиятини йўлга қўйиш ва жамоатчилик олдида ҳисобдорлигини кучайтириш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Стратегик ислоҳотлар агентлигининг кенгашига мазкур Фармондан келиб чиқсан ҳолда маъмурй ислоҳотлар биринчи босқичида республика ижро этувчи ҳокимият органларини 2023 йил 1 январга қадар, иккинчи босқичида эса маҳаллий давлат ҳокимияти органларини 2023 йил 1 апрелга қадар ислоҳ қилиш бўйича чоралар кўриш вазифа юклатилди.

2023 йил 1 февралга қадар мазкур Фармон талабларидан келиб чиқсан ҳолда, қуидагиларни назарда тутувчи «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида» ги янги қонун лойиҳаси киритилади:

- Ҳукумат аъзоларининг Бош вазир билан тўғридан-тўғри ишлаш механизmlарини белгилаш, уларнинг Вазирлар Маҳкамасида қарорлар қабул қилиш жараёнидаги мақомини ошириш;

- ҳудудлар, инфратузилма, иқтисодиёт, молия, пул-кредит, шунингдек, ижтимоий соҳанинг ривожланишини таъминлашда Ҳукуматнинг масъулиятини тубдан ошириш;

- Ҳукумат аъзоларининг бошқарув, кадр, молия ва бошқа йўналишлардаги мустақиллигини ошириш ва масъулиятини кучайтириш;

- республика ижро этувчи ҳокимият органларининг, шу жумладан худудий бўлинмалар кесимидағи ҳар бирининг мақоми, уларни ташкил этиш ва тугатишнинг аниқ тартиби ҳамда бир-биридан фарқловчи мезонларни белгилаш.

**2 – савол: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги “Янги Ўзбекистон маъмурй ислоҳотлари доирасида республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-447-сон қарорининг мазмун-моҳияти.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги «Янги Ўзбекистон маъмурй ислоҳотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-269-сон Фармонини ижросини таъминлаш ва Янги Ўзбекистон маъмурй ислоҳотлари доирасида мамлакатимизда натижадорликка йўналтирилган ихчам ва профессионал давлат бошқаруви тизимини яратиш бўйича чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилишини таъминлаш, шунингдек, республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини янгилangan талаблар ва тамойиллар асосида ташкил этиш мақсадида 2022 йил 21 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Янги Ўзбекистон маъмурй ислоҳотлари доирасида республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-447-сон қарори қабул қилинди.

**Мазкур қарорда Республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва уларнинг худудий бўлинмалари масъулиятини ошириш мақсадида республика ва маҳаллий даражадаги бўғинларнинг қуидаги функционал чегараси белгиланди:**

*a) Республика ижро этувчи ҳокимият органлари:*

тегишли соҳада ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқади ва унинг амалга оширилишини таъминлайди ҳамда бу борада маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини услубий жиҳатдан таъминлайди;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқади, уларга давлат хизматларини кўрсатади ҳамда худудий бўлинмаларнинг халқ билан очиқ мулоқотни йўлга қўйиш йўналишидаги фаолиятини мувофиқлаштиради ва умумлаштиради;

ўз тизимиға ва ташкилий бўйсунувига кирадиган ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини баҳолашнинг мақсадли кўрсаткичларини белгилайди ҳамда уларга эришиш ишларини мувофиқлаштиради;

хуқуқий тартибга солиш функцияси доирасида идоравий норматив-хуқуқий хужжатларни қабул қиласди (вазирлик тизими ёки ташкилий бўйсунувига кирадиган ижро этувчи ҳокимият органлари бундан мустасно) ҳамда қонунчилик хужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқади;

жойлардаги муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш тадбирлари амалга оширилишини мувофиқлаштиради, ўз ваколати доирасида хуқуқий тартибга солиш ва назорат функцияларини амалга оширади;

тегишли тузилмаларни малакали кадрлар билан тўлдириш, уларнинг билим ва кўнимкаларини узлуксиз оширишга қаратилган тизимли чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

мехнат фаолиятини амалга ошириш ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг муносиб ва адолатли шарт-шароитларини яратади;

*б) ижро этувчи ҳокимият органларининг худудий бўлинмалари:*


тегишли ҳудудда соҳа бўйича ягона давлат сиёсатини амалга ошириш ҳамда белгилаб берилган мақсадли кўрсаткичларга эришишга қаратилган амалий ва манзилли чора-тадбирларни амалга оширади;

жойларда ижтимоий ва иқтисодий ҳолатни таҳлил қилган ҳолда, аҳолини қийнаётган тизимли муаммоларни бартараф этиш ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича дастурларни ишлаб чиқишида ва амалга оширишда иштирок этади;

жойларда қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва бошқа қонунчилик хужжатларининг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлайди;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқади ва уларга давлат хизматларини кўрсатади ҳамда ўз ваколати доирасида тегишли ҳудудда давлат назорати тадбирларини амалга оширади.

**Ушбу қарор билан 2023 йил 1 январдан бошлаб қўйидагилар белгиланди:**



- республика ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари **бир вақтнинг ўзида хўжалик бошқаруви органларининг раҳбари вазифасини бажариши тақиқланади;**

- уюшма ва бошқа хўжалик бирлашмаларига давлат ҳокимияти ваколатларини бериш ва уларнинг раҳбарларини **Вазирлар** **Маҳкамаси** қарорлари билан лавозимга тайинлаш амалиёти бекор қилинади.



Шунингдек, Республика ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг молиявий мустақиллигини таъминлаш мақсадида тегишли соҳага оид Давлат бюджети параметрларини шакллантиришнинг қуидаги тартиби ўрнатилди:

- ҳар бир республика ижро этувчи ҳокимият органи томонидан тегишли соҳани ривожлантириш юзасидан ўрта муддатли дастур (концепция, стратегия) (кейинги ўринларда - Дастур) ишлаб чиқиш ҳамда белгиланган тартибда тасдиқлаш;

- Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан тегишли вазирлик ва идораларга ажратилган маблағларнинг чекланган миқдори доирасида келгуси йиллар учун Дастурда белгиланган устувор йўналишлар асосида соҳани йиллик молиялаштириш ҳажмлари ишлаб чиқиш;

- вазирлик ва идоралар томонидан Дастурда белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш учун зарур бўлган ва Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этилган бюджет сўровлари билан харажатларнинг чекланган миқдори ўртасида номутаносиблик юзага келганда, унга Вазирлар Маҳкамаси томонидан тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирокида аниқлик киритиш;

- Вазирлар Маҳкамаси вазирлик ва идоралар кесимида уларга Давлат бюджетидан ажратилиши кўзда тутилаётган маблағлар доирасида Дастурда белгиланган мақсадларга эришиш кўрсаткичлари белгиланишини таъминлаш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПҚ-447-сон қарори билан қўйидагилар белгилаб қўйилди:

- Иқтисодиёт ва молия вазирлиги келгуси молия йилидан бошлаб, Давлат бюджети параметрлари тасдиқлангандан сўнг вазирлик ва идораларнинг харажатлар сметасини рўйхатга олишда маблағларни харажатлар иқтисодий таснифининг моддаларига ажратмасдан факат харажат гуруҳлари бўйича ажратилишини таъминлаш;

- вазирлик ва идоралар бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришилиши ҳамда маблағларнинг сарфланиши юзасидан барча маълумотларни харажатлар иқтисодий таснифининг моддалари кесимида ўзларининг расмий веб-сайтларида очиқ эълон қилиб бориш ва Олий Мажлис палаталари олдида ҳисобот бериш.

Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотлари доирасида барча республика ижро этувчи ҳокимият органларининг қарийб 5 минг функциялари хатловдан ўтказилиб, 500 га яқин такрорланадиган, ўз аҳамиятини йўқотган ҳамда амалга ошириш механизмлари билан таъминланмаган функциялар аниқланганлигини

инобатга олган ҳолда республика ва ҳудудий ижро этувчи ҳокимият органлари функцияларининг очиқ реестрини (кейинги ўринларда -Функциялар ягона реестри) шакллантириш, уни доимий юритиш амалиёти йўлга қўйилиши ушбу қарорда кўрсатилиб ўтилди ва бунда:

- Функциялар ягона реестрига киритилган ҳар бир функция бўйича уларни республика, вилоят ва туман (шаҳар) кесимида амалга ошириш учун ташкилий-ҳуқуқий механизмлар, молиявий-иқтисодий ва кадрлар ресурслари билан таъминланганлик ҳолати акс эттирилиши;

- амалга ошириш механизми бўлмаган функцияларни зарур ташкилий-ҳуқуқий механизмлар, молиявий-иқтисодий ва кадрлар ресурслари билан таъминлаш, ўз аҳамиятини йўқотган функцияларни эса бекор қилиш бўйича таклифлар киритилиши;

- қонунчилик ҳужжатлари билан ижро органларига юклатиладиган функциялар бир вақтнинг ўзида мажбурий тарзда Функциялар ягона реестрига киритилиб, такрорланувчи функциялар бекор қилиниши;

- функцияларни рақамлаштириш ва инсон омилини қисқартирган ҳолда автоматлаштириш юзасидан таклифлар киритилиши.

Мазкур Фармонда Давлат бошқаруvida очиқлик даражасини янада ошириш, рақамли технологияларни жорий этиш, рақамлаштирилган давлат бошқаруви моделига ўтиш мақсадида 2023 йил 1 январдан бошлаб, синов тариқасида, Адлия вазирлиги тизимида идоравий буйруқ, қарор ва фармойишларни «E-qaror» электрон тизими орқали қабул қилиш ва эълон қилиш амалиёти йўлга қўйилиши шунингдек,



Адлия вазирлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда 2023 йил 1 июнга қадар синов натижалари бўйича 2023 йил 1 сентябрдан бошлаб барча республика ижро этувчи ҳокимият органларида буйруқ, қарор ва фармойишларни **«E-qaror» электрон тизими орқали қабул қилиш ва эълон қилиши** жорий этишини назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини киритилиши белгиланган.

**Давлат бошқаруви аппаратини саклаш билан боғлиқ харажатларни мақбуллаштириш, коррупциявий омилларни бартараф этиш ҳамда бюджет маблағларининг сарфланиши устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатиш мақсадида:**

худудларга хизмат сафарларини қисқартирган ҳолда жойлардаги муаммоларни аниқлаш учун «онлайн қабул», «виртуал ташриф» каби худудлар билан ишлашнинг замонавий технологияларга асосланган масофавий усулларини қўллаш тизими жорий этиш;

республика ижро этувчи ҳокимият органларини автотранспорт воситалари билан таъминлаш меъёрлари раҳбар кадрларнинг сони қисқартирилишини инобатга олган ҳолда мақбуллаштириш;

ижро этувчи ҳокимият органлари учун энергия ва бошқа ресурсларнинг сарфланишини босқичма-босқич, шу жумладан тежамкор технологияларни жорий этиш ҳисобидан камайтириш бўйича мақсадли кўрсаткичларни ҳар йили белгилаш ҳамда ажратиладиган бюджет маблағларини уларга қараб мақбуллаштириш амалиёти жорий этиш;

бино ва иншоотларни қуриш, таъмирлаш ва жиҳозлаш (қайта жиҳозлаш) ҳамда расмий тадбирларни ўтказиш бўйича максимал нархларни ичига олувчи меъёрларни белгилаш, шунингдек, ушбу мақсадларга сарфланган маблағлар юзасидан ҳисботларни харажатлар иқтисодий таснифининг моддалари кесимида эълон қилиб бориши тартиби жорий этиш;

назорат тадбирларини ўтказишнинг муқобил шакллари жорий этилишини ва уларда жамоатчилик вакилларининг иштирокини таъминлайдиган тизимни йўлга қўйиш орқали барча назорат тадбирлари ва объектлари ҳақидаги маълумотларнинг очиқлиги таъминлаш масалалари белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПҚ-447-сон қарори билан Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотлари доирасида амалга ошириладиган биринчи навбатдаги чора-тадбирлар бўйича «йўл харитаси» тасдиқланди.

«Йўл харитаси» да белгиланган тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилишини таъминлаш юзасидан масъул ижрои бўлган давлат органларининг биринчи раҳбарларига шахсий масъулият юклатилди.

### **Мустақил тайёргарлик учун топширик:**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрь “Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-269-сон Фармони ҳамда 2022 йил 21 декабрь “Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотлари доирасида республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-447-сон қарорини ўқиб ўрганиш.

### **Назорат учун саволлар:**

1. Янги ўзбекистон маъмурий ислоҳотларининг мақсадини айтинг?
2. 2023 йил 1 январдан бошлаб ихчам, профессионал бошқарув тамойилларига асосланган ва самарадорликка йўналтирилган республика ижро этувчи ҳокимият органларининг қайси бўлинмаларини ўз ичига оладиган яхлит тизим маъқулланди?

## **4-МАВЗУ: ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ СОҲАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР**

### **Режа:**

1-савол. Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги Концепцияси.

2-савол. Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш Стратегияси.

3-савол. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш.

### **1-савол. Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги Концепцияси.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартағи «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6196-сон Фармонига мувофиқ, шунингдек, мамлакатимизда жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада ривожлантириш ҳамда ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг истиқболли йўналишларини белгилаш мақсадида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрь куни “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, ПФ-27-сонли фармони қабул қилинди.(Фармон, 5 илова, 13 банддан иборат)

**Концепция** (лот. *conceptio* — мажмуа, тизим) — деганда бирор соҳага оид қарашлар, тамойиллар тизими, факт ва ҳодисаларни тушуниш, англаш ва изоҳлашнинг муайян усули, асосий нуктаи назарини тушунишимиз мумкин.



Жамоат хавфсизлиги концепциясини қабул қилишдан иккита:

1. Мамлакатимизда жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада ривожлантириш;
2. Ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг истиқболли йўналишларини белгилаш **мақсади** кўзланган.

Концепцияни амалга оширишнинг пировард натижасида жамоат хавфсизлигини, аҳолининг тинчлиги ва осойишлатилигини таъминлашнинг сифат жиҳатдан янги тизимини самарали татбиқ этиш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлашнинг ишончли ва самарали механизмларини жорий этиш хисобланади.

**Жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги илғор хорижий ва миллий тажрибалар асосида ишлаб чиқилган ҳамда аҳолини ҳар қандай таҳдидлардан кафолатли ҳимоя қилишга қаратилган:**

1-иловада	Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепцияси тасдиқланди. 5-боб, 24-банд: 1-боб. Умумий қоидалар, 2-боб. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасини давлат томонидан тартибга солиш, 3-боб. Концепцияни амалга ошириш механизмлари, 4-боб. Концепцияни амалга оширишдан кутилаётган натижалар, 5-боб. Якунловчи қоида)
2-иловада	2022-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегияси (Стратегия), тасдиқланди. (8-боб, 104-банд: Жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг хуқуқий, услугий, илмий, ташкилий, шакл ва усусларини асосларини ривожлантириш, фаолиятини рақамлаштириш, кутилаётган натижалар белгиланган).
3-иловада	2022-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегиясини 2022 йилда амалга ошириш бўйича «йўл харитаси» («Йўл харитаси») тасдиқланди
4-иловада	Профилактика инспекторлари зиммасига юклатилган вазифаларнинг (22 та) ягона рўйхати тасдиқланди
5-иловада	Ўзбекистон Республикаси Президентининг айrim ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди

**Белгиландики:**

- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида оммавий тадбирларни ўтказишида ҳамда истироҳат боғлари, хиёбонлар ва бозорларда жамоат тартибини сақлашни ташкил этиш бевосита Миллий гвардия бўлинмалари томонидан амалга оширилади;



- 2022-2023 йилларда туман ички ишлар органлари таркибидаги конвой бўлинмалари босқичма-босқич вилоят ички ишлар органларининг бевосита бўйсунувига ўтказилиб, ягона бошқарув тизими асосида туманлараро хизмат ўташ тамойилига мувофиқ қайта ташкил этилади.



- Ички ишлар вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда худудларнинг криминоген вазияти ва ахоли зичлигидан келиб чиқсан ҳолда туманлараро патруль-пост хизмати бўлинмаларини ташкил этиш меъёрларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;



- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимлеклари билан биргаликда 2022 йил 1 марта қадар тасдиқланган меъёрларга асосан маҳаллий бюджет ҳисобидан камидан биттадан туманлараро патруль-пост хизмати бўлинмаларини ташкил этиш чораларини кўриш;



-2022 йил 1 майга қадар бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан ички ишлар органлари конвой фаолиятига конвой остидаги шахсларни электрон браслетлар орқали назорат қилиш тизимини жорий этиш.



### Шунингдек:

*Ички ишлар вазирлиги тузулмасида Жамоат хавфсизлиги департаментининг (Департамент) қуидаги асосий вазифалари белгиланди:*



Департамент: стратегия, «йўл харитаси» ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳар йили тасдиқланадиган мамлакатда жамоат хавфсизлигини таъминлашга оид чора-тадбирлар дастурларининг амалга оширилиши доирасида:

- мунтазам мониторинг олиб бориб, белгиланган чора-тадбирлар сифатли ва ўз вақтида ижро этилиши бўйича таклиф ва тавсияларни тегишли давлат органларига киритади;
- жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида эришилган натижалар ва аниқ кўрсаткичлар акс эттирилган батафсил ахборотни доимий равишда кенг жамоатчиликка етказиб боради;
- ҳар чоракда умумлаштирилган ҳисботни Вазирлар Маҳкамасига киритади ҳамда ҳар ярим йилда Президент ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши муҳокамасига тақдим қиласи.

Жўқорғи Кенгес, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари мажлисларида худудий ИИОлари раҳбарларининг ўринbosарлари - **жамоат хавфсизлиги хизмати бошликлари томонидан ҳар чоракда** жамоат хавфсизлиги юзасидан ҳисбот бериш, натижаларни танқидий муҳокама қилиб, уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиши амалиёти жорий этилди, республикада жамоат тартибини оммавий бузиш билан боғлиқ ҳолатлар юзага келганда ваколатли идораларнинг ҳаракатларини умумий мувофиқлаштириш вазифаси Департамент зиммасига юқлатилди ҳамда унинг қошида ягона идоралараро бошқарув штаби ташкил этилади, *Департамент бошлиги ИИОлари томонидан амалга ошириладиган жамоат хавфсизлигини таъминлаши тадбирларининг ягона мувофиқлаштирувчиси ҳисобланади*;

Маҳаллада жамоат хавфсизлигини самарали таъминлаш мақсадида Фармоннинг 4-иловасида ИИОлари профилактика инспекторлари зиммасига юқлатилган вазифалар мақбуллаштирилди ва уларнинг ягона рўйхати тасдиқланди. Шунингдек:

- 2024 йил 1-сентябрдан эътиборан Тошкент шаҳар, 2025 йил 1 сентябрдан бошлаб қолган худудий ИИО профилактика катта инспектори лавозимларига фақат олий юридик маълумотга эга бўлган ходимлар тайинланадиган;



- профилактика инспекторлари учун ИИВ Академияси сиртқи таълимiga қабул қилинадиган ходимлар умумий сонининг камида 25% миқдорида қабул квотаси ажратиладиган;



2022/2023 ўқув йилидан бошлаб, фаолиятида юқори натижаларга эришган Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ИИОдан иккитадан, қолган худудий ИИОдан биттадан профилактика инспектори Департамент бошлиғи тақдимномасига асосан ИИВ Академиясининг сиртқи таълимига имтиҳонларсиз қабул қилинади ҳамда бепул ўқитиладиган;

профилактика инспекторларининг шаҳар ва қишлоқ шароитида фаолият олиб бориши бўйича моделларни амалиётга жорий этиш чораларини кўриш ва улар бўйича ўқитиш тизимини йўлга қўйиш тартиби белгиланди.

#### Бундан ташқари:

Пробация инспекторларининг фаолияти худудий профилактика инспекторлари билан кунлик, узлуксиз ҳамкорликда ташкил этиш, улар зиммасига профилактик ҳисоб ва маъмурий назоратдагиларнинг шахсини ўрганиш ва уларни ижтимоий мослаштириш ишларида профилактика инспекторларига амалий-услубий қўмаклашиш бўйича қўшимча вазифалар юкланди. Пробация назоратидаги шахсларга ўрнатиладиган чекловлар доирасини, чекловларга риоя этишни таъминлаш ва назорат қилишнинг механизмларини аниқ белгилаш, пробация назоратидаги шахсларга нисбатан юритиладиган ҳужжатларни тўлиқ электрон шаклга ўтказиш, уларга нисбатан рағбатлантириш ва интизомий жазо чораларини қўллаш тартиби ва асосларини белгилаш, пробация назоратидаги шахсларга ижтимоий-психологик ёрдам бериш ҳамда касб-хунар ўрганиш ва ишга жойлашишда қўмаклашиш тадбирларини, мутасадди органларнинг вазифаларини аниқ белгилаган ҳолда, якка тартибдаги ижтимоий мослаштириш дастури асосида амалга ошириш, пробация назоратидаги шахслар ижтимоий-психологик портретининг ягона шаклини, уларни тоифаларга ажратиш мезонларини, янги жиноят содир этишнинг олдини олиш тартиби белгиланди.

**Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепцияси** бу - жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини белгиловчи муҳим ҳужжат ҳисобланади. (Хужжат 5 боб, 24 банддан иборат).

#### **Жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қўйидагилар:**

жамоат хавфсизлигига таҳдидларни бартараф этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва ижросини таъминлаш
жамиятнинг қонунга хилоф тажовузлардан ҳимоя қилинишини таъминлаш, ижтимоий ва миллатлараро низоларнинг профилактикасини амалга ошириш
террористик ва экстремистик фаолиятга унга чек қўйиш, коррупция, гиёҳванд ва психотроп моддалар, қурол, ўқ-дори, портловчи моддалар, ноқонуний миграция ва одам савдоси ҳамда инсон ҳукуқ ва эркинликларига қарши қаратилган жиноят ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш
туризм объектларининг узлуксиз ва хавфсиз фаолият кўрсатишини таъминлаш
йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида етказиладиган зарар ва ўлим билан боғлиқ ҳолатларнинг олдини олиш

жиноят содир этишга мойил, маъмурий ва пробация назоратига олинган ҳамда ёт бўлган ғоялар тъсирига тушиб адашган шахсларнинг ижтимоийлашуви, ( касб-хунарга ўқитиш ва тадбиркорликка кенг жалб қилиш) орқали ушбу тоифадаги фуқаролар томонидан қайта жиноят содир этилишига йўл қўймаслик

аҳоли ва худудларни фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш, фуқаро муҳофазаси, ёнгин хавфсизлигини таъминлашда аҳолининг кўникмаларини шакллантириш ва доимий такомиллаштириб бориш

вояга етмаганлар ва ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий ва умумисоний қадриятларга хурмат руҳида тарбиялаш, терроризм, экстремизм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоялаш, улар орасида ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш

жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ҳамда жиноятчиликка қарши курашиш соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва тизимларини кенг жорий этиш

жамоат хавфсизлигини таъминлашга жалб қилинадиган ваколатли давлат органлари куч ва воситаларининг доимий тайёрлигини таъминлаш, тезкорлигини ошириш, моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш, шунингдек, уларнинг шахсий таркибини ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоялаш даражасини ошириш

### Жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятининг асосий тамоилилари:

фуқароларнинг ҳуқуклари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш ҳамда уларни хурмат қилиш

очиқлик ва шаффоффлик

жамоат хавфсизлигига тажовуз қилувчи таҳдидларнинг олдини олиш ва бартараф этиш тадбирларининг устуворлиги

жамоат хавфсизлигини таъминлашда барча ваколатни тузилмаларнинг ҳаракатлари изчиллиги ва бирдамлиги

**Жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизими жамоат хавфсизлигини таъминловчи ва унда иштирок этувчи субъектлардан иборат**

<b>Таъминловчи субъектлар</b>	<b>Иштирок этувчи субъектлар</b>
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси	Бошқа давлат органлари ва ташкилотлари
Ички ишлар вазирлиги	
Миллий гвардия	
Фавқулодда вазиятлар вазирлиги	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари
Давлат хавфсизлик хизмати	
Бош прокуратура	
Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги	Нодавлат нотижорат ташкилотлар
Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	
Соғлиқни сақлаш вазирлиги	Фуқаролар
Маҳаллий давлат ҳокимияти органлар	

**Жамоат хавфсизлигини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси ИИВлиги:**

1. жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган мақсадли идоравий дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;
2. жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчилик, терроризм ва экстремизмга қарши курашиб бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;
3. жамоат жойларида, шу жумладан йўлларда, транспорт ва туризм инфратузилмаси обьектларида жамоат хавфсизлигини таъминлашга жалб этилган барча куч ва воситалар фаолиятини мувофиқлаштиради ҳамда ташкилий-услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди;
4. фуқаровий ҳамда хизмат қуроли ва унинг ўқ-дорилари муомалада бўлиши соҳасига доир қоидалар ва тартибга, ушбу соҳадаги лицензия ва рухсат беришга оид талаблар ҳамда шартларга риоя этилишини таъминлайди;
5. ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, ҳуқуқбузарликларни содир этишга мойил шахсларни аниқлайди;
6. жамоат жойларида содир этиладиган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг комплекс, тизимли таҳлилини олиб боради, уларни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф этиш, мавжуд куч ва воситалардан самарали фойдаланиш юзасидан таклифлар, кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар ва тавсиялар киритади;
7. жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи оммавий тартибсизликларга чек қўйиш бўйича тадбирлар юзасидан умумий бошқарув тизимини таъминлайди;
8. жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳолати ҳақида кенг жамоатчиликни мунтазам хабардор қилиб боради, бу борада жамоатчилик фикрини ўрганади;
9. жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида илмий-тадқиқот ва ташкилий-услубий ишларни амалга оширади.

## **Концепцияни амалга ошириш қуйидагиларни ўз ичига олади (механизмлари).**

жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш
жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган мақсадли ва манзилли дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш
жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган идоралараро амалий ўқув машғулотларини ўтказиш
жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимида малакали кадрларни тайёрлаш, уларни жой-жойига қўйиш, тизимли малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш
жамоат хавфсизлигига хатарларнинг ҳолати ва даражаларини белгиловчи мезонларни ва асосий қўрсаткичларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш
жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳолатининг ривожланишини прогноз қилиш, мавжуд ва юзага келиши мумкин бўлган таҳдидларни белгилаш, уларни бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш
жамоат хавфсизлигига тажовуз қилувчи хукуқбузарликларнинг профилактикасини амалга ошириш, уларни содир этган шахсларнинг белгиланган тартибда жавобгарликка тортилишини таъминлаш
жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ваколатли давлат органлари ва жамоат тузилмаларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ва тезкор бошқаришнинг ягона марказлашган тизимини жорий этиш
жамоат хавфсизлигини таъминлашда рақамли технологияларни кенг жорий этиш;
жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича илгор хорижий тажрибани ўрганиш ва уни татбиқ этиш чораларини кўриш, соҳада халқаро ҳамкорликни амалга ошириш

Жамоат хавфсизлигини таъминлашга таҳдидлар, уларнинг ҳолати ва ривожланиш тенденциялари, жамоат хавфсизлигининг таъминланганлиги ҳолати белгиланган қўрсаткичлар асосида баҳоланади.

Жамоат хавфсизлиги манзилли ва мақсадли дастурлар, жамоат хавфсизлиги тизимини ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқиш ва уларни тизимли амалга ошириш орқали таъминланади.

### **Концепцияни амалга оширишдан кутилаётган натижалар:**

жамоат хавфсизлигини таъминлашга доир қонунчилик янада такомиллаштирилади, мавжуд хуқуқий бўшлиқ ва зиддиятлар бартараф этилади, миллий хусусиятлар ва шароитлар эътиборга олинган ҳолда халқаро стандартлар ва илгор хорижий тажриба татбиқ этилади;

жамиятда тинчлик ва осойишталиктининг таъминланганлик даражаси оширилади, қонун устуворлиги мустаҳкамланади, фуқароларнинг конституциявий хуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш самарадорлиги ошади;

жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятининг шаффофлиги ва ошкоралиги таъминланади, соҳада жамоатчилик билан узвий ҳамкорлик даражаси ошади;

жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятига ишни ташкил этишнинг замонавий шакл ва усуллари ҳамда илғор ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилади.

Концепцияни амалга оширишнинг пировард натижаси жамоат хавфсизлигини, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини самарали татбиқ этиш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлашнинг ишончли ва самарали механизмларини жорий этиш ҳисобланади.


## **2-савол. Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш Стратегияси.**

Ушбу Стратегия-Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон Фармони 2-иловасига асосан тадикланган.

(Стратегия: 8-боб, 104 банддан иборат)

**Стратегиянинг мақсади** - мамлакатда жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича ҳуқуқий, услубий, илмий, ташкилий чораларни ишлаб чиқиш ва самарали амалга оширишдан иборат.

Стратегияда белгиланган чора-  
тадбирларнинг самарали  
бажарилишини ташкил этиш учун  
**Ўзбекистон Республикаси ички  
ишлар вазири шахсан масъул  
ҳисобланади.**



Ички ишлар вазирлиги  
Жамоат хавфсизлиги  
департаменти Стратегияда  
белгиланган вазифаларнинг  
сифатли ижро этилишини  
таъминлаш мақсадида Миллий  
гвардия ва бошқа мутасадди  
вазирлик ва идоралар билан  
биргаликда ҳар йили қўшма  
дастур ва «йўл ҳарита»ларини  
**ишлаб чиқиб,** Вазирлар  
Маҳкамасига тасдиқлаш учун  
киритади ва уларнинг ижросини  
мувофиқлаштиради.



### **Стратегиянинг асосий вазифаларига қўйидагилар киради:**

1. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, тизимлаштириш ҳамда мавжуд ҳуқуқий бўшлиқ ва зиддиятларни бартараф этиш;

2. Жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва пробация фаолиятини уйғунлаштириш;

3. Жамоат тартибини сақлаш, шу жумладан оммавий тадбирларни ўтказишга жалб қилинадиган вазирлик ва идоралар куч ва воситаларининг биргаликдаги ҳаракатланиш алгоритмини ишлаб чиқиш ва уни доимий такомиллаштириб бориш;

4. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятига замонавий шакл ва иш усулларини ҳамда илғор ахборот технологияларини кенг жорий этиш;

5. Жамоат хавфсизлиги тизимини рақамлаштиришни 90 фоизга етказиш орқали хизмат фаолиятида инсон омилини минималлаштириш;

6. Профилактик ҳисоб, маъмурий назорат ва пробация назоратидаги шахслар томонидан қайта жиноят содир этилишини кескин камайтириш.

### **Жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини ривожлантириш**

→ Жамоат хавфсизлиги соҳасида ягона қонун ҳужжати лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш орқали жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва пробация соҳасидаги муносабатлар ва ваколатларни тартибга солувчи **200 дан** ортиқ норматив-ҳуқуқий ва идоравий норматив ҳужжатлар нормалари ва қоидаларини **бираштириши**.

→ Жамоат хавфсизлигига хавфларнинг ҳолати ва даражаларини белгиловчи мезонларни ва асосий кўрсаткичларни (индиқаторларни) ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш.

→ Транспорт ва туризм обьектларида хавфсизликни таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш, давлат органлари ҳамда сервис-хизмат кўрсатиш субъектларининг мазкур йўналишдаги вазифа ва функцияларини белгиловчи ягона қонун ҳужжати лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш.

→ Профилактик ҳисоб, маъмурий назорат ва пробация назоратидаги шахсларга ўрнатиладиган чекловлар, шунингдек, уларнинг зиммасига юкландиган мажбуриятлар доирасини ва уларга риоя этилишини таъминлаш механизmlарини аниқ белгилаш.

→ Илғор хорижий тажрибага таянган ҳолда йўл ҳаракатини ташкил этишда ваколатли давлат органлари ва жамоат тузилмаларининг фаолиятини ва ўзаро ҳамкорлигини «*Равон йўл*» тамойили асосида ташкил этиш, мувофиқлаштириш ҳамда уларнинг ваколатлари доирасини аниқ белгилашни назарда тутган ҳолда, ушбу соҳадаги муносабатларни тўғридан-тўғри қонун нормалари билан тартибга солиш, «*Йўл - ниёда учун*» тамойилини кенг жорий этиш.

→ Йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини мунтазам равишда қасдан бузувчиларга, оғир оқибатларга олиб келган йўл-транспорт ҳодисаларини содир этганларга нисбатан жавобгарлик чораларини кучайтириш, шу жумладан илғор хорижий тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан узоқ муддатга маҳрум қилиш тарзидаги жиноий-ҳуқуқий таъсир чорасини жорий қилиш.

→ Оммавий тадбирларни ўтказиш қоидаларини тартибга солувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқиши ва қабул қилиши.

→ Аҳоли ва худудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиши тизимиши тартибга солувчи норматив-хуқуқий хужжатларни такомиллаштириши.

→ Жамоат хавфсизлигини таъминлашга ваколатли бўлган давлат органлари ходимларининг қонуний талабларига бўйсунмаслик ҳамда фаол қаршилик кўрсатиш ҳаракатларининг олдини олиш тартиб ва механизmlарни белгилаш.

→ Мажбурий жамоат ишлари жазосини қўллашга доир нормаларни, ушбу жазони ижро этиш механизmlарини такомиллаштириши.

→ Ахлоқ тузатиш ишлари жазосини банд бўлмаган шахсларга тайинлаш амалиётига доир муаммони бартараф этиши.

→ Жазони ўташдан бўйин товлаган шахсларнинг жазосини оғирроқ жазога алмаштириш тартибларни такомиллаштириши.

→ Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиши марказига жойлаштиришда шахсни тиббий кўрикдан ўтказишни ва унга нисбатан процессуал ҳаракатларни марказнинг ўзида амалга ошириш тартибини жорий этиши.

→ Курол айланмаси устидан назоратни кучайтириши, курол эгаларини тиббий чекловлар бўйича даврий равишида текшириш бўйича аниқ тартибни белгилаш, ўқотар ов куролига эгалик қилиш мезонларини қайта кўриб чиқиши.

→ Жамоат хавфсизлигини таъминлашда республика овчилик жамиятларининг ролини ошириш ва масъулиятини кучайтириши.

→ Пиёдаларни йўл ҳаракати қоидаларини бузганлиги учун жавобгарликка тортишнинг хуқуқий механизmlарини такомиллаштириши.

→ Қониқарсиз ҳолати йўл-транспорт ҳодисасига, айниқса, ўлимга олиб келган йўл ёки муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси обьектлари тасарруфида бўлган ташкилотлар ёки орган раҳбарларидан моддий зарарни ундириш тартибини жорий этиши ҳамда уларнинг жавобгарлигини белгилаш.

→ Транспорт воситалари ҳайдовчилари томонидан содир этиладиган «йўлда безорилик» ҳолатлари билан ифодаланадиган хатти-ҳаракатлар учун маъмурӣ жавобгарликни жорий этиши.

### Жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг услугий асосларини ривожлантириш

→ Маҳалла хуқук-тартибот масканининг намунавий лойиҳасини ишлаб чиқиши ва амалиётга жорий этиши.

→ Республика бўйича маҳалла хуқук-тартибот масканлари фаолиятини тўлақонли йўлга қўйиши.



→ Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, гурухий қонунбузарликлар ва оммавий тартибсизликларни бартараф этиши бўйича 14 та (Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар) «Худуд методикаси»ни ишлаб чиқиши ва амалиётга татбиқ этиши.


➔ Жамоат хавфсизлигини таъминлашда ҳуқуқ-тартибот идораларининг куч ва воситаларини бошқаришнинг **ягона марказлашган тизими** ташкил этиш.

➔ Туман (шаҳар) ички ишлар органлари таркибидаги конвой бўлинмаларини босқичма-босқич вилоят ички ишлар органларининг бевосита бўйсунувига ўтказиш ҳамда ягона бошқарув тизими асосида туманлараро хизмат ўташ тамойилига мувофиқ қайта ташкил этиш.

➔ Ички ишлар органлари таркибида **туманлараро патруль-пост хизмати бўлинмаларини ташкил этиши**.



➔ Хизмат вазифаларини бажаришда қулайликлар яратишини ва иқлим хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, жамоат хавфсизлигини таъминлашга жалб қилинган ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари учун **янги формали кийим-бош намунасини ишлаб чиқиши**, тасдиқлаш ҳамда уларни сифатли ва мос ўлчамдаги формали кийим-бош билан таъминлаш.



➔ Жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг маст ҳолатда содир этилганлигини, шунингдек, алкоголли ичимликлар истеъмол қилмаслик чеклови ўрнатилган шахсни ушбу чекловга риоя этмаганлигини аниqlаш ва тасдиқлаш тартибини ишлаб чиқиши.

➔ Алкоголли ичимликка ружу қўйган, гиёхванд, захарванд, тажовузкор руҳий касал шахсларни мажбурий даволаш бўйича намунавий дастур ишлаб чиқиши.

➔ Экстремистик ва ёт ғоялар таъсирига тушган шахслар билан ишлаш ва уларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш бўйича намунавий методикани ишлаб чиқиши.

➔ Интернет тармоғида жамоат хавфсизлиги учун хавф туғдирадиган таҳдидларни ўз вақтида аниқлаш, олдини олиш ва бартараф этиш бўйича комплекс ташкилий-методик асослар ва ҳаракатлар механизmlарини яратиши.

➔ Гурухий қонунбузарликлар ва оммавий тартибсизликларни бартараф этиш вақтида Миллий гвардия ва ички ишлар органлари томонидан фойдаланиладиган маҳсус техник воситаларни, шунингдек, тезкор ахборот алмашиш, қуи тизимдаги бўлинмаларни оқилона бошқариш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш механизмларини такомиллаштириш.

➔ Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардия олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот марказларида бажариладиган диссертацион тадқиқотлар мавзуларини шакллантиришда жамоат хавфсизлигини таъминлаш амалиётидаги долзарб муаммоларнинг ечимларига йўналтирилган масалаларга устувор аҳамият қаратиш бўйича таъсиран механизmlарни йўлга қўйиш.

➔ Профилактик ҳисоб, маъмурий назорат ва пробация назоратидаги шахсларнинг ўрнатилган чекловларга риоя этишини ва уларнинг зиммасига юклangan мажбуриятларни бажаришини таъминлаш, текшириш ва назорат қилиш, шунингдек, ушбу шахсларга тарбиявий ва хукуқий таъсири чораларини қўллаш ҳамда уларни ижтимоий мослаштириш бўйича «Харакатлар протоколи»ни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш.

➔ Давлат-хусусий шериклик ва аутсорсинг механизmlарини йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимиға ва йўл инфратузилмасини такомиллаштириш жараёнига жорий этиш.

➔ Транзит ва давлат ички транспорт оқими учун мақбул шартшароитлар яратишга йўналтирилган халқаро автомобиль йўллари инфратузилмасини такомиллаштириш.

### **Жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг илмий асосларини ривожлантириш**



Жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятининг таркибий қисмларини ифодаловчи масалаларни чукур илмий ўрганиш асосида Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардия таълим муассасалари ўқув жараёнида **«Жамоат хавфсизлиги асослари»** фанини жорий этиш, шу жумладан **«Жамоат хавфсизлиги асослари»** дарслигини тайёрлаш.

Профилактика инспекторларининг маъмурий ҳудудда иш фаолиятини олиб бориши бўйича тўлиқ механизmlарни назарда тутувчи **«шахар инспектори» ва «қишлоқ инспектори» моделларини яратиш**, жорий этиш ва улар бўйича ўқитишни ташкил этиш.

«Жамоат хавфсизлиги асослари» фани предметига кирадиган соҳаларни ягона илм соҳасига бирлаштирган ҳолда, «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш» ихтисослигини киритиш.

Жамоат хавфсизлиги муаммоларини ўрганиш, илмий тадқиқ қилиш борасида Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги масалалари илмий-амалий тадқиқотлар маркази ва Жамоат хавфсизлиги университетини таянч методик базага айлантириш.

Содир этилган жиноят ва хукуқбузарликларнинг асл омилларини «илмий диагноз» асосида аниқлаш ва «илмий диагноз хulosаси» билан **«E-jamoat havfsizligi»** ахборот тизими орқали расмийлаштириш тартибини жорий қилиш.



Содир этилган жиноят ва хукуқбузарликларнинг асл омилларини бартараф этиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирларни илмий баҳолаш асосида таҳлил қилиш ва «илмий баҳолаш хulosаси»ни расмийлаштириш тартибини жорий қилиш.

Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги масалалари илмий-амалий тадқиқотлар маркази ва Жамоат хавфсизлиги университети томонидан Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Фанлар Академияси билан биргаликда жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги муаммоларни ҳал қилиш йўналишида илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмаси доирасида мақсадли фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар шакллантирилиши ва амалга оширилишини таъминлаш.

Давлат бошқаруви ва маҳаллий ҳокимият органлари раҳбарларини Жамоат хавфсизлиги университети ҳамда Ички ишлар вазирлиги Академияси негизида жамоат хавфсизлиги асослари бўйича қисқа муддатли ўқув курсларида ўқитиш.

### **Жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг ташкилий асосларини ривожлантириш**

➔ Ҳар бешта маҳалла учун битта маҳалла ҳукуқ-тартибот масканини намунавий лойиҳа асосида ташкил этиш.

➔ «Жиноят ўчоқлари» ҳисобланган ҳудудларда тунги вақтда ички ишлар органлари ва Миллий гвардия бўлинмаларининг ҳарбий хизматчилари ва ходимларидан иборат автопатруль, отлиқ ва пиёда патрулларнинг узлуксиз фаолиятини йўлга қўйиш, уларнинг ваколат доирасини белгилаш ва функционал мажбуриятларини тасдиқлаш.

➔ Тошкент, Нукус шаҳарлари ва вилоятлар марказларидаги оммавий тадбирлар ўтказиладиган обьектларда, истироҳат боғлари, хиёбонлар ва бозорларда Миллий гвардия бўлинмалари томонидан жамоат тартибини сақлаш бўйича фаолият олиб боришнинг батафсил ва аниқ ҳукуқий механизmlарини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга татбиқ этиш.

➔ Оммавий ахборот воситалари, телекоммуникация тармоқлари ва Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда ижтимоий-сиёсий вазиятни бекарорлаштириш, шунингдек, жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ваколатли давлат органлари ходимларини обрўсизлантириш ҳолатларининг олдини олиш ва уларга барҳам беришнинг ташкилий-ҳукуқий асосларини такомиллаштириш.

➔ Ички ишлар органларининг ахлоққа қарши хуқуқбузарликлар билан курашиш фаолиятини, шу жумладан, ташкилий-тузилмавий асосларини яратган ҳолда такомиллаштириш.

➔ Кучли таъсир қилувчи моддалар муомаласини ҳуқуқий тартибга солишини, шу жумладан уларнинг ёшлар томонидан нотиббий мақсадларда истеъмол қилиниши ҳолатларининг олдини олиш механизмларини такомиллаштириш.

➔ Миллий гвардия ва ички ишлар органлари жамоат тартибини сақлашга масъул бўлинмаларининг ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва маъмурий жазо чораларини қўллаш ваколатини кенгайтириш.

➔ Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларида ички ишлар органлари, бошқа ҳуқуқ-тартибот органлари ва жамоат тузилмаларининг маҳаллалар кесимида биргаликда ишлаш механизмларини белгилаш.

➔ Жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ваколатли давлат органлари ходимларининг ижтимоий-ҳуқуқий химоясига доир имтиёзлардан фойдаланишида инсон омилини чеклайдиган автоматлаштирилган тизимни жорий қилиш.

➔ Худудий ички ишлар органларининг маъмурий биноларини кўриқлашни Миллий гвардия кўриқлаш хизмати томонидан шартнома асосида амалга оширилиши тизимини жорий этиш.

➔ Худудий ички ишлар органлари патруль-пост хизмати бўлинмалари таркибида босқичмабосқич **отлиқ отрядларни ташкил этиши.**



➔ Ота-онаси назоратисиз ва қаровисиз қолган, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволдаги оиласаларда яшаётган вояга етмаганлар билан ишлашнинг янгича тизимини яратиш.

➔ Транспорт воситаларининг хавфсиз ҳаракатланиши учун қулай шартшароитлар яратилишини назарда тутган ҳолда, республика ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган йўллар тизимини ривожлантириш бўйича комплекс чоратадбирларни амалга ошириш.

➔ Транспорт ва пиёдаларнинг ҳаракатни тўхтатиши ва бошлиши тўғрисида огоҳлантиришнинг замонавий сигнал берувчи тизимларини жорий этиш, пиёдалар учун янги турдаги ўтиш жойларини ташкил этиш.

➔ Йўл инфратузилмасини комплекс такомиллаштириш, йўллар сифатини яхшилаш, транспорт воситаларининг хавфсиз ҳаракатланиши учун ишончли шароитлар яратиш ҳисобидан йўл-транспорт ҳодисалари содир этилишини минимал даражага келтириш.

➔ Йўл қурилиши соҳасига оид норматив ҳужжатларга (ШНК, Давлат стандарти ва бошқ.) замон талабларидан келиб чиқиб тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.

➔ Жамоат ва махсус транспорт учун алоҳида ҳаракатланиш йўл полосаси ва замонавий велосипед йўлкалари ташкил этиш.

➔ Ички ишлар органлари, Миллий гвардия ва Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг жамоат хавфсизлигини, шу жумладан фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини амалга оширувчи бўлинмаларини замонавий махсус техника воситалари билан таъминлаш.

### **Жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг шакл ва усулларини ривожлантириш**

➔ Содир этилган жиноятларнинг асл омилларини аниқлаш ва бартараф этишда ҳукуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг ваколат доирасини аниқ белгилаш.

➔ Бозорлар атрофидаги тирбандликларни бартараф этиш ва фуқароларга қулайликлар яратиш мақсадида ва транспорт воситалари сонини ҳисобга олган ҳолда, йирик бозорлар атрофида ушбу бозорларнинг даромадлари ҳисобидан кўп қаватли ёки ер ости автотурагоҳлари қурилишини ташкил этиш.

➔ Шаҳар ва туманларнинг аҳоли гавжум жойларида пиёдалар йўлакчаларига пиёдалар бошқарадиган светофорларни ўрнатиш.

➔ «Йўл ҳаракати интизоми болаликдан бошланади» шиори остида умумтаълим муассасаларида **«Йўл ҳаракати қоидалари»** бўйича ўқув тадбирларини ташкил этиш.



➔ Умумтаълим муассасаларида **«Харакат хавфсизлиги синфхоналари»**ни, маҳаллаларда **«Йўл ҳаракатини ўргатиш»** майдончалари»ни ташкил этиш.



➔ Мактабгача таълим муассасаларида болаларга йўл ҳаракати хавфсизлиги асосларини ўқитиш тизимини жорий этиб, йўлларда, чорраҳаларда ва пиёдалар ўтиш жойларида ҳаракатланиш асосларини амалий ҳамда кўргазмали тарзда ўргатишни йўлга қўйиш.

➔ Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати маъмурий амалиёт бўлинмалари фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг лавозимларини офицерлик таркибига ўтказиш ҳамда биринчи навбатда олий юридик маълумотли ходимлар билан бутлаш тартибини жорий этиш.

➔ Миллий гвардия ва ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш бўлинмалари ҳамда «*Фидокор ёшлар*» жамоатчилик патруль гуруҳлари фаолиятини мувофиқлаштиришнинг самарали механизмларини йўлга қўйиш.

➔ Фуқаролар орасидан фавқулодда вазиятларда жалб этиладиган Миллий гвардиянинг сафарбарлик захираларини яратиш тизимини жорий этиш.

➔ Ички ишлар органлари, Ёшлар ишлари агентлиги, Ёшлар иттифоқи, Маҳалла ва оилани қўллаб-кувватлаш вазирлиги ҳамда бошқа мутасадди органларнинг маҳаллалар кесимида уюшмаган ёшлар билан ишлашини ташкил этиш бўйича ўзаро боғланган тўлиқ механизмларни жорий этиш.

➔ «*Ижтимоий профилактика*», «*пробацион профилактика*», «*тергов профилактикаси*», «*суд профилактикаси*»ни хуқуқбузарликлар профилактикаси турлари сифатида жорий этиш ва уларни қўллашнинг аниқ механизмларини белгилаш.

➔ Мулкий турдаги жиноятларнинг олдини олиш, нотинч оилалар ҳамда оиласвий зўравонлик қурбонлари билан ижтимоий профилактика тадбирларини янгича ёндашув — «*Хавфсиз хонадон*» ва «*Хавфсиз ҳовли*» тизими асосида амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқиш.

➔ Маъмурий назорат ва профилактик ҳисоб институтлари негизида профилактик назорат институтини жорий қилиш.

➔ Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмаларининг асосий фаолиятини фуқароларга қўмак беришга йўналтириш, жумладан йўлларда инспекторларнинг патруль хизматини фақат авто- ва мототранспорт воситаларида олиб бориши тартибини жорий этиш.

➔ Фавқулодда вазиятларда ва алоҳида шароитларда ваколатли давлат органлари ва жамоат тузилмалари хуқуқ-тартиботни таъминлаш бўйича куч ва воситаларининг тезкор ва ягона идоралараро бошқарувини ташкил этиш тартибини такомиллаштириш.

➔ Аҳолига эҳтимолий ёки содир бўлган фавқулодда вазиятлар ҳамда ёнғинлар тўғрисида хабар бериш ва маълумот етказиш тизимини янада такомиллаштириш.

➔ Кўп қаватли биноларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ва ёнғин ўчириш бўйича самарали тизимни жорий этиш.

➔ Тунги вақтларда аҳоли яшаш пунктларининг ёритилиши ва видео кузатув қамровини кенгайтириш.

➔ Жамоат тартибини сақлашга жалб қилинган куч ва воситаларни марказлашган тарзда бошқариш тартибини самарали йўлга қўйиш мақсадида Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департamenti ҳузурида ягона мувофиқлаштирилган идоралараро бошқарув тизимини ташкил этиш ва унинг фаолиятини тартибга солувчи аниқ ва батафсил хуқуқий механизмларни ишлаб чиқиш.

➔ Жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ваколатли давлат органлари ҳарбий хизматчи ва ходимларини сугурталаш институтини такомиллаштириш.

→ «Жамоат хавфсизлиги фидойиси» идоралараро кўкрак нишонини таъсис этиш.

→ Профилактик ҳисоб, маъмурий назорат ва пробация назоратидаги шахслар билан якка тартибдаги сухбатларни махсус «сухбат хонаси»да ўтказиш тартибини жорий қилиш.

→ Ички ишлар органлари жамоат хавфсизлиги бўлинмалари ходимлари хизмат фаолиятида скутер воситасидан фойдаланиш амалиётини синовдан ўтказиш.

→ Ички ишлар органлари хотин-қизлар масалалари бўйича бўлинмалари хузурида ёшлар орасидан «**Тўмарис издошлари**» жамоавий гурухларини ташкил этиш, уларни жамоат хавфсизлиги тизимига жалб этиш ҳамда гуруҳ аъзоларига ҳукуқ-тартибот идораларининг олий таълим муассасаларига ўқишга киришда тегишли имтиёзларни бериш.



### Жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини рақамлаштириш

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида қоғоз шаклидаги иш юритиши максимал даражада қисқартириб, фақат электрон шаклда юритиладиган ҳужжатлар улушкини **90 фоизга** етказиш.

Миллий гвардия ва ички ишлар органларидан жамоат тартибини сақлашга жалб қилинган бўлинмаларнинг ахборот тизимлари (пробациянинг марказлашган электрон тизими, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг ягона автоматлаштирилган ахборот-таҳлил тизими) базасида «**E-jamoat havfsizligi**» ягона автоматлаштирилган ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга тўлиқ татбиқ этиш.

Жамоат тартибини бузган, қайта жиноят содир этган шахсларнинг ягона электрон рўйхатини юритиш ва ахборот тизими орқали даврий мониторинг қилиб бориш тартибини йўлга қўйиш.

Фуқароларнинг маъмурий ҳукуқбузарликлар масалалари бўйича ортиқча овора бўлишининг олдини олиш, соҳа ходимларининг вақтини тежаш, ўз вақтида ва тезкорлик билан жазо муқаррарлигини таъминлаш мақсадида маъмурий иш юритувни тўлиқ электрон шаклга ўтказиш.

Профилактик ҳисоб, маъмурий назорат ва пробация назоратидаги шахсларнинг жамоат хавфсизлиги хизматига келиб рўйхатдан ўтишини таъминлашда бармоқ изини таниб олиш тизимидан фойдаланиш амалиётини жорий этиш.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасига рақамли технологияларни кенг жорий этган ҳолда «Равон ва хавфсиз йўл» концепцияси асосида комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.

Ички ишлар органлари конвой бўлинмалари фаолиятига конвой остидаги шахсларни электрон браслетлар орқали назорат қилиш тизимини жорий этиш.

Пробация назоратидаги шахсларнинг яаш, иш ва ўқиш жойида эканлигини текшириш мақсадида GPS технологияли қурилмаларни амалиётга жорий этиш.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида дастурий таъминотларни ишлаб чиқиши ва такомиллаштириш.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, тирбандликларни масофадан туриб бартараф этиш мақсадида йўллардаги барча светофорларнинг ахборот бошқаруви тизимиға уланишини таъминлаш, соҳага интеллектуал тизимларни жорий этиш.

Миллий гвардиянинг умумий раҳбарлиги остида ички ишлар органлари ва бошқа мутасадди давлат органлари ходимларининг маҳсус тайёргарлик даражасини ошириш, алоҳида шароитларда биргаликда ҳаракат қилишига доир амалий кўникмаларини ривожлантириш бўйича ўқув машқларини тизимли равишда ўтказиш, ўқув машқларини рақамли технологиялар орқали мониторинг қилиш амалиётини йўлга қўйиш.

### Стратегияни амалга оширишдан кутилаётган натижалар

- Стратегия ички ишлар органлари, Миллий гвардия ва бошқа мутасадди органларнинг жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича норматив-хуқуқий ва идоравий норматив ҳужжатлар ишлаб чиқишида услубий асос бўлиб хизмат қиласи.
- Стратегияда белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида фуқароларнинг хуқуклари ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларининг қонунга хилоф тажовузлардан ҳимояланганлик ҳолати сифат жиҳатидан юқори даражага кўтарилади.
- Жиноятлар, шу жумладан тақроран содир этилган жиноятлар ва йўл-транспорт ҳодисаларининг барвақт олдини олиш, ходимларнинг хизмат фаолиятини фуқароларга кўмаклашишга йўналтириш орқали аҳолининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ваколатли давлат органларига ишончи ортишига эришилади.



### **З-савол. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш.**

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг яхлит тизимини шакллантириш, ички ишлар органларининг энг қуи бўғинидан республика даражасигача самарали фаолиятини йўлга қўйиш ва замонавий иш услубларини жорий этиш орқали мамлакатимизда ҳукуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш мақсадида 2021 йил 26 марта Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ИИОлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сонли фармони қабул қилинди.

#### **Ушбу фармонга асосан:**

ИИОлари фаолиятини ташкил этишнинг мутлақо янги механизмлари этиб қуидагилар белгиланди:

→ ҳар бир маҳалла, оила ва шахс кесимида жиноятчиликнинг сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш орқали ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишга оид муаммоларни бевосита жойларнинг ўзида ҳал этиш;

→ ҳудудларда жиноятчилик аҳволидан келиб чиқиб, ҳар бир туман, шаҳар ва маҳаллаларни тоифаларга ажратиш ҳамда ҳокимликлар, секторлар ва жамоатчилик билан ҳамкорликда «жиноят ўчоқлари»ни бартараф этиш учун барча зарур куч ва воситаларни жалб қилиш;

→ «республика — вилоят — туман — маҳалла» тизими асосида яхлит бошқарув ва узлуксиз назорат қилиш механизмларини жорий этиш, ички ишлар ва бошқа давлат органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги фаолиятини самарали мувофиқлаштириш орқали мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш;

→ ИИОлари ходимларининг замонавий қиёфасини яратиш, уларнинг масъулияти ва касбий салоҳиятини ошириш, жиноятчиликнинг янги кўринишларига қарши курашиш учун зарур кўникмаларни шакллантириш ҳамда соҳани тўлиқ рақамлаштиришга эришиш.

#### **Фармонда белгилаб қўйилди:**

ИИОнинг таянч пунктлари негизида маҳалла ҳукуқ-тартибот масканлари босқичма-босқич ташкил этилиши

маҳалла ҳукуқ-тартибот маскани ҳудуддаги жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг асосий қуи бўғини ҳисобланиши;

маҳалла ҳукуқ-тартибот маскани негизида ҳудуддаги ИИОнинг тегишли соҳавий хизматлари ҳамда Миллий гвардия ва бошқа давлат органларининг мувофиқлаштирилган фаолияти ташкил этилиши

маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани томонидан жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жинояччиликка қарши курашиш ишларини тизимли ташкил этиш ва мувофиқлаштириш вазифаси профилактика инспекторига юкланиши;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари билан биргаликда жорий йил якуни бўйича Тошкент шаҳридаги маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолиятидан келиб чиқсан ҳолда республиканинг бошқа ҳудудларида маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолиятини йўлга қўйиш чораларини кўриши.

Профилактика инспекторига масофадан туриб мурожаат юбориш ва уни қўриб чиқиш жараёнини кузатиб бориш, аҳоли билан ўзаро тезкор мулокотни йўлга қўйиш, профилактика инспекторлари ва сектор раҳбарлари фаолиятига баҳо бериш имконини берувчи **«Smart маҳалла»** ахборот дастури ишлаб чиқилди ва ишга туширилди.



Шунингдек ИИОлари раҳбарлари томонидан ҳар ой якуни бўйича аҳолига Интернет тизимидағи ахборот ресурслари орқали ҳудуддаги криминоген вазият юзасидан **«профилактик-оғоҳлантирувчи мурожсаат»** қилиб бориш амалиёти жорий этилди.

Туман ва шаҳар ички ишлар органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида:

➔ Тошкент шаҳридаги 24 та ички ишлар бўлимлари ва айrim тузилмаларининг раҳбарлик лавозимлари мақбуллаштирилиб, бўшатилаётган штат бирликлари пойттахт ИИОларининг профилактика ва тергов-тезкор тузилмаларини кучайтиришга йўналтирилиши;

➔ жойлардаги криминоген ва ижтимоий вазиятдан келиб чиқиб, туман ва шаҳар ички ишлар органларининг ташкилий-штат тузилмаларини шакллантириш ва мунтазам ўзгартириб бориш тартиби жорий этилиши;

➔ туман ва шаҳар пробация бўлинмалари тегишинча туман ва шаҳар ИИОнинг бевосита бўйсунувига ўтказилиб, пробация ҳисобига олинган шахсларни кунлик назорат қилишда профилактика инспекторлари билан ҳамкорлик механизmlари белгиланиши

➔ Тошкент шаҳри тажрибасига асосан республиканинг барча ҳудудларида ИИБ (бўлинмалари)ни ва айrim тузилмаларининг раҳбарлик лавозимларини мақбуллаштириш ҳамда бўшайдиган штат бирликларини жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасига йўналтириш чораларини кўриниши белгиланди.

**Ички ишлар вазирлиги тузилмасини такомиллаштириш орқали  
турдош соҳавий хизматлар фаолиятини бошқариш ва  
мувофиқлаштиришнинг ягона тизимини жорий этиш мақсадида  
қўйидагилар ташкил этилди**

1.	Жиноят қидирав бош бошқармаси, Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бош бошқармаси, Тезкор-қидирав ҳамкорлиги бошқармасини ўз ичига оладиган <b>Тезкор-қидирав департаменти</b> .
2.	Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси, Хуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси, Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси, Пробация хизматини ўз ичига оладиган <b>Жамоат хавфсизлиги департаменти</b> .
3.	Транспортда хавфсизликни таъминлаш бош бошқармаси, Хавфсиз туризмни таъминлашни мувофиқлаштириш бошқармасини ўз ичига оладиган <b>Транспорт ва туризм обьектларида хавфсизликни таъминлаш департаменти</b> .
4.	Кадрлар бош бошқармаси, Маънавий-маърифий ишлар бошқармаси, касбий тайёргарлик бошқармасини ўз ичига оладиган <b>Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти</b> .
5.	<b>Жазони ижро этиш бош бошқармаси ИИВ хузуридаги Жазони ижро этиш департаменти этиб қайта ташкил этилди.</b>

**Шундай тартиб ўрнатилди:**

ИИВазирининг ўринbosарлари ташкил этилаётган тегишли департаментларнинг бевосита раҳбарлари ҳисобланади ва уларнинг зиммасига департаментларга қўйилган вазифаларнинг самарали амалга оширилиши бўйича шахсий жавобгарлик юкланди

ЖИЭД- бевосита ички ишлар вазирига бўйсунади ва вазирнинг зиммасига ИИОнинг жиноий жазоларни ижро этиш тизимини ривожлантириш ва унда қатъий интизомни таъминлаш учун шахсий жавобгарлик юкланди;

ЖИЭД- бевосита ички ишлар вазирига бўйсунади ва вазирнинг зиммасига ИИОнинг жиноий жазоларни ижро этиш тизимини ривожлантириш ва унда қатъий интизомни таъминлаш учун шахсий жавобгарлик юкланди;

ИИОнинг барча тергов ҳибсоналари ва жазони ижро этиш муассасалари худудий ИИОнинг тузилмавий-функционал бўйсунувидан чиқарилиб, ЖИЭД бўйсунувига ўтказилади;

тергов ҳибсоналари ва жазони ижро этиш муассасалари фаолиятини самарали йўлга қўйиш ва уларда кунлик назоратни олиб бориш Жазони ижро этиш департаменти тизимида ташкил этиладиган б та минтақавий мувофиқлаштириш марказлари томонидан амалга оширилади.

Худудий И тузилмаси ва раҳбар лавозимларини мақбуллаштириш орқали мавжуд куч ва воситалардан самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида:

<b>Қуйидаги лавозимлар тұгатилди.</b>	<b>Қуйидаги лавозим жорий этилди.</b>
Қарақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазирининг, вилоят, туман ва шаҳар ИИО бошлиқларининг <b>жамоат тартибини сақлаш бўйича ўринбосари</b>	Қарақалпоғистон Республикаси ИИВ, вилоят, туман ва шаҳар ИИО бошлиқларининг ўринбосари — <b>Жамоат хавфсизлиги хизмати бошлиғи лавозими</b>
Қарақалпоғистон Республикаси ИИВнинг, вилоят, туман ва шаҳар ИИО бошлиқларининг ўринбосари - <b>хукуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси (бўлими) бошлиғи</b>	Асосий вазифалари этиб белгиланди патруль-пост ва йўл-патруль хизмати бўлинмалари фаолиятини, шунингдек, маҳаллалар ва жамоат жойларида манзилли профилактик тадбирлар ўtkazилишини мувофиқлаштириш
вилоят ИИБ (бош бошқармаси) бошлиқларининг <b>пробация ва жазони ижро этиши масалалари бўйича ўринбосари</b>	муқаддам судланган ва пробация хисобига олинган шахслар билан ишлаш ИИО тунги хизматини ташкил этиш

**ИИВнинг хукуқий статистикани юритишни такомиллаштириш, унинг криминоген вазиятни таҳлил қилиш ва жиноятчилик динамикасини прогноз қилишдаги ролини ошириш тўғрисидаги қуйидаги таклифлари маъқулланиб ташкил этилди**

ИИВ Хукуқий статистика ва тезкор-хисоб маълумотлар маркази ва унинг худудий бўлинмалари (Хукуқий статистика маркази)  <b>унинг асосий вазифалари:</b>	ИИВ тузилмасида Жамоат хавфсизлиги масалалари илмий-амалий тадқиқотлар маркази (Илмий-амалий тадқиқотлар маркази)  <b>унинг асосий вазифалари:</b>
жиноятлар ва маъмурий хукуқбузарликлар статистикасини юритиш, жиноятчилик ҳолатини, шу жумладан худудлар ва хукуқбузарликлар турлари кесимида статистик таҳлилни амалга ошириш  хукуқбузарликларнинг олдини олиш, аниқлаш ва фош этишда фойдаланиш учун тезкор-маълумотлар ҳисоблари, ИИО архив-маълумотлари ва маҳсус фонdlарини юритиш, шахсларнинг қидирувини эълон қилиш	криминоген вазиятни чуқур таҳлил қилиш, жиноятларнинг содир этилишига таъсир қилаётган омилларни аниқлаш, мавжуд куч ва воситаларни самарали тақсимлаш бўйича таклифларни киритиш  худудлар кесимида криминоген вазиятни барқарорлаштиришни илмий жиҳатдан баҳолаш ва уларни ўтказиш тактикасини такомиллаштириш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш
автотранспорт воситалари, фуқаровий ва хизмат ўқотар қуроллари, қидирудаги шахслар ва ашёлар, хукуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича автоматлаштирилган ахборот банкини юритиш	жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги чора-тадбирларнинг сифатини ошириш бўйича тавсия ва ишланмаларни амалиётга жорий этиш

<p>Хуқуқий статистика маркази Ички ишлар вазирлиги Тезкормаълумотлар бошқармаси негизида, шунингдек, Баш прокуратуранинг Жиноий-хуқуқий статистика бошқармаси ва унинг худудий бўлинмалари тутатилиб, унинг вазифалари ва <b>120</b> та штат бирликлари, уларни сақлаш учун кўзда тутилган Давлат бюджети маблағлари билан биргаликда ИИОга ўтказилиши ҳисобига ташкил этилади</p>	<p>Илмий-амалий тадқиқотлар маркази ИИОни мавжуд штатлари доирасида <b>20</b> та штат бирликларидан иборат таркибда шакллантирилади ва унинг фаолиятини самарали ташкил этиш учун масъул этиб бевосита ички ишлар вазири белгиланади;</p>
--	---

Илмий-амалий тадқиқотлар маркази томонидан ишлаб чиқиладиган жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги муаммоларни ҳал қилиш бўйича таклифларни амалиётга жорий этиш ички ишлар органлари раҳбарлари зиммасига юкланди.

Вазирлар Махкамасига:	
«Энг яхши худудий ички ишлар органи бошлиғи»	
«Энг яхши профилактика инспектори»	
«Энг яхши терговчи»	
«Энг яхши тезкор ходим»	

Наминациялари бўйича ҳар йили республика танловини ўтказиш юзасидан Хукумат қарори лойиҳасини киритиш назарда тутилган.

Бундан ташқари фармон билан:

Ички ишлар органлари тизимини янада такомиллаштириш бўйича «йўл харитаси» («йўл харита») 1-иловага мувофиқ тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилиши белгиланди.

### **Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:**

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепцияси мавзусини ўқиб ўрганиш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-27-сонли Фармонни конспектлаштириш.

### **Назорат учун саволлар:**

1. 2022-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш Стратегияси қайси норматив ҳуқуқий ҳужжат билан тасдиқланган?

2. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегиясида қандай идоралараро кўкрак нишонини таъсис этиш белгиланган?

## **5-МАВЗУ: ГЛОБАЛ МУАММОЛАРНИНГ МИЛЛИЙ, МИНТАҚАВИЙ ДАРАЖАДАГИ ЕЧИМЛАРИ, ТИНЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ, ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ**

### **Режа:**

1-савол. Давримизнинг глобал муаммолари ва Ўзбекистон тараққиёти.

2-савол. Радикализм, экстремизм ва терроризм - барқарор тараққиёт кушандаси.

3-савол. Камбағаллик: умуминсоний ва миллий муаммолар хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси ҳамда самарали миграция сиёсати.

### **1-савол. Давримизнинг глобал муаммолари ва Ўзбекистон тараққиёти.**

Сўнгги йилларда мамлакатимизда шахснинг ҳуқук ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, унинг шаъни ва қадр-қимматини хурмат қилиш, айниқса, жиноий жазони, бошқа жиноят-хуқуқий таъсир чораларини ижросини таъминлашда маҳкумларни ахлоқан тузатиш, жиноятлар содир этилишининг олдини олиш, маҳкумларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда қонунийлик, адолат, инсонпарварлик ва демократизм тамойилларини қўлланилишини янада кенгайтириш ҳамда ушбу соҳада халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани жорий этишга қаратилган бир қатор қонун хужжатлари қабул қилинди.

Глобаллашув уюшган жиноятчилик билан боғлиқ таҳдид кўламининг кенгайишига сабаб бўлмоқда. Айтиш керакки, уюшган жиноятчилик кўпинча ижро ва усуllар жиҳатидан терроризмга ўхшаб кетади. **Одам савдоси, гиёҳванд моддалар, енгил ўқотар куроллар, шунингдек, юқори технологияларнинг ноқонуний савдоси барқарорлик ва хавфсизликка таҳдид солиши мумкин бўлган жиноий фаолиятдир.** Чегараларнинг очиқлиги, одамларнинг эркин ҳаракатлари, савдо алоқаларининг кенг йўлга қўйилиши халқаро ҳамкорлик учун фойдалидир, аммо ноқонуний миграция ўсиб бораётгани таҳдидларга сабаб бўлаётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди.



Кам сонли миллатларга мансуб шахслар ҳуқуқларининг мунтазам равища бузилиши ва муросасизлик билан боғлиқ амалиётлар нафақат фуқаролар хавфсизлигига таҳдид солмоқда, балки янада каттароқ можаро ва зўравонликларга олиб келаётганини барчамиз кузатмоқдамиз. Бу этник ва **диний низолар тажовузкор миллатчилик, шовинизм ва ксенофобия** каби ҳодисалар замирада, шунингдек, **ирқчилик, антисемитизм ва экстремизм асосида пайдо бўлмоқда.**



Шу билан бирга, ижтимоий-иктисодий тенгсизликнинг чуқурлашуви, қонун устуворлигининг таъминланмагани, давлат ва корпоратив бошқарувнинг заифлиги, пораҳўрлик, оммавий қашшоқлик ва юқори даражадаги ишсизлик мамлакатларнинг хавфсизлиги ва барқарорлигига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Улар бошқа жиддий таҳдидлар учун замин яратмоқда. Атроф-муҳит мувозанатининг бузилиши, табиий ресурслардан номутаносиб фойдаланиш, чиқиндиларга бепарво муносабатда бўлиш ва ифлосланиш экотизимларга ва аҳоли саломатлиги ва фаровонлигига, барқарорлик ва давлатлар хавфсизлигига таъсир қилиб, салбий оқибатларга олиб келмоқда.

Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, бугунги кунда глобаллашаётган дунё ва минтақавий жараёнлар диалектикаси қонуниятларини англаш ва бу борадаги қоидаларга риоя қилиш масаласи янада долзарблашиб бормоқда.

**Замонавий халқаро муносабатлар тизимида рўй берәётган кескин ўзгаришлар тобора ортиб бораётган бекарорлик ва кутилмаган ҳодисалар билан изоҳланади.** Бунда, айниқса, улкан иқтисодий ва интеллектуал салоҳиятга эга бўлган Осиё қитъаси ва Марказий Осиё мамлакатлари мураккаб жараёнларга дуч келмоқда.

Бу, аввало, юқорида таъкидлаб ўтилган экология, демография, миграция, ҳаёт ва таълим даражаси пастлиги билан боғлиқ муаммолардир. Улар, аслида, ижтимоий низоларнинг асосий манбай, экстремизм ва терроризм мафкураси тарқалиши учун шароит яратадиган муҳитдир. Айниқса, ёшлар ўртасидаги радикаллашув жараёнлари кенг жамоатчиликда жиддий ташвиш уйғотмасдан қолмайди.

Глобаллашув жараёнида ахборот майдонидаги янгиланишлар таъсири кучайиб, оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти ҳам тобора ортиб бормоқда. Барча соҳалар каби ахборот олиш ва уни етказиш, таъсирчан жамоатчилик фикрини шакллантириш борасида ҳам рақобат кескин тус олмоқда. Бундай мураккаб шароитда ҳаёт олдимизга янги-янги талаб ва вазифаларни қўймоқда.

Барчамиз жаҳондаги куч марказлари ўртасида рақобат кучайиб бораётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Боз устига, айрим эксперталар, бу жараён ҳатто ошкора қуролли тўқнашувга айланиб кетиш эҳтимолини ҳам инкор этмайди. Энг даҳшатлиси, жамоатчилик онгидга ушбу глобал хатарнинг улкан хавфини ҳис қилиш даражаси сусайиб бормоқда.

Инсоният тарихининг ҳозирги даври ва бугунги дунё тараққиёти бундан 40-50 йил олдинги ҳаёт воқеликларидан кескин фарқ қиласди. Биз эндиликда глобаллашув жараёнлари ҳар томонлама авж олаётган, бутун жаҳонда ўзгариш ва янгиланишлар шиддат билан содир бўлаётган замонда яшамоқдамиз.

Халқаро майдонда турли манфаатлар тўқнашуви кучайиб бораётгани, жаҳон сиёсати ва иқтисодиётида муаммолар кескинлашаётгани, дунёнинг умумий манзарасини ўзгартириш тарафдорлари тобора ортиб бораётгани ҳозирги глобал дунё тараққиётига хос бўлган энг муҳим хусусиятлар сифатида намоён бўлмоқда.

Бундай мураккаб умумбашарий жараёнларни таҳлил қилишда турли мезонлар асосида ёндашиш мумкин ва лозим, албатта. Бу масалага кейинги йилларда жаҳоннинг ҳам сиёсий-иктисодий, ҳам ижтимоий-маънавий тараққиётига сезиларли даражада таъсир кўрсатаётган чуқур янгиланиш ва ўзгаришлар таҳлили нуқтаи назаридан ёндашиш унинг кўпгина жиҳатларига бир қадар ойдинлик киритади.

Маълумки, XX асрнинг охирига келиб собиқ Иттилоғнинг емирилиши бутун ер юзи халқлари тақдирига жиддий таъсир кўрсатди. Хусусан, икки қутбли дунё барҳам топиб, юзаки қараганда, турлича тизим ва тузумда яшаётган халқлар ва давлатлар ўртасида ўзаро ишонч туғилгандек бўлди.

Натижада шу пайтга қадар бир-бирида душман қиёфасини кўриб келган кўпгина халқлар ва давлатлар орасидаги муносабатлар илиқлашиб, ўзаро борди-келдилар анча жонланиб қолди. Бундай ҳолат деярли барча соҳаларда кўзга ташланса бошлади. Турли мақсад ва муддаоларни кўзлаган лойиҳалар, таълим, тиббиёт, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш сингари соҳаларга ҳамкорлик нафаси кириб келди.

Зиддиятли муносабатлар ҳамкорлик алоқалари билан алмашди. Хавфсизлик ва барқарорликка таҳдидлар бугунги кунда муайян бир йирик қуролли можаро шаклида эмас, балки ҳарбий-сиёсий, иқтисодий, экологик ва инсон ресурсларига таъсир қилувчи ҳодисаларнинг салбий, таназзулга олиб борувчи оқибатлари шаклида намоён бўлши эҳтимоли юқори бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги вақт дунёда инсон ҳукуқлари ва асосий эркинликларини ҳурмат қилиш, демократия ва қонун устуворлигини таъминлаш марказий ўринни эгалламоқда. Бу, ўз навбатида, мустақил демократик институтлар ва қонун устуворлигига таҳдидлар пайдо бўлишининг олдини олишда муҳим роль ўйнайди, албатта.

Шу билан бирга, айрим давлатларда бошқарувнинг заифлиги ва мамлакат барқарорлигини мустаҳкамлайдиган ишчан демократик институтлар фаолияти түғри таъминланмагани бир қатор таҳдидларга замин яратмоқда Хусусан, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларининг, шунингдек, кам сонли миллатларга мансуб шахслар ҳуқуқларининг мунтазам равишда бузилиши оқибатида муайян хатарлар пайдо бўлмоқда.



**Хавфсизлик ва  
барқарорликка  
ижтимоий-иқтисодий ва  
экологик омиллар ҳам  
салбий таъсир  
кўрсатмоқда.**



**Фан ва техника соҳаларидаги глобаллашув, либераллашув ва ўзгаришлар савдо, юксалиш ва тараққиёт давлатлар учун нафақат янги имкониятлар эшигини очмоқда, балки айрим ҳолларда бу мамлакатлар ўртасидаги ва ички ҳаётидаги иқтисодий тенгизликтининг кучайишига ҳам олиб келмоқда.**

Глобаллашув натижалари ҳукуматлар ва халқаро институтлар томонидан қабул қилинган сиёсий қарорларга, шунингдек, хусусий сектор ва фуқаролик жамиятининг муносабатига боғлиқдир. Экологик муаммолар ҳам хавотирни кучайтируммоқда. Айни вақтда демографик жараёнлар ва аҳоли катта қисми соғлиғининг ёмонлашуви хавфсизликни таъминлашнинг муҳим муаммоларидан бирига айланмоқда.

Ҳарбий-сиёсий масалаларда очиқлик ва шаффофликнинг таъминланмаслиги жиддий салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Қурол-яроғлар назорати, уларни тарқатмаслик, қуролсизланиш, ишонч ва хавфсизликни таъминлаш бўйича мавжуд битимлар, халқаро ҳуқуқий воситаларга тўлиқ ва ўз вақтида риоя қиласлик умумий хавфсизликка сезиларли таъсир кўрсатаётгани кузатилмоқда.

**Таҳдиднинг яна бир манбай террорчилар ва бошқа жиноий гурухларнинг ҳаракатлариридир.** Сўнгги йилларда содир этилган террорчилик ҳаракатлари бундай таҳдидларнинг тобора жиддий тус олаётганини яққол кўрсатмоқда.



Шу билан бирга, таҳдидлар қўпинча бир мамлакатнинг ўзида пайдо бўлмайди, балки мазкур муаммо трансмиллий характерга эга. Улар жаҳондаги барча давлатлар хавфсизлигига ва мамлакатлардаги ижтимоий барқарорликка таъсир кўрсатади.

Бундай шароитда мамлакатимизнинг ҳарбий-сиёсий, иқтисодий ва экологик, шунингдек, инсон ресурслари хавфсизлиги бўйича сиёсатини янада мустаҳкамлаш зарурати кучаймоқда. Мавжуд ҳолатнинг таҳлили бу борадаги бир қатор муаммоларни аниқлаш имконини берди, бу эса, уларни самарали ҳал этишга қаратилган саъй-ҳаракатларимини кучайтириш лозимлигини англатади.

Ҳозирги кунда хавфсизлик соҳасидаги беқарор вазиятнинг асосий сабабларидан бири, таъкидлаб ўтилганидек, терроризм хавфидир. Терроризм, айниқса, хавфсизлик ва мудофаа тизимларини четлаб ўтиш учун ассиметрик усусларга мурожаат қилиш қобилиятига эга экани сабабли ҳам тинчлик, барқарорлик ва давлат ҳокимияти учун асосий хатарлардан бири бўлиб қолмоқда. Терроризмни ҳеч қандай сабаблар билан оқлаб бўлмайди.

Шу билан бирга, терроризм нафақат унинг иштирокчиларини, балки у вужудга келтирган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда глобал ёндашувни талаб этмоқда.



**Глобаллашув уюшган жиноятчилик билан боғлиқ таҳдид кўламининг кенгайишига сабаб бўлмоқда.** Айтиш керакки, уюшган жиноятчилик қўпинча ижро ва усуслар жихатидан терроризмга ўхшаб кетади.

Одам савдоси, гиёҳванд моддалар, енгил ўқотар қуроллар, шунингдек, юқори технологияларнинг ноқонуний савдоси барқарорлик ва хавфсизликка таҳдид солиши мумкин бўлган жиноий фаолиятдир. Чегараларнинг очиқлиги, одамларнинг эркин ҳаракатлари, савдо алоқаларининг кенг йўлга кўйилиши ҳалқаро ҳамкорлик учун фойдалидир, аммо ноқонуний миграция ўсиб бораётгани таҳдидларга сабаб бўлаётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

Кам сонли миллатларга мансуб шахслар ҳуқуқларининг мунтазам равишида бузилиши ва муросасизлик билан боғлиқ амалиётлар нафақат

фуқаролар хавфсизлигига таҳдид солмоқда, балки янада каттароқ мажаро ва зўравонликларга олиб келаётганини барчамиз кузатмоқдамиз. Бу этник ва диний низолар тажовузкор миллатчилик, шовинизм ва ксенофобия каби ҳодисалар замирида, шунингдек, ирқчилик, антисемитизм ва экстремизм асосида пайдо бўлмоқда.

**Шу билан бирга, ижтимоий-иктисодий тенгсизликнинг чуқурлашуви,** қонун устуворлигининг таъминланмагани, давлат ва корпоратив бошқарувнинг заифлиги, порахўрлик, оммавий қашшоқлик ва юқори даражадаги ишсизлик мамлакатларнинг хавфсизлиги ва барқарорлигига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Улар бошқа жиддий таҳдидлар учун замин яратмоқда. Атроф-муҳит мувозанатининг бузилиши, табиий ресурслардан номутаносиб фойдаланиш, чиқиндиларга бепарво муносабатда бўлиш ва ифлосланиш экотизимларга ва аҳоли саломатлиги ва фаровонлигига, барқарорлик ва давлатлар хавфсизлигига таъсир қилиб, салбий оқибатларга олиб келмоқда.

Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, бугунги кунда глобаллашаётган дунё ва минтақавий жараёнлар диалектикаси қонуниятларини англаш ва бу борадаги қоидаларга риоя қилиш масаласи янада долзарблашиб бормоқда.

Назаримда, бутун дунё сиёсатига хос бўлган бир хатарни, яъни ўзаро ишонч борасидаги инқирозни бартараф этиш ва хавфсизликни мустаҳкамлаш йўлида, биринчи навбатда, инсон капиталини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш зарур.

**Мамлакатимизнинг инсон капитали юқори бўлган демократик давлатлар қаторидан ўрин олишини таъминлаш Янги Ўзбекистон стратегиясининг туб мазмун-моҳиятини ташкил этади.**

Бугунги кунда бутун дунёда, айниқса, Марказий Осиёда ўзаро ишонч муҳити ва хавфсизликни янада мустаҳкамлаш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим.

**Биринчидан,** ўзаро ижтимоий, иқтисодий, маънавий - маърифий алоқалар ва минтақавий муносабатларни ривожлантириш борасидаги саъи-харакатларни кучайтириш лозим.

**Иккинчидан,** бутун минтақанинг транзит ва иқтисодий салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш имконини берадиган устувор инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш зарур. Минтақавий шерикликни бизнес даражасида ривожлантириш барқарор иқтисодий тараққиёт драйвери ҳисобланади.

**Учинчидан,** Афғонистонда тинчликка эришиш Осиё минтақасидаги барқарорликнинг муҳим омили ҳисобланади. Биз шу йўлдаги ҳар қандай форматдаги музокараларни қўллаб-қувватлаймиз. Афғонистонда тинчлик ўрнатиш ва ушбу мамлакатда йирик инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш бутун минтақа учун янги стратегик имкониятлар яратишини яна бир бор қайд этмоқчиман.

**Тўртинчидан,** ёшларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шароит яратиш, улар ўртасида радикаллашувга қарши курашиш ва сифатли таълим олиш имкониятларини кенгайтириш ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

**Бешинчидан**, илм-фан, таълим соҳалари ва маданий - гуманитар йўналишдаги ҳамкорликни янги босқичга кўтаришимиз лозим. Халқ дипломатияси доирасидаги алоқаларни, жумладан, туризм бўйича форумларни ташкил этиш орқали фаоллаштиришни муҳим, деб ҳисоблаймиз. Шубҳасиз, бу халқларимиз ўртасидаги ишонч ва ўзаро англашувнинг мустаҳкамланишига хизмат қиласи.

**Олтинчидан**, биз динлараро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, миллий маънавият ва маданиятларни ўзаро бойитиш масалалари бўйича тизимли мулоқотни йўлга қўйишга қаратилган аниқ таклифларни илгари сурғанмиз. Хусусан, Тошкентдаги Ўзбекистон Ислом цивилизацияси маркази ва Самарқанддаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази бунинг учун самарали мулоқот майдони бўлиб хизмат қилиши мумкин.

**Еттинчидан**, бугунги кунда тобора кескин тус олаётган экологик хатарлар ҳам барқарор тараққиётга жиддий таҳдиддир. Жумладан, Орол муаммоси глобал миқёсдаги экологик ва гуманитар ҳалокатдир. У аллақачон Оролбўйи ахолиси генофонди, ҳаёти ва соғлиғи билан боғлиқ аянчли оқибатларга олиб келди. Орол инқирози оқибатларини бартараф этиш учун барча саъй-ҳаракатларни бирлаштириш лозим.

Юқорида айтилганидек, айни шу мақсадда Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ шафелигига донорлик маблағларини жалб қилиш ва Оролбўйи минтақасида аниқ лойиҳаларни амалга ошириш учун кўп шериклик асосидаги Траст фонди ташкил этилди. Оролбўйи ва денгизнинг қуриган тубида кўплаб ижобий ишлар амалга оширилмоқда, яшил худудлар барпо этилмоқда, қатор лойиҳалар амалиётга татбиқ этилмоқда.

**Барчамиз хавфсизлик - яхлит тушунча, ишонч эса унинг фундаментал асоси эканини яхши биламиз.** Бу борада бутун дунё ва айниқса, Марказий Осиё минтақасидаги ҳамкорликнинг мавжуд динамикасини сақлаб қолиш жуда муҳим.

**Шунинг учун, ҳамкорликда изланиш ва ўзаро манфаатли қарорлар қабул қилиш тинчлик, барқарорлик ва тараққиётни таъминлаш имконини беради.**

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, дунёни ўзгартирган глобаллашув жараёнлари унинг ранг-баранглиги билан бирга, яхлитлиги ва бир бутунлигини ҳам ҳаммамизга қайтадан эслатди.

Бошқача қилиб айтганда, ўз давлат мустақиллигини қўлга киритган Ўзбекистон жуғрофий қулай ўрни билан жаҳоннинг эътиборини тортаётгани, дунёning кўпгина давлатлари ва халқларининг манфаатлари айнан шу минтақада кесишгани кейинги пайтда яққол кўзга ташланба бошлади.

Кейинги йилларда фойдаланиш учун қулайлиги ва соддалиги, сифати ва пухталиги, тезкорлиги ва оммавийлиги бўйича устун бўлган кўплаб техника ва технологиялар тез суръатлар билан оммалашиб бормоқда.

Халқаро тажриба алмашинув жараёнларининг бундай тарзда глобаллашуви, айтиш мумкинки, бутун инсоният ҳаётида интеграциялашувни тобора кучайтируммоқда.

Бошқа томондан эса, глобаллашув жараёнлари эндиликда ўзаро ҳамкорлик тамойиллариға таяниш тараққиёт ва ривожланишнинг ғоят муҳим ва ҳал қилувчи мезонларидан бири эканини эслатди. Натижада барча жабҳаларда интеграция жараёнлари, инновацион ўзгаришларни жадаллаштириш давлат ва жамият бошқарувининг энг асосий йўналиши сифатида намоён бўлмоқда.

## **2-савол. Радикализм, экстремизм ва терроризм - барқарор тараққиёт кушандаси.**

XXI асрда глобаллашув жараёнларининг жадаллашуви ва бутун ҳалқаро муносабатлар тизимининг тубдан ўзгариши, хавфсизликка таҳдидлар доирасининг кенгайиши, хусусан, экстремизм, радикализм ва ҳалқаро терроризмнинг кучайиши каби хусусиятлари билан ажралиб туради.

Экстремизм соҳасидаги таҳдидлар трансмиллий характерга эга бўлиб, у ўз хавфининг кўлами бўйича бутун дунё ҳамжамиятини ташвишга солмокда. Бу фақат маҳаллий ёки минтақавий муаммо бўлиб қолмай, пайдо бўлиши ва ривожланиш хусусиятлари, мақсад ва вазифалари, ташкилий тузилиши ва фаолияти, психологик ва ижтимоий шакллари жиҳатидан глобал ҳодисага айланган.

Экстремизм ва терроризм табиатан турли йўналишда, яъни: **қуроли гурухларда бевосита иштирок этишдан тортиб, то сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий даражадаги радикализмни кўллаб-куватлашга қадар намоён бўлмоқда.**

Радикал гурухларнинг мавжудлигидан айрим давлатлар ва уларнинг олий даражадаги сиёsatчилари манфаатдор экани ҳам кузатилмоқда.



Қайд этиш лозимки, радикаллашув, терроризм ғояларининг тарқалиши жамиятнинг тинчлиги ва осойишталигига таҳдид солувчи асосий хавф-хатар ва муаммолардан бири ҳисобланади. Радикализм - терроризмга олиб борувчи сўнгги босқич.

Айниқса, ёшлар ўртасидаги радикаллашув жараёни катта ташвиш ўйғотмоқда. Экстремистик фаолият ва зўравонлик билан боғлиқ жиноятларнинг аксарияти 30 ёшга етмаган ёшлар томонидан содир этилаётгани, бугунги дунё ёшлари - сон жиҳатидан бутун инсоният тарихидаги энг йирик авлод бўлиб, улар 2 миллиард кишини ташкил этишини эътиборга олсак, масаланинг нақадар жиддий эканини тушуниш қийин эмас.

Ҳозирги кунда экстремизм ва терроризм ҳалқаро ҳамжамиятга ҳам, Марказий Осиё давлатлари, жумладан, Ўзбекистонга ҳам таҳдид солиша давом этмоқда.

Бугунги кунда ижтимоий-маънавий муҳитни ва аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, ёшларни турли диний экстремистик оқимлар таъсиридан асраш масаласи барча давлатлар учун энг асосий вазифа бўлиб туриби.

Марказий Осиё худудидаги диний-сиёсий вазият, унга таъсир қилаётган омилларни ўрганиш ва таҳлил қилиш натижалари соҳа бўйича ҳолат динамик хусусиятга эга эканлиги, ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда салбий омиллар ҳам вужудга келаётганини кўрсатмоқда.

Минтақа давлатлари жаҳон ҳамжамиятининг бир қисми сифатида динлар ва конфессиялараро зиддиятларнинг кириб келиш хавфига ҳамда Марказий Осиёда радикал диний оқимлар фаоллиги ўсишига дуч келмоқда.

Диний радикализм ва экстремизм Марказий Осиё давлатларининг конституциявий асосларига, мамлакатни ривожлантиришнинг дунёвий принципларига, ҳалқларнинг маънавий қадриятларига таъсир қўрсатмоқда.

Экстремистик ва террористик ташкилотлар соҳта ғояларни асл диний қадриятлар сифатида талқин қилиш орқали инсон ҳукуқи ва эркинликларини оёқ ости қилиш, инсониятнинг диний, маданий-маърифий меросига жиддий зарар етказиб, динлар орасига нифоқ солишга ҳамда динлараро муносабатларга путур етказишга ҳаракат қилмоқда.

Ҳалқаро миқёсда диндан “юмшоқ куч” воситаси сифатида фойдаланиб, сиёсий, маданий ва гуманитар таъсир зоналарини кенгайтиришга уринишлар кузатилмоқда.

**Шу билан бирга, диний билим олишга интилаётган, аммо диний таълимот бўйича тасаввурга эга бўлмаган ёшларнинг радикаллашув хавфи юқорилигича қолмоқда.**

**Минтақа мамлакатлари ёшлари орасида диний таълим олиш учун чет давлатларга кетиш ва натижада диний экстремистик оқимлар ва ҳалқаро террорчи ташкилотлар сафига кириб қолиш ҳолатлари кузатилмоқда.**

Ноқонуний тарзда диний таълим бериш ҳолати ўсиб бормоқда ва бу Марказий Осиё мамлакатларидаги, жумладан, Ўзбекистондаги диний вазиятга ўз салбий таъсирини кўрсатмоқда. Сўнгти йилларда белгиланган қонун талабларини бузган ҳолда, ноқонуний намозхоналар, араб тилини ўргатиш баҳонасида ноқонуний диний таълим бериш билан шуғулланиб келаётган ўкув марказлари сони ортиб бормоқда.

Минтақа ахолисининг бир қисми дунёвийликни атеистик тизим дея талқин қилмоқда. Экстремистик ташкилотларнинг ёт ғояларига қарши кураш аҳолининг айrim қатламлари томонидан давлатни дунёвийлаштириш, яъни жамият ҳаётида диннинг ролини мақсадли равишда пасайтириш сиёсати деб баҳоланмоқда.



Айрим диндорлар орасида Конституцияга риоя қилиш ва жамият олдиаги мажбуриятларидан бош тортиш ҳолатлари кузатилмоқда. Уларнинг қонунларга, давлат рамзларига, халқларнинг миллий-маънавий анъана ва қадриятларига, шунингдек, умумэътироф этилган хулқ атвор меъёрларига нисбатан хурматсизларча муносабатда бўлиш ҳолатлари тез-тез учрамоқда.

Экстремистик ташкилотлар ва мутаассиб групкалар, ҳатто баъзи дин вакиллари сиёsat билан дин ажралмасдир, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари ислом дини қоидалари асосида бошқарилиши керак, деган демократия тамойилларига зид даъволарини кун тартибига киритишга ҳаракат қилмоқда. Диний меъёрлар доирасини асоссиз кенгайтириш, давлат бошқариши лозим бўлган соҳаларга диний меъёрларни киритиш талаблари қўйилмоқда.

Диний экстремизм мафкураси оммавий онгга глобал ахборот-коммуникация тармоқлари, жумладан, Интернет, замонавий электрон дастурий таъминотлар орқали кучли ахборот-психологик босим ўтказмоқда.

Экстремистик мафкура ва ғоялар ижтимоий тармоқлар, видеороликлар ва адабиётларни ноқонуний ишлаб чиқариш ва тарқатиш орқали жамиятга, айниқса, ёшларга салбий таъсири кўрсатмоқда. Натижада радикал диний мафкурунинг бузғунчи ахборотлари таъсири остида жамоатчилик онги бузилмоқда, фуқароларнинг давлатга ишончи сўниб, ватанпарварлик ва ҳамжиҳатлик туйғулари йўқолмоқда, қадриятлар ва ахлоқий меъёрлар ўзгармоқда, оиласлар таназзулга учрамоқда.

Шундай мураккаб ва таҳликали вазиятда биз учун оиласларимиз, маҳаллаларимизда, бутун жамиятимизда соглом мухитни мустаҳкамлаш, ёшлар тарбияси билан жиддий шуғулланиш, тинч-осуда ҳаётимизни, муқаддас динимиздан ғаразли мақсадларда фойдаланишга йўл қўймаслик вазифаси бугунги кунда қандай улкан аҳамият касб этаётгани ҳақида, ўйлайманки, ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ.

Нега деганда, айнан шу масалалар бизнинг бугунги ва эртанги кунимизни, фарзандларимиз, набираларимиз тақдири ва келажагини, бир сўз билан айтганда, ҳаёт- мамотимизни ҳал қилиши ҳеч кимга сир эмас.

Мамлакатимизда мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб **виждон** **эркинлигини таъминлаш** масаласига устувор аҳамият берилди.



Жумладан, муқаддас динимиз, миллий қадриятларимизни, буюк азиз-авлиёларимизнинг хотираси, меросини тиклаш, қадамжоларини обод қилиш бўйича жуда кўп иш қилинди ва қилинмоқда.

Ўзбекистон ислом цивилизацияси халқаро маркази, Халқаро ислом академияси, Бухорода Мир Араб олий мадрасаси, Термизда Имом Термизий илмий-тадқиқот маркази, Самарқандда Имом Бухорий халқаро илмий- тадқиқот маркази, Ҳадис илми мактаби ҳамда Калом ва Ҳадис, Бухорода тасаввуф, Қашқадарёда ақида, Фарғонада фикҳ илмий мактаблари ташкил этилди.



Диний таълим тизими такомиллаштирилиб, илк бор ислом фанлари бўйича фалсафа доктори ҳамда фан доктори илмий даражаларини беришни назарда тутувчи таянч докторантура ва докторантура йўналишлари жорий этилди.

Мамлакатимизда 30 га яқин янги масжидлар очилди ва 100 дан ортиқ масжидлар таъмирланди. Нукус шаҳридаги “Имом эшон Муҳаммад”, Термиз шаҳридаги “Имом Термизий”, Урганч шаҳридаги “Охун бобо”, Тошкент шаҳридаги “Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф” масжидлари шулар жумласидандир. Шунингдек, Сурхондарёда Имом Термизий, Қашқадарёда Абу Муин Насафий, Намангандаги Султон Увайс Қараний, Тошкентда Сузук ота зиёратгоҳлари қайта таъмирланди.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузурида “Вақф” хайрия жамоат фонди ташкил этилди. Фонднинг асосий вазифалари этиб масжидлар ва диний таълим муассасаларининг биноларини қуриш, таъмирлаш, тарихий-меъморий аҳамиятга эга зиёратгоҳларни сақлаш, ободонлаштириш, диний соҳа ходимларини моддий ва ижтимоий қўллаб-куватлаш каби масалалар белгиланди.

Ушбу соҳадаги ислоҳотлар дунё миқёсида ҳам, катта - катта эксперталар томонидан ҳам муносиб эътироф этилиб, диний бағрикенгликнинг намунали модели сифатида баҳоланмоқда. **Хусусан, 167 мамлакат ўртасида барқарорликни таъминлаш, урушлар, зиддиятлар, терроризм ва жиноятчиликни олдини олишга қарши ҳаракатларнинг самардорлигини баҳолаш юзасидан ўтказилган рейтингда Ўзбекистон 52-ўринга кўтарилиб, МДҲ мамлакатлари орасида 1-ўринни эгаллади.**

Айниқса, халқаро терроризм, экстремизм, наркотрафик, диний қарама-қаршилик, ноконуний миграция, одам савдоси, экологик муаммолар, айрим минтақаларда иқтисодий начорлик, ишсизлик, қашшоқлик кучайиб бораётгани бутун инсониятни қаттиқ ташвишга солмоқда.

Ана шундай кескин ва қалтис шароитда қандай йўл тутиш, қандай қилиб тинчлик ва осойишталикни сақлаш, барқарор ривожланиши таъминлаш мумкин, деган савол барчамизни жиддий ўйлантириши зарур.

Айниқса, кейинги пайтда турли мамлакатларда содир этилаётган террорчилик ҳаракатларининг ижрочилари қаторида миллатимизга мансуб кимсалар ҳам борлиги халқимизда афсус ва надомат уйғотмоқда.

Тинчлик ва осойишталикни, инсонийликни ҳамма нарсадан устун қўядиган халқимиз бундай шахсларни, уларнинг қилмишларини кескин қоралайди. Уларни ўзбек деган номга номуносиб деб хисоблайди.

Хозирги вактда ёшлар, айниқса, чет элда ишлаб, ҳалол меҳнат билан даромад топаман, деб юрган фуқароларимиз терроризм на экстремизм чангалига тушиб қолмаслиги учун биз барча чораларни кўряпмиз.

Авваламбор, қўшни давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга алоҳида аҳамият беряпмиз. Бизнинг мақсадимиз улар билан рақобат қилиш эмас, балки ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш, умумий муаммоларни биргаликда ечишдан иборат.

Биз кўп жойларда **жаҳолатга қарши маърифат** ташабbusи билан чиқаяпмиз. Муқаддас ислом динини никоб қилиб бошқа қўчаларга кириб кетаёган жоҳил кимсалар бир нарсани тушунмайди ёки тушунишни истамайди. Яъни, **ислом фақат нурли ҳаётга, илм-маърифатга, яхшиликка ундаиди. Ҳеч қачон хунрезлик, қотиллик, зўравонликка чақирмайди**. Ана шу ҳақиқатни тан олмасдан, сохта гояларга алданиб, заарли оқимларга кириш, террорчи бўлиш - бу Ўзбекистон халқига мутлақо тўғри келмайди.

Ҳаммамиз мусулмонмиз, бунинг шукронасини қилиб, фарзандларимизни ҳам бундай неъматнинг қадрига етадиган инсонлар этиб тарбиялашимиз керак эмасми?

Муҳтарам имом-хатибларимиз Аллоҳ йўлида холис хизмат қилишни ўз зиммаларига олганлар. Бу ҳам масъулият, ҳам улкан шараф. Шунинг учун соғлом эътиқод йўлини тарғиб қилишни аввало кимдан сўраймиз? Уламолар, имом - хатибларимиздан сўраймиз. Шу борада барчамиз кимдан ибрат оламиз? Албатта, имом-хатибларимиздан.

Яқин тарихимизда, бугунги кунда Яқин Шарқ минтақаси ва ён-атрофимида бўлиб ўтган ва давом этаётган қонли воқеалар албатта кўзимизни очиши зарур.

Бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, дин пешволари аҳоли билан очиқ мулоқотга киришиб, унинг дарду ташвишларини енгиллатиш, маънавий-маърифий ҳаёт билан боғлиқ муаммоларига ечим топишда астойдил ғайрат қилишларини истардим.

**Барчамиз бир ҳақиқатни чуқур тушуниб, англаб олишимиз керак:** бугун гап ҳалқимиз, мўмин-мусулмонларимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги, фарзандларимизнинг келажаги, таълим-тарбияси ва камоли ҳақида бормокда.

Маълумки, муқаддас Ислом динимизда “Итоати амр” деган тушунча мавжуд. Яъни, Конституция ва дунёвий қонунлар билан бошқариладиган мамлакатда яшаётган барча фуқаролар, шу жамият аъзоси сифатида

давлатнинг Бош қомуси, қонун-қоида ва тартибларига бўйсуниши ҳамда бошқаларга ҳам шуни тарғиб этиши шарт.

Шу муносабат билан бир фикрни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман: Ўзбекистонда давлат давлатчилигини қилади, қонун устувор бўлади. Бу ҳақиқатни ҳеч ким, ҳеч қачон эсидан чиқармаслиги зарур.

**Иймон-эътиқод ҳар биримизнинг юрагимизда, виждонимизда бўлиши лозим. Исломий ҳикматларда Ватанин севмоқ иймондан эканлиги таъкидланади. Инсон иймон-эътиқодли бўлса, юргига содик бўлиб хизмат қилса, у ҳақиқий ватанпарвар бўлади.**


Юртимизда яшаётган, оиласини, фарзандларининг эртанги кунини ўйлайдиган ҳеч бир инсон, дин арбоблари, жамоатчилик вакиллари бу ҳаётмамот масаласидан четда турмаслиги керак.

Қуръони каримда айтилган: “Ўз қўлларингиз билан ўзингизни ҳалокатга ташламанг”, деган ҳикматли сўзлардан ҳаммамиз хулоса чиқаришимиз лозим. Бизнинг бепарволигимиз, лоқайдлигимиз фақат фожиа келтиради. Болаларимиз, оиласиз, бутун юртимиз бошига фалокат келтиради. Айтинглар, ўзини инсон деб биладиган, виждони, имони бор ҳеч бир одам буни истайдими? Йўқ, албатта.

**“Бола ота-она қўлида бир омонатдир”, дейди буюк алломаларимиз.** Болаларимиз, уларнинг тақдиди, келажаги ҳақиқатан ҳам жуда омонат эканини бугунги ҳаёт ҳар томонлама исботламоқда.

Агар фарзандимизга тўғри тарбия бермасак, ҳар куни, ҳар дақиқада унинг юриш-туриши, кайфиятидан огоҳ бўлиб турмасак, уларни илму ҳунарга ўргатмасак, муносиб иш топиб бермасак, бу омонатни бой бериб қўйишимиз ҳеч гап эмас.

Адашган ёшларни тарбиялашимиз, керак бўлса, жазони ўташ жойларига ҳам бориб, улар билан гаплашишимиз лозим. Чин дилдан тавба қилиб, отонаси, оиласи бағрига, тўғри йўлга қайтишни ният қилган одамларга амалий ёрдам беришимиз керак.



Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, экстремизм ва терроризм хавфи ҳамда таҳдидларига қарши курашиш Ўзбекистон Республикаси учун биринчи навбатдаги вазифалардан бири бўлиб, минтақа давлатлари ва ҳалқаро ҳамжамиятнинг саъй - ҳаракатларини бирлаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси ўз тарихида экстремизм ва терроризм билан боғлиқ ҳолатларга бир неча маротаба дуч келган. Ушбу йўналишда хавфхатар, таҳдид ва таҳликалар сақланиб қолаётганини ҳисобга олган холда, давлатимиз бундан буён ҳам кенг жамоатчилик ва ҳалқаро ҳамжамият билан биргаликда экстремизм ва терроризм ҳамда уларни молиялаштиришга қарши курашишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга оширади.

Бу соҳадаги асосий мақсадимиз Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, миллий хавфсизлик, шунингдек, фуқароларнинг ушбу соҳадаги ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга имкон берадиган экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича самарали давлат сиёсатини амалга оширишдан иборат бўлиб қолади.

**Экстремизм ва терроризмга қарши курашда ҳалқаро ва минтақавий ҳамкорлик масалаларида қўйидаги вазифаларни устувор деб биламиз:**

- ❖ экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг ҳалқаро - ҳуқуқий асосларни такомиллаштиришга қўмаклашиш;
- ❖ дипломатик ваколатхоналар ва консуллик муассасалари, Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги, шунингдек, чет элга узоқ вақтга кетаётган ҳамда яшаб келаётган фуқаролар билан шугулланувчи бошқа идораларнинг кадрлар салоҳияти ва ресурсларини мустаҳкамлаш;
- ❖ бошқа давлатлар, минтақавий ва ҳалқаро ташкилотлар билан экстремизм ва терроризмга қарши кураш соҳасидаги ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий асосларини кенгайтириш;
- ❖ хорижий давлатлар ва ҳалқаро ташкилотлар билан экстремизм, терроризм ва уларни молиялаштиришга қарши кураш соҳасида ахборот ҳамда тажриба алмашиш;
- ❖ фаолияти экстремизм ва терроризмга қарши курашга қаратилган ҳалқаро ва минтақавий ташкилотларда фаол иштирок этиш;
- ❖ Марказий Осиёда БМТнинг Глобал аксилтеррор стратегиясини амалга ошириш бўйича ҳамкорликдаги саъй - ҳаракатларни Биргаликдаги ҳаракатлар режаси доирасида мувофиқлаштириш;
- ❖ Марказий Осиёда экстремизм ва терроризмга қарши кураш бўйича биргаликдаги ишлар доирасида ахборот алмашинуви ва ҳамкорликни ривожлантиришга ёрдам берувчи ҳалқаро ташаббусларни амалга оширишда Ўзбекистоннинг ролини кенгайтириш;
- ❖ дунё ҳамжамияти ва минтақавий ташкилотлар эътиборини Афғонистонда тинчлик ва ҳамжиҳатликни таъминлашга жалб қилиш борасидаги ташаббусларни жадаллаштириш ва ушбу мамлакатни минтақавий ҳамкорлик жараёнларига, шу жумладан, экстремизм ва терроризмга қарши курашишга жалб қилиш.

**З-савол. Камбағаллик: умуминсоний ва миллий муаммолар хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси ҳамда самарали миграция сиёсати.**


Инсониятни узоқ мозийнинг энг қадимги даврларидан буён муттасил ўйлантириб, қийнаб келган масалалардан бири камбағаллик билан боғлиқ муаммолардир. Жумладан,

*“Камбағаллик, севиши ёки шунга ухшаш бошқа азобларга чидай олмай ўз жонига сүиқасд қилиши - бу мардлик эмас, аксинча, кўрқоқлик белгисидир. Чунки бу - ожизлик, қийинчиликлардан қочишидир. Ожиз киши ўлимни яхшилиги учун эмас, азоблардан қутулиши учун бўйнига олади”*

Милоддан аввалги таҳминан 551 - 471 йилларда яшаган, ўзининг фалсафий таълимоти билан нафақат Хитой, балки бошқа халқлар хаётига ҳозир ҳам чуқур таъсир кўрсатаётган донишманд Конфуций эса “*Бойлик яхши кўрилиб, камбағаллик ёмон кўрилса, галаён чиқиши мумкин*” деб таъкидлаган эди.



АРИСТОТЕЛЬ  
384-322 до н. э.



ХХ аср ўзбек адабиёти, фани ва маданиятининг йирик вакили Абдурауф Фитрат ўз асаларидан бирида: “*Тижорат масаласи башариятнинг хаёт-мамот масаласидир*”, деган фикрни илгари сурган

Шу ўринда, захматкаши халқимиз камбағалликка инсон, жамият, иймон-эътиқод, хулқ-атвор, тафаккур, маданият, оила, башарият, хуллас, ҳаётнинг барча-барча соҳаларига таҳдид солувчи хатар сифатида қараганини ҳам эслаш жоиз.

**Афсуски, ҳозирги кунда ҳам жаҳоннинг турли нуқталарида нотинчлик сақланиб қолаётгани, зиддият ва зўравонликлар ортиб бораётгани, экологик оғатлар ва бошқа замонавий хатарлар қашшоқлик ва камбағалликнинг глобал муаммоларини янада кучайтироқда.**

Ушбу муаммо хали-ҳамон дунё аҳлини, энг етук мутахассислар, олиму фузалолар диққатини тортаётганлигини бевосита “камбағаллик” ва

“қашшоқлик” тушунчаларига нисбатан ҳозирда ҳам жаҳонда умумий қабул қилинган ҳамда ягона келишилган таъриф ишлаб чиқилмаганлигига кўриш мумкин. Ҳар бир мамлакат ушбу тушунчаларни ўзи учун белгиланган камбағаллик мезонидан келиб чиқиб тавсифламокда.

Жумладан, БМТ таърифига кўра, **қашшоқлик** - инсоннинг ҳаёт кечириши учун зарур бўлган даромад ва ресурслар этишмаслиги, бундан ташқари, очлик ва тўйиб овқатланмаслик, соғлиқни сақлаш, таълим ёки бошқа асосий хизматлардан фойдаланишда чекловларнинг мавжудлиги, турар жойнинг йўқлиги, хавфли табиий ва техноген муҳитда ҳамда ижтимоий тенгсизлик шароитида яшашига нисбатан айтилади (БМТнинг “Ижтимоий ҳимоя борасида юқори даражадаги Бутунжаҳон саммитидан).



**Камбағаллик эса**, инсоннинг ҳаёти давомида танлов ва имкониятларга эга бўлмаслиги, жамиятда тўлақонли иштирок этиш учун тўсиқларнинг мавжудлиги, бундан ташқари, оиласини боқиши ва кийинтириши, таълим олиши ёки касалхонада даволаниши, бирор соҳада фаолият юритиши ёки даромад олишга имкон берадиган меҳнат билан таъминлаш имкониятлари этишмаслиги ҳамда кредит олиш имкониятининг чекланганлигига намоён бўлади. Шунингдек, камбағаллик - бу инсонлар, уй хўжаликлари ва жамоаларнинг ижтимоий жиҳатдан чегараланган, хавф-хатарлар олдида ожизлиги ҳамда ночорлиги саналади (БМТ Европа Иқтисодий комиссиясининг “Камбағалликни ўлчаш бўйича кўлланмасидан, 2017 йил, Нью-Йорк, Женева).

Бу борада аҳолининг маълум қатламлари ўртасида ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам пулинни тўлаш ёки уларнинг миқдорини ошириш орқали ушбу муаммони хал этиш мумкин, деган жун фикр мавжудлигини ҳам айтиш зарур. Бу - бир томонлама ёндашув бўлиб, муаммони тўла ечиш имконини бермайди. Зеро, камбағалликни камайтириш - бу аҳолида тадбиркорлик руҳини ўйғотиш, инсоннинг ички куч-куввати ва салоҳиятини тўлиқ руёбга чиқариш, янги иш



ўринлари яратиш буйича комплекс иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга оширишга қаратилган бўлиши лозим.

**БМТнинг маълумотларига кўра, Ер юзида 700 миллиондан ортиқ, одам қашшоқдикда кун кечиради.** Камбағалликнинг юқори даражаси асосан турли низолар мавжуд бўлган мамлакатларга тўғри келади.

Камбағаллик ва қашшоқликка қарши курашиш БМТ кун тартибидаги асосий масалалардан ҳисобланади. Бу борада ташкилот томонидан бир қатор муҳим ишлар амалга оширилганлигини айтиш зарур.

**Хусусан, 1992 йилда БМТ Бош ассамблеяси 17 октябрь Халқаро қашшоқликка барҳам бериш куни деб белгилади.** Тегишли резолюциялар асосида 1997-2006, 2008-2017 ва 2018-2027 йиллар БМТнинг қашшоқликка қарши курашиш ўн йилликлари сифатида эътироф этилди, Камбағаллик ва қашшоқликка қарши курашиш ташкилотнинг минг йиллик декларацияси, Аддис-Абеба Ҳаракатлар дастури ва 2030 йилгача бўлган барқарор ривожланиш мақсадлари каби ҳужжатларда ўз аксини топган. Ўта қашшоқликка қарши кураш муҳим вазифа сифатида белгиланган.

Ушбу ҳужжатларда, жумладан, ҳар бир давлат миллий ва глобал миқёсда камбағалликка қарши курашиш соҳасида тегишли шарт-шароитларни яратиш, гендер тенглигини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя чораларини кўриш ва бошқа қатор масалалар буйича зарур чораларни амалга ошириши белгилаб қўйилган.

Шу муносабат билан таъкидлаш жоизки, биз шу пайтгача аксарият фуқароларимиз ҳақиқатан ҳам камбағал эканини кўриб-кўрмасликка, билиб-билимасликка олдик. Энди яшириш керак эмас, ҳозирги шароитларда яшаётган одамларимизнинг асл муаммоси, вазиятини тушунишимиз, барча тоифадаги раҳбарлар дунёқарашини ўзгартиришимиз лозим бўлади.

Ҳар қандай мамлакатда бўлгани каби бизда ҳам кам таъминланган аҳоли қатламлари мавжуд. Турли ҳисоб-китобларга кўра, улар таҳминан 12-15 фойзни ташкил этади. Бу ўринда ҳам кичкина рақамлар эмас, балки аҳолимизнинг 4-5 миллионлик вакиллари хақида бормоқда.

**2020 йил мамлакат тарихида илк бор камбағаллик тушунчаси мамлакат барқарор ривожланишига таъсир этувчи жиддий муаммо сифатида эътироф этилиб, мазкур йуналиш ижтимоий-иктисодий сиёсатнинг асосий масалаларидан бирига айланди.**

Бу борада қуидагилар назарда тутилди:

**Биринчидан**, камбағаллик жиноятчиликнинг ўсишига таъсир қиласи. Жиноятчилик аҳолининг кам таъминланган қатламлари орасида кенг тарқалади ва улар даромад олишнинг жиноий шаклларига мурожаат қилиш эҳтимоли катта.

Камбағалликнинг **иккинчи** салбий оқибати - турмуш даражаси паст ва даромадлари юқори бўлмаган аҳоли қатламларининг соғлигига салбий таъсири.

**Учинчидан**, камбағаллик алкоголизм ва гиёхвандликнинг ўсишига ҳам бевосита таъсир қиласи.

**Тўртинчидан**, камбағалликнинг юқори даражаси жамиятдаги ижтимоий кескинликнинг кучайишига сабабдир.

Камбағалликнинг хавфли оқибатларидан яна бири бу аҳолининг умумий маълумот даражаси пасайиши.

Камбағалликнинг салбий оқибатларини эътиборга олган ҳолда, мамлакатимизда унга қарши қурашнинг стратегик йўналишларини ишлаб чиқиши мухим вазифалардан бирига айланди.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда бу соҳада қатор чора - тадбирлар амалга оширилди.

**Биринчидан**, Ўзбекистонда камбағалликни қисқартиришнинг институционал асослари яратилиб, камбағалликни қисқартириш масалаларини мувофиқлаштирувчи вазирлик ҳамда ушбу йуналишда илмий-тадқиқот ишларини олиб борувчи илмий марказ ташкил этилди.

Ўтган давр мобайнида мамлакатда бевосита камбағалликни қисқартириш борасида халқаро ташкилотлар (БМТ Тараққиёт дастури, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, ЮНИСЕФ ва бошқалар), молиявий институтлар (Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки) ҳамда ушбу йуналишда илғор тажрибага эга мамлакатлар илмий марказлари (Хитой Камбағалликни қисқартириш халқаро маркази) билан мустаҳкам алоқалар ўрнатилди.

**Иккинчидан**, пандемия шароитида эҳтиёжманд аҳолини моддий ва номоддий қўллаб-қувватлаш мақсадида жойлардаги тўртта сектор, маҳалла органлари, кенг жамоатчилик вакиллари ҳамда депутатлар билан биргаликда камбағал ва моддий ёрдамга мухтоҷ оиласалар рўйхати – “Темир дафтар” тизими ташкил этилди.

Мамлакат миқёсида “Темир дафтар”га 2,5 миллионга яқин аҳолини ўз ичига олган 594,3 минг оила киритилди.

Бугунги кунда кам таъминланган оиласаларнинг даромад манбайниня яратиш орқали 2,2 миллион киши “Темир дафтар”дан чиқарилган.

**Учинчидан**, Жаков банки ва БМТ Тараққиёт дастури каби халқаро ташкилотларнинг таклиф ва тавсиялари асосида аҳолининг минимал истеъмол харажатлари қийматини ҳисоблаш тартиби амалиётга жорий этилмоқда. Мазкур услубиёт Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда мухим дастаклардан бири булиб, ижтимоий стандартларни белгилашда фойдаланилади.

**Тўртинчидан**, ўрта ва узок муддатларда камбағалликни қисқартиришнинг стратегик мақсадларини белгилаш мақсадида, Жаков банки ва БМТ Тараққиёт Дастури эксперtlари билан бирга “**2021 – 2030 йилларга қадар Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш стратегияси**” умумхалқ мұхокамасига қўйилди.

Ҳужжатда республикада камбағалликни қисқартириш учун комплекс ёндашилиб, устувор йуналишлар доирасида чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш назарда тутилган.

Албатта, бугун мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш соҳасида амалга оширилаётган ишлар бу борадаги дастлабки қадамлар ҳисобланади. Бу борада ижтимоий, иқтисодий, маърифий-маданий соҳаларнинг ҳамкорликдаги

фаолияти ҳамда амалга оширилаётган ишларнинг шаффоғлигини таъминлаш масаласи ҳам муҳим аҳамият касб этади.

**Келгуси ўн йиллиқда ушбу соҳада ижобий натижаларга эришиш учун яна қўйидагиларга алоҳида эътибор беришимиз зарурлигини яхши англаймиз:**

❖ барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалардан келиб чиқсан ҳолда, 2030 йилгача камбағаллик даражасини 2,0 мартага камайтириш;



❖ келгуси ўн йилда камбағал оиласлардаги ишсизларни тадбиркорликка жалб этган ҳолда, 500 минг янги иш жойларини ташкил этиш, ишсизлик даражасини 2,0 марта қисқартириш;



❖ 2030 йилгача камбағал оиласларни 600 мингта квартиralар билан имтиёзли асосда таъминлаш, уй шароитларини яхшилаш учун имконият яратиш.



❖ камбағал оиласлардаги болаларни мактабгача тарбиялаш муассасаларидағи қамровини 2020 йилдаги 10 фоиздан 2030 йилда 30 фоизга кўпайтириш, таълим, соғликин сақлаш ва бошқа ижтимоий соҳаларда аҳолини, жумладан, камбағал оиласларни минимал истеъмол стандартларини давлат томонидан тўлиқ таъминотини таъминлаш;



❖ кам таъминланган оиласларнинг дехқончилик қилиши учун хар йили 30,0 минг гектар қишлоқ хўжалигига фойдаланилмаётган ер майдонларини ажратиб бериш, томорқа хўжалигидан самарали фойдаланиш учун қулай шароит яратиш;



❖ 2030 йилгача барча мухтож камбағал оиласларни мақсадли ва самарали ижтимоий ҳимоясини амалга ошириш.



Бугунги кунга келиб, камбағалликни қисқартиришга алоқадор ташкилотлар ва идоралар фаолияти янада самарали ташкил этилишига алоҳида эътибор берилади ва бу борада масъул хорижий институтлар билан ҳамкорлик янада ривожлантирилади.

2021 йилда “Қашшоқликка барҳам бериш ва камбағалликка қарши курашиш” масалаларига бағищланган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Глобал саммити ўтказилиши, ШХТга аъзо мамлакатларда соҳага масъул вазирлик ва идоралар билан биргаликда “Камбағалликка қарши курашиш” конференцияси ташкил этилиши, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан Хитой Халқ Республикасининг Халқаро камбағалликни қисқартириш маркази ўртасида англашув меморандуми имзоланиши ана шу соҳадаги ишларнинг бардавомлигидан далолат беради.

### **Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси ҳамда самарали миграция сиёсати.**

Бугунги глобаллашув жараённада миграция масаласи дунё-миқёсида барқарор ривожланишни таъминлашнинг долзарб вазифаларидан бирига айланган. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотларига кўра, 2020 йилда дунёнинг турли мамлакатларида яшаётган мигрантлар сони 281 миллион нафардан ошган. Уларнинг аксарияти - учдан икки қисми сайёрамизнинг ривожланган мамлакатлари ҳиссасига тўғри келади.



Бугунги кунда миграциянинг ошиши, ижтимоий иқтисодий, сиёсий-хуқуқий ҳамда аҳоли фаровонлигини ошириш ва барқарор ривожланишга салбий таъсир кўрсатувчи иқлим ва ҳароратнинг кескин ўзгариши, сув ресурсларининг камайиши, табиий оғатларнинг кўпайиши ва қишлоқ хўжалиги унумдорлигининг пасайиши каби омиллар билан боғлиқ. Ушбу омиллар, айникса, аҳолининг энг заиф қатламларига кўпроқ таъсир кўрсатади.

Миграция жараёни, айникса, унинг асосий қисмини ташкил этувчи меҳнат миграцияси жараёни муайян вақтларда кучайиб-пасайиш тенденциясига эга бўлиб, маълум худуд, мамлакат, минтақа ижтимоий ҳаётига ўзининг ижобий, салбий, керак бўлса, сиёсий таъсирини ўтказади.

Жаҳон хўжалиги ривожланиб, мамлакатларо алоқалар кучайиши, ривожланган ва иқтисодий қолоқ мамлакатлар ўртасидаги фарқларнинг

узлуксиз чуқурлашиб бориши меҳнат миграциясининг тобора интенсивлашиб боришига олиб келади.

Дунё тажрибасида ушбу салбий холатларнинг олдини олишнинг иккита самарали усули мавжуд. Бу - **мамлакатда кўплаб янги иш ўринларини яратиш, аҳолида тадбиркорлик билан шугулланиш ва унинг ҳисобидан даромад топиш қўниумасини ошириш ҳамда хавфсиз ва қонуний меҳнат миграциясига йўл очиб беришни назарда тутади**.

Меҳнат миграциясини тартибли ва илмий асосда йулга қўйилиши дунё иқтисодиёти, шунингдек, ривожланаётган мамлакатларга катта манфаат ҳам келтиради:

❖ ишчи кучи экспортидан келадиган даромад миқдори кескин ошади. БМТ экспертларининг таҳлилларига кўра, халқаро миграция дунёдаги пандемия инқирозидан кейин иқтисодий тикланишнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Дунё аҳолисининг атиги 3,5 фоизини ташкил этадиган мигрантлар жаҳон ялпи маҳсулотининг таҳминан 9 фоизини ишлаб чиқаради;

❖ ёшларда малакали ишчи ёки яхши ўқиб, юқори квалификацияли мутахассис бўлишга қизиқиш ортади. Хорижда етарли тажриба тўплаган ва малакали ишларни бажарган ёшлар, ўз юргита қайтганда, жамият интеллектуал салоҳиятини ошириш ва миллий иқтисод равнақига муносиб хисса қўшади;

❖ ривожланган ва ривожланаётган давлатлар орасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни мустаҳкамлаш, мамлакатдаги ижтимоий аҳволни барқарорлаштиришга хизмат қилади. **Дунё бўйича меҳнат мигрантларининг ҳар йили ўз юртларига юборадиган маблағлари 551 миллиард АҚШ долларидан ортади** ва бу кўп холларда ривожланаётган мамлакатларга хориждан келаётган ёрдам ва инвестициялардан кўпроқ бўлади.

Шу маънода, миграция жараёнини тартибга солиш, уни бошқариш масалалари алоҳида эътибор талаб қилади ва жаҳон ҳамжамияти диққат-эътиборида туради.

Табиийки, ижтимоий-иқтисодий тараққиётда ўтмишдан қолган мероснинг оғир муаммоларини узил-кесил хал этиш заруратига дуч келган Ўзбекистон ҳам асримизнинг ушбу феномени - меҳнат миграцияси жараёнларидан четда қола олмайди.

Шу боисдан, ҳам **Янги Ўзбекистон БМТ ва бошқа халқаро ташкилотларнинг хавфсиз, тартибли ва қонуний миграция сиёсатини амалга ошириш борасидаги саъй ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди**.

Фуқароларининг хуқуqlари ва манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, сўнгги беш йилда Ўзбекистон Республикаси Халқаро миграция ташкилотига (ХМТ) аъзо бўлди, ушбу ташкилот Конституциясини ратификация қилди. Хорижда ишлаётган фуқароларга нисбатан муносабатларни тубдан ўзгартириб, илк бор меҳнат мигрантлари билан бевосита мулоқот ўрнатдик, уларнинг муаммо ва эҳтиёжларини ўрганиш ҳамда хал қилиш бўйича янги тизим жорий этдик.

Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-куватлаш ҳамда уларнинг хукуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси

ташкил этилди, меҳнат мигрантларининг ҳаёти ва соғлигини суғурталаш, уларнинг оила аъзолари учун ипотека кредитларини ажратиш амалиёти жорий қилинди. Уларни қўллаб-кувватлаш механизмларини такомиллаштириш, меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахсларнинг реинтеграциясини таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун қулай шартшароитлар яратиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширмоқдамиз.

Бу борада биз тақдим этаётган стратегия асосида фуқароларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, улар қаерда эканликларидан қатъи назар, ишончли ҳимоясини таъминлаш масаласи турибди.

Келгуси йилларда бу борадаги саъй-харакатларимизни янада жадаллаштириб, қуйидаги устувор йўналишларда фаолиятимизни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқамиз.

**Биринчи йуналиш.** Хориждаги ватандошларимиз, ўзбек диаспоралари ва уларнинг жамоат ташкилотлари билан алоқалар мустаҳкамланади.

**Хориждаги ватандошларимиз, яъни:**

❖ келиб чиқиши Ўзбекистон Республикасидан бўлган, чет элга чиқсан ва хорижий давлат фуқаролигини ёки фуқаролиги бўлмаган шахс мақомини олган;

❖ тарихий Ватанига маънавий ва маданий нуқтаи назардан мансубликни хис қилган;

❖ этник ва тил нуқтаи назаридан ўзини ўзбеклар ёки қорақалпоқлар сифатида идентификация қилган ҳамда Ўзбекистон билан ҳар томонлама алоқа қилиш истагида бўлган, хорижда истиқомат қилаётган хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар билан тизимли ишлашни йўлга кўямиз.

Бунда:

**биринчидан**, ҳалқаро хуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормалари, ватандошларимиз истиқомат қилаётган мамлакатларнинг қонунлари ва Ўзбекистоннинг ҳалқаро шартномалари асосида ватандошларимизнинг хуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш;

**иккинчидан**, ватандошларимиз ва улар томонидан тузилган жамоат бирлашмалари билан хамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш ва ривожлантириш, фаолиятини рағбатлантириш;

**учинчидан**, хорижда истиқомат қилаётган ватандошларимиз дунёга келаётган муаммоларни тизимли асосда таҳлил қилиб бориш, мураккаб хаётий вазиятга тушиб қолганларини моддий, ижтимоий, ахборот ва хуқуқий жиҳатидан қўллаб-кувватлаш, ёрдам қўрсатиш;

**туртинчидан**, хорижда ўзбек тили, маданияти ва анъаналарини сақлаб қолиш ва ривожлантириш, юртимизнинг бой илмий, маданий ва маънавий меросини кенг тарғиб қилиш ва оммалаштириш ҳамда олим ва ижодкор ватандошларимизнинг илмий, ижодий изланишларини қўллаб-кувватлаш;

**бешинчидан**, хорижда истиқомат қилаётган ватандошларимизни Ўзбекистон худудида тадбиркорлик, инвестициявий, илмий, маърифий ва маданий фаолият билан шуғулланишга фаол жалб қилиш;

**олтинчидан**, хорижда таълим олаётган Ўзбекистон ёшлари билан тизимли ишлашни йўлга қўйиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратамиз.

Бу борада Ташқи ишлар вазирлиги, Маданият вазирлиги, Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш буйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси, “Ватандошлар” жамоат фонди, Ўзбекистан касаба уюшмалари каби фуқаролик жамияти институтлари олдига қатор янги вазифалар қўйилган.

**Иккинчи йуналиш.** Ташқи меҳнат миграцияси, у билан боғлиқ бўлган одам савдоси соҳасида халқаро ҳамкорлик янада ривожлантирилади.

Янги Ўзбекистан ХМТ аъзоси сифатида мигрантларга ёрдам курсатиш, миграция оқимини тартибга солишининг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш, меҳнат мигрантларини қуллаб-қувватлаш, одам савдосига қарши курашиш, ушбу соҳалардаги минтақавий ва глобал ташабbusларда фаол иштирок этади.

Ташқи меҳнат миграцияси ва таълим соҳаларида ХМТга аъзо давлатлар билан куп томонлама ва икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш учун кенг имкониятлар мавжуд. Россия, Қозоғистон, АҚШ, Япония, Корея, Европийскифоққа аъзо давлатлар, Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари каби мамлакатлар билан ҳамкорликни кенгайтирамиз.

Хорижий мамлакатларнинг миграция ва бошқа давлат органлари билан муносабатлар кучайтирилади. Чет эллик иш берувчилар ва хусусий бандлик агентликлари, уларнинг вакиллари билан мустаҳкам алоқалар урнатилади, бевосита келишувлар тузилади.

Россия, Қозоғистон ва Туркияда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқароларга ҳуқуқий ёрдам курсатиш мақсадида адвокатлик фирмалари жалб қилиниши, онлайн платформа яратилиши ва доимий хизмат билан қамраб оладиган “Call-марказ” ташкил этилиши борасидаги ишлар кўлами кенгайтирилади. Хорижий мамлакатларда Ўзбекистон Республикаси фуқароларига мунтазам ёрдам кўрсатиб келаётган шахсларни “фаҳрий консул” ҳамда “жамоат маслаҳатчиси” этиб тайинлаш ҳамда уларни давлат мукофотлари билан тақдирлаш амалиёти кенгайтирилади.

**Учинчи йуналиш.** Хорижга ишлашга кетишдан олдин фуқароларини касб-хунарга ва чет тилларга ўқитиши, уларга касбий малакани тасдиқловчи халқаро сертификатлар бериш борасидаги чора-тадбирлар тизимли равища ва жадал ҳаётга татбиқ этилади. Шунингдек, меҳнат мигрантларини молиявий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳаёти ва соғлигини суғурталаш амалиёти кенгайтирилади.

**Туртинчи йуналиш.** Меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахслар реинтеграция қилинади, шу жумладан, уларнинг бандлиги таъминланади, касбий малакаси оширилади ва тадбиркорлик ташабbusлари рағбатлантирилади.

Ушбу вазифалар, аввало, меҳнат мигрантлари муаммосини хал этиш, барча давлат ташкилотлари, мутасаддилари, фуқаролик жамияти институтлари томонидан Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг энг муҳим, бугунги кун ва келажак нуқтаи назаридан ўз ечимини кутаётган асосий масалаларидан бири сифатида қаралмоғи лозим.

Барчамиз биргалиқда, бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қиласак, Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий юксалишнинг равон йўлига бошлаб, мигрантларнинг хақ-хуқуқларини самарали ҳимоя қилган бўламиз.

### **Мустақил тайёргарлик учун топширик:**

1. Президентимиз Ш.М. Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон стратегияси” асарини ўқиб ўрганиш ва конспектлаштириш.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармонини ўқиб ўрганиш ва конспектлаштириш.

### **Назорат учун саволлар:**

1. Тараққиёт стратегиясида чет элларда Ўзбекистоннинг ютуқларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш учун қандай ресурсларни жалб этиш белгиланди?
2. Тараққиёт стратегиясида жаҳон ҳамжамиятида мамлакатимиз имиджини ошириш мақсадида қайси ахборот агентлиги фаолиятини қўллаб қувватлаш чораларини кўриш белгиланди?

## **6-МАВЗУ: ГЕОСИЁСИЙ МАНФААТЛАР ТҮҚНАШУВИ ВА МАФКУРАВИЙ КУРАШ.**

### **Режа:**

1-савол. Марказий Осиё геосиёсий марказ сифатида ва иқтисодий солоҳияти.

2-савол. Мафкуравий таҳдидларга қарши кураш ва бу борада Ички ишлар органлари ходимларининг вазифалари.

### **1-савол. Марказий Осиё геосиёсий марказ сифатида ва иқтисодий солоҳияти.**

Геосиёсат, географик сиёсат бу сиёсатшунослик фанидаги назария. Геосиёсат термини муайян бир мамлакат ўрни, табиий бойликлари, иқлими ва бошқа географик омилларининг давлат ташқи сиёсатига (географик-сиёсий стратегияси ва х. к. га) муайян таъсирини ифодалаш учун ишлатилади.



Геосиёсат тушунчасини биринчи бор Рудольф Челлен (Швеция) илмий муомалага киритган. Геосиёсат назарияси 19-аср охири ва 20-аср бошларида Ф. Ратцель (Германия), А. Мэхэн (АҚШ), Х. Маккиндер (Буюк Британия) томонидан ишлаб чиқилган, Г. Киссинжер, З. Бжезинский (АҚШ) ва бошқалар томонидан ҳозирги дунёдаги сиёсий жараёнларга татбиқан ривожлантирилган. Геосиёсатга оид илмий қарашларга давлатнинг географик жойлашуви (макони) билан унинг ички ва ташқи сиёсати ўртасидаги уйғунлик принципи асос қилиб олинади. Ўзбекистон ўз ташқи сиёсатида маълум даражада Геосиёсатнинг асосий тамойилларини ҳам ҳисобга олади.

Марказий Осиё минтақасининг геосиёсий аҳамияти, унинг атрофида рўй берадиган геосиёсий таъсирашувларга боғлиқ бўлади. Шу нуқтаи-назардан узоқ муддатли барқарорлик ҳақида гап кетар экан, Марказий Осиёда рўй берадиган ҳодисалар йўналиши ҳамиша минтақадаги геосиёсий рақобат билан боғлиқ эканлиги ва мана шу ҳолат Марказий Осиё мамлакатлари учун энг муҳим таҳдидлардан бири бўлиб қолишини алоҳида таъкидлаш керақ.

Зоро, минтақа хавфсизлиги тўлиқ унинг геосиёсий аҳамиятига, бошқача айтганда унинг салоҳиятини белгиловчи географик, иқтисодий ва ижтимоий

хусусиятларга асосланади. Бу борада З.Бзежинскийнинг «ушбу минтақага яқинлашиш масаласида устунликни ким қўлга киритса албатта геосиёсий ва иқтисодий ютуқни қўлга киритади», деган фикрини эслаш ўринлидир<sup>1</sup>. Бундай фикрлар, Марказий Осиё минтақасига ташқаридан бўладиган геосиёсий таъсирларни характерлаб беради.

Марказий Осиёнинг айрим давлатлари ёки бутун минтақадаги ички сиёсий иқлимининг ўзгариб туриши, кўпмиллатли ҳудудларда, айниқса чегара олди минтақалардаги вазиятнинг издан чиқиши бутун минтақага таҳдид солиб туради. Шундай экан, ташқи таъсир, яъни ташқи геосиёсий таъсир бу минтақа халқларини ташвишга соладиган, хавотир уйғотадиган доимий омил бўлиб қолади.

Умуман олганда, минтақадаги ички ва ташқи геосиёсий таъсирлашув назарда тутилса мавжуд вазиятда ноаниқлик сақланиб қолаётганлигини таъкидлаш мумкин.

Марказий Осиёнинг геосиёсий аҳамияти борасида гап кетганда таъкидлаш керакки, унинг географик жойлашуви, коммуникациявий хусусиятлари, табиий-энергетика захиралари билан боғлиқ. Шунингдек, Марказий Осиёнинг географик жиҳатдан марказий ҳудудни эгаллаганлиги билан қитъанинг катта қисмида барқарорликка таъсир қўрсатиши, Евроосиё минтақасининг улкан ҳудудидаги кучлар мувозанати ҳар бир мамлакатдаги жараёнларга боғлиқ<sup>2</sup>.

Бугунги қунда Марказий Осиёдаги геосиёсий вазият бу минтақада Ўарбнинг роли ошиши билан белгиланиши, ёки бўлмаса Қозогистон ва Ўзбекистон билан алоқаларни кучайтиришни қўзлаган Россиянинг ЕИХга фаол иштироки билан минтақадаги кучлар мувозанатининг ўзгариши масаласи кўплаб сиёsatчилар ва таҳлилчиларни қизиқтириб келади<sup>3</sup>.

Тарих давомида узлуксиз давом этиб келган цивилизациялар кураши янги минг йиллиқда ҳам янгича тусда, турли жиҳатлари билан намоён бўлмоқда. Шу нуқтаи-назардан Ер юзида ягона хукмронлик тизимини яратишни ўз ичига олган ушбу жараённинг бир он бўлсада пасайганини таъкидлаш қийин. Америкалик олим Семюэл Хантингтон ўзининг «Цивилизациялар тўқнашуви ва дунё тартиботининг қайтадан қурилиши» асарида бугунги қундаги геосиёсий жараёнларнинг энг муҳим хусусиятларини таҳлил этар экан, Ер юзида кечётган геосиёсий жараёнларнинг марказида айнан Евроосиё қитъаси, хусусан шу қитъа марказида жойлашган «юракдаги мамлакатлар»га таъсир этиш ва улар ҳудудини эгаллаш устида рўй беришини таъкидлайди.<sup>4</sup>

Инглиз геосиёsatчиси Питер Хопкирк ўзининг “Россияга қарши Катта ўйин: Осиё синдроми” асарида Марказий Осиё устида “Катта ўйин”нинг

<sup>1</sup> Бжезинский З. Великая шахматная доска: Господство Америки и её геостратегические императивы. - М.: Международные отношения, 1998. - 254 с.

<sup>2</sup> Аушиева Е.Б. Геополитические интересы России и Китая в Центральноазиатском регионе. Дис. ... канд. полит. наук. Москва, 2003. - 143 с.

<sup>3</sup> Арифханов Ш.. Центральная Азия: региональная интеграция и безопасность/ -Т.: 2007. - С. 18.

<sup>4</sup> Хантингтон С. Столкновение цивилизаций? // Полис. - М., 1994. - №1. - С. 33 - 48.

қайтадан бошланганлиги, унинг негизида Саудия Арабистони ва Форс кўрфазининг бошқа давлатлари салоҳиятидан анча қўп бўлган афсонавий нефть ва газ захиралари, бошқача айтганда XXI асрнинг том маънодаги хазинаси ётганлигини таъкидлайди. Бунга қўшимча равишда қатор нодир металлар, темир рудаси, кўмир ва паҳтани ҳам қайд этган геосиёсатчи, *Марказий Осиёнинг ташқи кучлар учун нақадар аҳамиятли эканини яширмайди*<sup>5</sup>. Бундай геосиёсий жараёнларга Марказий Осиё минтақасининг муносабати қандай? Ушбу масала бугунги кунда нафақат Марказий Осиёнинг геосиёсий мавқеи, балки унинг атрофидаги геосиёсий жараёнларни англашга ёрдам беради<sup>6</sup>.

Минтақанинг геосиёсий мавқеи бир неча омилларга боғлиқ. Мумтоз геосиёсий назарияга кўра ҳар бир минтақанинг геосиёсий мавқеи қуидагилар билан белгиланади:

- географик жойлашуви ва табиий-икклим хусусиятлари;
- иқтисодий салоҳияти;
- шу худудда яшовчи халқларнинг қатъий равишда табиий-географик омиллар таъсири остида шаклланган менталитети ҳамда анъаналари;
- ушбу хусусиятлар таъсирида шаклланган сиёсий тузумнинг табиати.

Бироқ ўтган юз йилликда минтақалар ёки давлатларнинг геосиёсий мавқеи кўпгина ҳолларда иқтисодий омил билан белгиланиши одат тусига кирди. Албатта дунёда энергетика захиралари истеъмолининг кучайиши ва уларга бўлган эҳтиёжнинг кескин ортиб кетиши бунинг асосий сабаби ҳисобланади.<sup>7</sup> Марказий Осиёнинг иқтисодий салоҳияти унга бўлган геосиёсий қизиқишининг асосий манбаи эканлигини унутмаган ҳолда минтақанинг юқорида санаб ўтилган хусусиятлари хусусида тўхталиб ўтамиз.

Минтақанинг географик жойлашуви ва майдони хусусида қуидаги фикрни айтиш мумкин.

Марказий Осиё Ғарбда Каспий денгизидан шарқда Хитойнинг Шинжонъ муҳтор туманига қадар Шимолда Қозогистондан то Покистонга қадар худудни эгаллаган улкан географик бирлик бўлиб, Евроосиё текислигининг марказий қисмини ўз ичига олган 4 млн. кв. кмлик улкан худудни эгаллади.



Россия, Эрон ва Хитой каби геосиёсий нуқтаи-назардан муҳим давлатлар билан чегарадош бўлган минтақада бор йўғи 60 миллион атрофида

<sup>5</sup> Хопкирк П. Большая игра против России: Азиатский синдром. – Москва: Рипол классик, 2004. – С. 4.

<sup>6</sup> Марказий Осиёнинг иккى хил акс эттирилиши бунга мисол. 1, 7-иловалар.

<sup>7</sup> Бжезинский З. Великая шахматная доска: Господство Америки и её геостратегические императивы. - М.: Международные отношения, 1998. - 254 с.

аҳоли истиқомат қиласи. Бу рақамга Афғонистон аҳолисини қўшадиган бўлсак, демографик кўрсаткич 2020 йилда 100 миллион атрофида бўлади.

Асосий худуди текислик ва пасттекисликлардан иборат бўлган минтақанинг иқлими асосан континентал, мўътадил, айrim тоғли ҳудудларда арктик хусусиятга эга. Минтақанинг қўпгина қисми қумли чўллар ҳамда текисликлардан иборат бўлсада ерларнинг қарийб тўртдан бири ҳосилдор ерлар ҳисобланади. Табиий иқлим шароитларига кўра минтақанинг жуда қулай эканлигини таъкидлаш зарур. Туркманистон ва Қозоғистон асосан чўл, ярим чўл, текисликлар ва пасттекисликлардан иборат.

Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон асосан Фарғона, Зарафшон, Вахш, Кофарникон ва ҳоказо серҳосил водийлар ва воҳалардан иборат. Қирғизистон ва Тожикистонда тоғли ҳудудлар ушбу республикалар умумий майдонининг 35–60% ни Помир ва Тяньшань тизмалари ташкил этади. Минтақа ҳудудий жиҳатдан асосан текисликлардан иборат бўлиб, Каспий денгиз ҳамда Орол денгизи кўли ушбу минтақада жойлашган. Тоғли ҳудудлар бўлса Помир ва Тяньшань, шунингдек уларнинг этаклари бўлган бир неча тизмаларидан иборат.



Сув захиралари Марказий Осиё минтақасидаги энг муҳим геосиёсий омилларидан бири ҳисобланади. Сув йўллари асосан Амударё ва Сирдарё шунингдек, кўплаб кичик дарё ҳамда ўзанлардан иборат. Гарчи Қозоғистоннинг шимоли-ғарбий ва шимоли-шарқий қисмида Урал ва Иртиш каби йирик дарёлар мавжуд бўлсада, улар ўз оқими нуқтаи–назаридан нафақат минтақанинг, балки Қозоғистоннинг қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун ишлатиш имконияти мавжуд эмас<sup>8</sup>. Ҳар бир республика ҳудудида юзлаб кичик дарёлар мавжуд бўлиб уларнинг маълум бир қисми ёз ойларида қуриб қоладиган мавсумий дарёлар ҳисобланади<sup>9</sup>. Шуни таъкидлаш керакки, Марказий Осиёning сув захиралари кам бўлиши билан бирга уларнинг тақсимотида жиддий мураккабликлар мавжуд.

<sup>8</sup> Бундан ташқари Қозоғистоннинг асосий дехқончилик ривожланган ҳудудлари жанубда жойлашган бўлиб, Сирдарё ҳавzasидан сув ичади.

<sup>9</sup> Чжен Кун Фу. Геополитика Казахстана. - Алматы: Жеты Жарғы, 1999. - С. 158.

Минтақанинг энг йирик дарёлари ҳисобланган Амударё ва Сирдарёning йиллик сув оқими  $78 \text{ км}^3$  ва  $36 \text{ км}^3$  ни ташкил этади<sup>10</sup>. Минтақадаги ичимлик суви захиралари асосан тоғлардаги қорлар ва музликлардан ташкил топган. Дарёлар асосан Тожикистон ва Қирғизистондаги тоғлардан бошланади ва қолган барча республикалар билан биргалиқда истеъмол қилинади. Бу эса сув тақсимотида ўзаро мувофиқ ҳаракат ва назоратни талаб этади.



Сув билан боғлиқ бўлган бошқа муаммо Иртиш билан боғлиқ бўлиб, Хитойдан бошланадиган ушбу дарё Россиянинг Обь дарёсига қуйилади. Дарё устида қурилган Хитойга тегишли дамбалар Иртишбўйи экотизимига кўрсатаётган салбий таъсири Қозоғистонни ташвишга соладиган масалалардандир. Барча республикалар трансчегаравий сувлардан фойдаланиш, йирик иншоотлар барпо этишда минтақавий экотизим, сейсмик барқарорликка жиддий эътибор қаратишлари зарур. Дарёларнинг юқори оқимида жойлашган республикалар минтақавий можаро уйғотиш мақсадида ташқаридан амалга ошириладиган геосиёсий босим остида қолишлари эҳтимоли юқори.

Минтақада Туркманистон ва Қозоғистон ҳудудида Каспий денгизи, Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳудудида Орол денгизи ва Қирғизистон ҳудудида Иссиқкўл мавжуд бўлиб, улар атрофидаги муаммолар минтақадаги деярли барча республикаларни қамраб олади. Масалан Каспийнинг табиий-географик мақоми, яъни унинг денгиз ёки кўл эканлиги борасида ҳам бирор бир ягона ечимга келинганича йўқ. Ушбу масала Каспийбўйидаги томонларнинг геосиёсий стратегиясига боғлиқ ҳолда вақти-вақти билан долзарблашиб турувчи муҳим минтақавий масала ҳисобланади.

**Марказий Осиёнинг демографик ва иқтисодий салоҳияти** Ўтган асрнинг биринчи чорагидан бошлаб то сўнги 10 йиллигига қадар Марказий Осиёнинг асосий ҳудуди дунёдаги етакчи давлатларнинг геосиёсий таъсиридан холи ҳолда жадал геосиёсий жараёнлар чегарасидан ташқарида қолган. Бу даврда Ўрта Осиё ва Қозоғистон шўро давлатининг таркибий қисми сифатида тўлиғича фақат Россиянинг миллий манфаатлари чегарасида бўлган. Марказий Осиё дунё миқёсидаги етакчи давлатлар учун геосиёсий жиҳатдан юқори аҳамиятга эга бўлсада, тизимнинг ёпиқ табиати бу минтақа билан бевосита алоқа бўлишига йўл қўймаган. Шунинг учун, шўро тизимининг емирилиши ўз-ўзидан Марказий Осиё геосиёсий аҳамиятининг кўтарилишига олиб келди. Бу жараён минтақанинг ташқи дунё билан халқаро сиёсий,

<sup>10</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон. 1997. - 116 б.

иқтисодий ва маданий алоқаларининг кескин ривожланганлигига кузатилди. Албатта бунга нафақат сиёсий, балки улкан иқтисодий асос ҳам бор. Узоқ йиллар давомида хом ашё базаси бўлиб келганлигига қарамасдан, Марказий Осиё минтақаси табиий захиралар бўйича ҳозирга қадар дунёдаги энг бой худудлардан ҳисобланади. Бу қўрсаткич минтақанинг иқтисодий салоҳиятининг улкан эканлигидан далолат берса, минтақанинг маданий, тарихий, илмий–маънавий бойлиги унинг моддий имкониятларидан кам эмаслигини қўрсатмоқда.

Масалан серҳосил водийлар ва воҳаларни ўз ичига олган 448,8 минг кв км худудга эга бўлган Ўзбекистон 34 миллион аҳоли (2020)си билан демографик қўрсаткичлар бўйича биринчи ўринни эгаллади.



Худудий жиҳатдан энг йирик ва асосан текисликлардан иборат Қозогистон эса 2,72 млн. кв. км ҳамда 18,61 млн аҳолига эга (2020). Чўллар ва ва чалачўлларни ўз ичига олган 491,2 минг кв км худудга эга бўлган Туркманистонда 5,69 млн. аҳоли истиқомат қиласди<sup>11</sup>. 199,9 минг кв кмлик тоғли ва водий худудга эга Қирғизстонда 6,38 млн аҳолига (2018) ва 141,4 минг кв км худудга эга бўлган Тожикистонда эса 9,12 млн аҳоли яшайди (2019)<sup>12</sup>.

Ҳар бир республиканинг демографик қўрсаткичлари минтақанинг геосиёсий манзарасини аниқроқ тасвирлаб беради. Шу нуқтаи–назардан бевосита ҳар бир республикадаги бу борадаги вазиятга назар ташлаймиз.

Минтақа нафақат демографик, балки иқтисодий жиҳатдан ҳам улкан захираларга эга. Минтақанинг иқтисодий салоҳияти унинг геосиёсий аҳамиятини белгиловчи энг муҳим омиллардан ҳисобланади. Ана шу иқтисодий салоҳият минтақани тўлиғича ёки қисман геосиёсий таъсир доирасига тортилишига олиб келиши мумкин.

Маълумки, «манфаатлар тўқнашуви» анча йиллар мобайнида Афғонистон худудида рўй бериб келди. Геосиёсий қарама-қаршилик саҳнасининг Каспий атрофи ёки минтақанинг бошқа худудларига кўчиш эҳтимоли бот бот қайд этилади. Янги–янги энергетика захираларини излаб топишга бўлган эҳтиёж етакчи давлатларни ушбу захираларнинг дунё бўйича энг бой худудлари томон, хусусан Марказий Осиё томон чорлаб туради. Табиий захираларга бой Марказий Осиёда миллатлараро, худудий негизда турли муаммоларнинг келиб чиқаришга уринишлар бўлиши табиий.<sup>13</sup> З.Бзежинскийнинг “Евросиё болқонлари” борасидаги фикри мустақиллик

<sup>11</sup> <https://countrymeters.info/ru/Turkmenistan>

<sup>12</sup> <http://www.tj.spinform.ru/people.html>.

<sup>13</sup> Бзежинский З. Великая шахматная доска. Москва. «Международные отношения» 2000. - Б. 151.

даврида узоқ йиллар маҳаллий олимларнинг диққатини тортган эди<sup>14</sup>. Бундай башоратларга қарамасдан, Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги “совуқлик” турли омиллар туфайли урушга айланмади.

Улкан табиий захираларга эга эканликлариға қарамасдан Марказий Осиё республикаларининг географик ноқулай шарт-шароити, аникроғи энергетик захиралар истеъмол бозоридан узоқда жойлашганлиги ҳамда ушбу бозорга чиқиш йўлларининг мураккаб геосиёсий характеристи туфайли мавжуд геостратегик салоҳиятдан бевосита фойдаланиш имкониятлари чекланган. Марказий Осиёнинг ҳеч бир республикаси очиқ дengизга чиқиш йўлларига эга эмас.

Географик шароитнинг иқтисодий жиҳатдан ноқулай эканлиги ҳамда бу борадаги тинимсиз тортишувларга қарамасдан, мутахассислар минтақадаги «қувватлар ташқарига интилган» тақдирда бу мақсадни амалга ошириш мумкинлиги тўғрисида фикр билдиришади<sup>15</sup>.

Марказий Осиёдаги давлатлар мустақил тараққиёт йўлидан бораётган бўлсаларда ундаги табиий бойликларни ўзлари дунё бозорига бевосита олиб чиқишилари учун чекланган имкониятга эга. Чунки Евроосиё қирғоқларидан Марказий Осиёнинг қоқ ўртасида жойлашган Ўзбекистонга кириб келиш учун камида икки давлат чегарасини кесиб ўтиш керак.<sup>16</sup> Бошқача айтганда, ҳозиргача Марказий Осиёга фақат ҳаво йўллари орқалигина бемалол кириш мумкин. Минтақанинг турли йирик сиёсий бирликлар ҳисобланган Хитой, Ҳиндистон, Эрон ва Россия ўртасида жойлашганлиги етакчи давлатларнинг ушбу ҳудуд марказига йўналиш учун ўзига хос мураккабликлар тугдиради. Табиий захираларни ишлатиш, нефт ва газ қувурларини бирор-бир йўналиш орқали очиқ дengиз портларига олиб чиқиш учун бир неча давлат ҳудудидан ўтиш керак ва албатта бундай ишни етакчи трансмиллий компаниялари билан шартнома тузгани ҳолда амалга ошириш мумкин. Аммо айнан Евроосиёдаги табиий захиралар устида етакчи давлатлар ўртасида манфаатлар тўқнашуви мавжуд.<sup>17</sup> Демак иқтисодий лойиҳаларни амалга оширишда имкон қадар манфаатлар тўқнашуви эмас, балки ўзаро кесишувчи манфаатлар тугунини яратиш йўлидан бориши талаб этилади.

Каспий туби ва атрофида, айниқса Тенгиз, Қорачиғаноқ, Кашаган, Узен конларида улкан захиралар жойлашганлигини эътироф этишмоқда. Шу туфайли, дунёдаги энг етакчи давлатлар бир неча йиллардан буён Каспий дengизи остидаги нефт захираларини ўзлаштириш учун кураш олиб боришар

<sup>14</sup> Хасанов У. Региональная безопасность и национальные интересы (центральноазиатский регион). - М.: 2004. -С. 65.

<sup>15</sup> Альблон А.С. Центральная Азия: Средиземье Евразийского материка // Общественное мнение.- Ташкент, 1998.- № 1. -С. 37-41.

<sup>16</sup> Хасанов У. Региональная безопасность и национальные интересы (центральноазиатский регион). - М.: 2004. - 192 с.

<sup>17</sup> Mher D Sahakyan. Russia, China And Central Asia: Cooperation over Competition // Asia Global Online. February 6, 2020

экан, натижада минтақа атрофида турли сиёсий ўйинлар уюштирилганлигини эслаш мумкин.<sup>18</sup>

Маълумки бу кураш Каспийнинг ҳуқуқий мақоми билан боғлиқ. Аввал бошда Каспийнинг халқаро мавқеи муаммоси пайдо бўлган бўлса, кейинроқ унинг «денгиз» ёки «қўл» эканлигини қайтадан белгилаб олиш масаласи кўтарилди. Ундан кейин эса Каспий ости захираларидан ўзаро фойдаланиш бўйича Қозоғистон, Россия, Эрон, Озарбайжон ва Туркманистон ўртасида зиддият келиб чиқди.



Ўтган 22 йил давомида ишчи гурух томонидан 50 маротаба ўтказилган учрашувлар, кўплаб натижасиз музокаралардан сўнг 2018 йилнинг 12 августида Каспийнинг ҳуқуқий мақоми 5 давлат раҳбарлари иштирокида ўз якунини топди. Очик денгизга чиқиш йўлига эга бўлмаганлиги туфайли, халқаро денгиз ҳуқуқи нормаларини қўллаш мумкин эмаслиги туфайли ўзаро келишувга кўра сув ҳавзасининг туби денгиз, сув қисми эса қўл сифатида баҳоланди ва жами 24 банддан иборат Конвенция қабул қилинди.

Туркманистон минтақа атрофида кечеётган асосий геосиёсий жараёнларда бетарафликни афзал кўради. Қирғизистон ва Тожикистон мустақиллик йилларида геосиёсий таъсир остида рўй берган мураккаб жараёнларни бошидан кечирди. Бу минтақадаги давлатларнинг иқтисодий имкониятлари ва сиёсий ривожланиши етакчи давлатлар томонидан доимий кузатувда эканлигини кўрсатади. Шунга қарамасдан минтақа давлатлари имкон қадар кўп векторли ташқи сиёsat олиб бормоқда.

И.Каримов мустақиллик даврида Марказий Осиё давлат раҳбарлари ва бутун МДҲ давлат раҳбарлари учун жиддий сиёсий етакчи бўлган. Айнан у олиб борган прагматик ташқи сиёsat туфайли Ўзбекистон минтақавий хавфсизликнинг асосий омили сифатида намоён бўлган эди. Минтақада ўзаро таранг муносабат сақланган бўлсада, аммо минтақавий хавфсизликка путур етказмаган эди.

Ш.Мирзиёев давлат тепасига келгандан кейин Марказий Осиёда узоқ йиллар давомида унутилаётган минтақавий интеграция эпкинлари эса бошлиди. Минтақада ўзаро ишонч руҳи пайдо бўлди ва Ўзбекистон раҳбарининг ташаббуслари туфайли узоқ ва яқин давлатлар минтақа билан

<sup>18</sup> Эжиев И.Б. Геополитические процессы в Каспийском регионе в 90-е гг. XX - начале - XXI в.: Дис. ... канд. полит. наук. -М., 2005. - 171 с.

муносабатда янги ёндашувга ўтдилар. Узоқ йиллар “ёпиқ мінтақа” сифатида қабулланған Марказий Осиёга бугун сармоя кириши жадаллашмоқда.

Марказий Осиёда қадимдан мавжуд бўлган Буюк Ипак йўлининг иқтисодий аҳамияти тезлик билан қайта жонлана бошлади. ХХР дан Европа иттифоқи йўналишида қурилаётган Буюк Ипак йўли Иқтисодий Белбоғи (SREB) лойиҳаси бунга яққол мисолдир. Бу Марказий Осиёни ҳам ўз ичига олган улкан Белбоғ Йўл Ташаббуси (BRI) лойиҳасининг бир бўғинидир. Марказий Осиёни кесиб ўтувчи темир ва автомагистраллар мана шу улкан лойиҳанинг ишга тушганлигини англатиб, мінтақа иқтисодий имкониятлари ва ўз-ўзидан сиёсий аҳамиятининг кўтарилишига олиб келади.

Геосиёсат нұқтаи–назаридан Ўзбекистон Марказий Осиёнинг марказини эгаллаган ҳамда муҳим стратегик мавқега эга бўлган давлат эканлиги халқаро эксперталар ва давлат арбоблари томонидан тан олиниб келинади<sup>19</sup>. Сиёсий, иқтисодий ҳамда маънавий салоҳияти нұқтаи–назардан ўзига хос аҳамиятга эга бўлган бу мамлакат демографик кўрсаткичлари бўйича бошқа республикаларга нисбатан юқори мавқега эга. Бошқача айтганда Марказий Осиё мінтақасининг 40% аҳолиси фақат Ўзбекистонда истиқомат қиласди. Кўшни республикаларнинг Ўзбекистонга чегарадош бўлган барча маъмурий худудларида ўзбеклар маҳаллий элатлар билан биргалиқда истиқомат қиласди. Кўпмиллатли худудларда бағрикенглик, урф–одатларни эъзозлаш, анъаналарга амал қилиш, бақамти яшаётган элатлар ўртасида барқарорликни таъминлаб беради. Турли элатлар биргалиқда истиқомат қиласиган худудларда тўй, маърака, таъзия, ҳашар ёки бошқа ижтимоий тадбирларда миллат ажратилмайди. Кўпгина ҳолларда бу борада ўзбекларнинг мінтақада нафақат географик, балки этно–маданий нұқтаи–назардан ҳам муҳим боғловчилик вазифасини кузатиш мумкин.

**Хулоса қилиб айтганда мінтақанинг геосиёсий мавқеи қуйидаги омиллар билан белгиланмоқда:**

Марказий Осиёнинг геосиёсий мавқеи аввало унинг иқтисодий имкониятларидан келиб чиқмоқда. Бу борада энг манфаатли ҳамкорлар билан иш олиб бориш муҳим аҳамиятга эга. Мінтақада етакчи давлатларнинг манфаатлари шаклланиб бормоқда. Буни мінтақа давлатларининг ташқи савдо шериклари билан экспорт-импорт кўрсаткичлари намоён этади.

Марказий Осиёда диний, миллатлараро муносабатлар, худудий муаммолар, сув тақсимотига оид масалалар ташқи кучлар томонидан қўллаш мумкин бўлган мінтақавий бекарорлик омили бўлиб қолади. Шу нұқтаи–назардан, миллатлараро муносабатларда барқарорликни сақлаш мінтақавий хавфсизликнинг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, мінтақада сув тақсимоти масалаларида ҳукуматлараро ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга. Республикалар ўртасида чегаралаш ишларини охирига етказиш ва бу масалада муаммо қолдирмаслик бутун мінтақавий хавфсизликни

<sup>19</sup> Бжезинский З. “У демократии нет готовых формул”. Беседа журналиста Ш.Кудратходжаева с консультантом Центра стратегических и международных исследований США проф. Збигневом Бжезинский. [www.centrasia.org](http://www.centrasia.org).13.11.2003.

мустаҳкамлайди. Минтақада коммуникацион тизим яратиш унинг иқтисодий ва сиёсий аҳамиятини ошишига олиб келувчи омилдир. Бунга республикалар манфаатларининг солиштириш, музокаралар орқали эришиш мумкин.

Таълим, маданият ва маърифат, фуқаролик институтларининг ўзаро ҳамкорлик ҳам минтақавий барқарорликнинг муҳим омилдир. Хорижий ташкилотлар амалга ошираётган фаолият ва тадбирларнинг минтақа ижтимоий–сиёсий ҳаётига таъсири илмий ва амалий тадқиқотлар обьекти бўлиб қолади. Минтақанинг иқтисодий имкониятларини ишга солишда геосиёсий рақобат омилини мунтазам ҳисобга олиш зарур. Зеро давлатлар беихтиёр бундай рабоқатга қўшилиб кетиши ва геосиёсий қарама-қаршилик обьектига айланиб қолиши мумкин. Бу эса республикалар ўртасида қийинчилик билан ўрнатилган ҳамкорликка птур етказади.

Геосиёсий рақобатга қўшилиш иқтисодий гигантлар манфаатларининг курбонига айланиб қолишига олиб келишини Украина мисолида кузатилди. Тенг манфаатлар асосида ҳамкорлик ўrnата билиш дунё иқтисодий тизимиға тадрижий ҳамда қонуниятли интеграциялашувга, шу билан бирга минтақа геосиёсий аҳамиятининг янада кўтарилишига олиб келади.

## **2-савол. Ички ишлар органлари ходимларининг мафкуравий таҳдидларга қарши қураш борасидаги вазифалари**

Ҳар бир ички ишлар органи ходими фидойилик, ватанпарварлик, юксак ҳуқуқий маданиятлилик борасида атрофдагиларга ўrnак бўлиши, шахсий намуна кўрсатиши лозим.

*Ички ишлар органи ходими фуқаролар, айниқса ёшларнинг ёт гоялар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш учун уларнинг зарарларини – мамлакат осойишталигига ражна солиши, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларимизни йўқотишга, одамларни бир-бирига қарама-қарши қўйишга қаратилганлигини ҳар тамонламали батофсил, аниқ мисоллар билан тушунтириши лозим.*




Ўз маҳалласи, туманидаги вазиятдан, одамларнинг қайфиятидан хабардор бўлиши, имкон қадар маҳалладаги тўй-маърақалар ва бошқа тадбирларда фаол қатнашиши, қўни-қўшнилари, маҳалладошлари билан дўстона муомалада бўлиши лозим, токи улар ходимни ўз яқини, маслаҳатчиси деб билсин, ўз сирлари, муаммолари билан ўртоқлашсин. Унутмаслик керакки, ходимнинг уларга бўлган самимий муносабати ўз навбатида фуқароларнинг ички ишлар органларига, бинобарин давлат ҳокимиятига муносабатини белгилайди;

Сир эмаски, жамиятда, айниқса, ёшлар ўртасида маънавий иллатларнинг кучайиши, билимсизлик, худбинлик, бекорчилик, лоқайдлик, маҳаллалардаги оилавий муаммоларга эътиборсизлик охир-оқибатда турли ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг ўсишига сабаб бўлади. Бинобарин, касални даволагандан кўра унинг олини олиш осонлиги маълум экан, ички ишлар органлари ходимлари (айниқса, профилактика инспекторлари) мана шу масалаларга доимий эътибор қаратиши, маҳалла, меҳнат жамоалари, фуқаролар орасида, айниқса, таълим муассасаларида доимий равишда ҳуқуқий тарғибот, тушунтириш ишларини олиб бориши, олиб борганда ҳам юзаки тарзда, хўжакўрсинга эмас, бу масалага ўта катта масъулият билан ёндашиб, пухта тайёргарлик билан ташкил этиши, худудий ҳокимият вакиллари, маҳалла фаоллари, аҳоли ўртасида обрўли, кўпни кўрган кишиларни, таълим муассасаларининг раҳбарларини жалб этган ҳолда турли қўргазмали воситалар, аниқ ҳаётий мисоллардан фойдаланиб масаланинг моҳиятини, муаммонинг сабаб-оқибатларини ёритиб беришлари, аниқ ечимларини таклиф этишлари лозим.

Шундан келиб чиқиб, ички ишлар органи ходимлари туар жойларда, маҳаллаларда, мактаб, коллеж, лицей ва институтларда ўtkазиладиган барча учрашувлар, бевосита мулоқотлар, турли кечалар ва йифинларда «Оммавий маданият» нинг юқорида келтириб ўтилган салбий иллатлари ҳақида тушунчалар бериши, ўзбек халқининг ким эканлигини, кимларнинг авлодлари-ю, аждодлари ким эканлигини халқнинг онгига сингдириши, мамлакатимиздаги фуқароларимизни **“Оммавий маданият”** таъсирига тушмаслиги учун ҳар-бир фуқаронинг билим савиясини, ҳушёrlигини ошириши, фарзандлар тарбиясига жиддий эътибор қаратишини, интернетдан тўғри фойдалана олишликни, бўш вақтларини самарали ташкил қилишликни муентазам равишда тарғибот-ташвиқот қилишлиги, компьютер ва интернет клубларни, дисклар сотилаётган жойларни, соат 22.00дан кейин ресторан, кафе, бар ва қўнгилочар жойларни муентазам назорат қилиши, «Оммавий маданият» га қарши курашишда жамиятнинг ҳамма буғини бир бўлиб, бир ёқадан бош чиқариб, фидойилик кўрсатсагина, бу «Оммавий маданият» жамиятимиздан сиқиб чиқарилишига эришган бўламиз.

*Мир Алишер Навоий бобомиз ахборотнинг шахс, жамият ҳаёти, тутган аҳамиятини юксак баҳолаб, бундан беш аср олдин **«Агар огоҳсен сен, шоҳсен сен»**, деган бебаҳо сатрлари ҳозирги даврда ҳам ўз аҳамиятини заррача ҳам йўқотган эмас.*



Демак, жамият ҳаётида кечаётган жараёнларни таҳлил қилиш, турли ғоявий-мафкуравий таҳдидлардан огоҳ бўлиш, хориждан кириб келаётган мамлакатимиз манфаатлари, миллий анъана ва қадриятларимизга ёт ғоя ва қарашлар қандай мақсадни кўзлаётганини англаб етиш ҳамда бу борада

оммавий ахборат воситалари, радио телевидение каналлари орқали аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида изчил тарғибот ишларини йўлга қўйиш керак. Халқимиз иродаси билан танлаб олинган бу йўлдан ҳеч қандай куч ҳеч қачон қайтара олмайди.

Ана шундай ҳолатларнинг олдини олиш борасида биз қуидаги самарали ишларни бажаришимиз зарур:

1. Мамлакатимизда олиб борилаётган изчил ижтимоий-иктисодий сиёсатнинг моҳияти ва бошқа мақсади фуқароларимизнинг тинчлиги ҳамда хотиржам турмуш тарзини таъминлашга қаратилганини, Президентимиз олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатнинг устивор йўналишларининг мазмунини, кундалик иқтисодий қийинчиликларнинг ўткинчи эканлигини халқимизга, айниқса ёшларга кенг тушунтириб беришимиз лозим.



2. Экстремистик оқимлар тарафдорлари томонидан конституцион тузумга қарши қаратилган ҳатти – ҳаракатларнинг олдини олишда Президентимизнинг **«Ғояга қарши ғоя билан курашиб керак»**-деган шиори асосида оммавий ахборат воситаларида кўпроқ мазкур оқимларнинг мафкурасини танқид қилиб, уларнинг кирдикорларини фош этувчи мақолалар билан фуқаролар йигинлари раислари, кархона ва ташкилот раҳбарлари, масjid, имомлари, зиёлилари ҳамда бошқа барча онгли, саводли ва савияли фуқароларимиз томонидан қилинган чиқишилар ниҳоятда самарали бўлади. Бу тадбирни режа асосида, мунтазам равишда олиб борилишини мутасадди раҳбарлар томонидан алоҳида назоратга олиниши шарт.

3. Республикаимиз Конституциясида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тўлиқ кафолатланган. Шу билан бирга, Жиноят Кодексида давлатимизнинг Конституцион тузумига қарши қаратилган жиноятлар учун қаттиқ жазо чоралари белгиланганлиги, Давлат тузумига қарши жиноят содир этган шахслар нафақат ўзларига балки, ўзларининг фарзандлари ва набиралари тақдирига ҳам маънавий жихатдан салбий таъсир кўрсатаётганликларини тушунтиromoқ керак. Чунки уларнинг ҳаракатлари, аввало ўз Ватанига ва халқига хиёнат қилишидан иборатdir.

4. Республикаизда қонун устиворлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар сифати ва самарадорлигини ошириш, миллати, дини, мансаби ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар қонун олдида барчанинг тенг эканлигини уқтириш, “Оммавий маданият”, вайронкор ёт ғояларни халқ мутлақо қўллаб қувватламаётганини айниқса, уларга нафрат билан қарашаётганини баъзи бир уларнинг измига юрмоқчи бўлганларга ўз вақтида етказиш.

5. Диний ақидапарастлар томонидан оммавий тартиббузарликларни тарғиб қилувчи харакатларнинг олдини олиш тадбирларини ўтказиш, ушбу мақсадда хокимият, ўз-ўзини бошқариш фуқаролар йигини фаоллари, давлат ташкилотлари раҳбарлари ҳамда халқ депутатлари билан ҳамкорликда меҳнат жамоалари ва ёшлар билан учрашувлар ташкил этиш. Бунда қишлоқ жойларида ўтказиладиган учрашувларга алоҳида эътибор бериш. Учрашув жараёнида диний ақидапарастларнинг асл ниятлари, уланинг орасида турган кучлар, мамлакат барқарорлигига, халқлар бирлигига, мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислохотларга зарба бериш мақсадида олиб борилаётган ғайри қонуний, миллатимиз манфаатига зид харакатларни халққа тушунтириш керак.

6. Ҳар бир маҳалла фаоллари ўзларининг маҳаллаларидаги ҳисобда турган диний ақидапарастлар билан якка тартибда учрашиб, тегишли тарбиявий ишлар олиб бориш, бу ишда ота-оналар ва яқин қариндошлар ташаббускорлигини таъминлаш, уларнинг таъсрини ҳисобда турган шахсга ўтказиш чораларини кўриш, имкон даражасида ҳисобда турган диний ақидапарастларни маҳалла фаоллари ва уларнинг мансабдор ҳамда обрўли қариндош-уруғлари кафиллигига бериш.

7. Корхона, ташкилот, муассаса раҳбарлари ички ишлар органлари билан яқин ҳамкорликда бўлиб, барча масалаларда яқиндан ёрдам бериб, қўл остида ишлаётган диний ақидапарастлар билан якка тартибдаги тарбиявий ишларни ўтказиш ва уларни орган раҳбарларининг кафиллигига бериш.

8. Ўрта мактаблар, коллежлар, техникум ва олий ўкув юрти раҳбарлари ички ишлар органлари ходимлари ёрдамида диний ақидапарастлик йўналишига мансуб талабалар ва ўқитувчилар рўйҳатини тузиб, улар билан якка тартибда шахсан сухбат ўтказиш ва раҳбар ходимларнинг кафиллигига топшириш.

9. Маҳалла қўмитаси раислари профилактика инспекторлари билан биргаликда барча мажлисларда учрашувлар ўтказиб, қарияларни ёшларга насиҳат қилишга ундаш. Мафкуравий таҳдидлар нима эканлигини оммага тушунтириш ишларини йўлга қўйиши.

10. Республикаиздаги барча хотин-қизлар қўмиталарининг фаоллигини ошириб, хотин-қизлар ўртасида жиноятчиликка ва экстремизмга қарши тарғибот-ташвиқот ишларини маҳалла фаоллари билан биргаликда олиб боришни ташкил этиш ва маъсул органлардан жавобгар вакилларни тайинлаш.

11. Туар жойларда, маҳаллаларда, меҳнат жамоаларида ўтказиладиган барча учрашувлар, бевосита мулоқатлар, турли кечалар ва йиғинлар аҳолининг фуқаролик бурчини ҳис қилиш, мамлакатимиздаги барқарорликни

ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда ҳар-бир фуқаронинг фаоллигини ошириш, давлат ва жамият олдидаги мажбуриятларни бажариш бўйича ташвиқот-тарғибот ишларини олиб бориш.

12. Маҳаллаларда, жамоат ва оммавий тадбирлар ўтказиладиган жойларда, меҳмонхоналарда, бозорларда кенг омма тўпланадиган истироҳат боғларида, йирик спорт мажмуаларида хавфсизликни ва жамоат тартибини сақлаш борасида маҳаллий ҳокимият идоралари ва ички ишлар органлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиши.

13. Мафкуравий ва маънавий таҳдидларга қарши кураш борасида, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва жамоат ташкилотлари вакиллари билан ҳамкорлигимизни кучайтириб, уларнинг хушёrlигини оширишимиз, улуғ мутафаккирларимизнинг бебеҳо меъросини халқимизга, ёшларимизга тушунарли қилиб, етказиб беришимиз керак. Фуқароларимиз Ислом динининг асл моҳиятини англаб етсаларгина, уларнинг онгиidi ҳар хил зарарли ғояларга ўрин қолмайди.

14. Республикаизда жиноятчиликнинг содир этилишига асосий омил бўлиб келаётган ишсизликни каматириш мақсадида ҳокимият идоралари томонидан ҳудудларда қўшимча иш жойларини ташкил қилиш асосий вазифалардан бири бўлиши керак.

Агарда ҳаммамиз бир бўлиб, бир ёқадан бош чиқариб, мана шу айтиб ўтилган тадбирларни тўлиқ амалга оширсак, халқимиз, юртимиз хавфсизлигини таъминлаган бўламиз.

### **Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:**

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 20 декабрдаги Ўзбекистон халқи ва Олий Мажлисига мурожаатномасини ўқиб-ўзлаштириш.

### **Назорат учун саволлар:**

1. Марказий Осиёда геосиёсий манфаатлар тўқнашуви нимада ?
2. Мафкуравий тажовуз нима ?

## ТАХМИНИЙ ТЕСТ САВОЛЛАРИ:

### **1-мавзу бўйича:**

1. Янги Ўзбекистон стратегиясининг асосий ғоя ва бош мезони сифатида кўйилган тамойил бу - ?
2. Таракқиёт стратегияси бўйича энг устувор вазифалар этиб белгиланмади?
3. Эркин фуқаролик жамиятини ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш, инсон қадри-қўммати ва унинг қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган ислоҳотларнинг асосий ғояси бу - ?
4. Миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор вазифалари бўлиб ҳисобланмайди?
5. Адолатли ижтимоий сиёsat юритиш ва инсон капиталини ривожлантиришнинг асосий омили бўлиб ҳисобланмайди?
6. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида маънавий ва маърифий соҳаларда ислоҳотларни амалга ошириш йўналишлари бўлиб ҳисобланмайди?
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон стратегияси” китоби қачон чоп этилган?
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон стратегияси” китоби неча бўлимдан иборат?
9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон стратегияси” китоби неча параграфдан иборат?
10. Президенти Шавкат Мирзиёевнинг сайловолди дастури қандай номланади?

### **2-мавзу бўйича:**

1. Давлатимиз раҳбари 2022 йилни ғоят мураккаб ва синовли йил бўлди деб 2022 йилда дунёда рўй берган қандай воқеалар ҳақида гапирди?
2. Нима учун Ўзбекистон жаҳон сиёсати марказларидан бирига айланмоқда?
3. Юртбошимиз ўзининг маъruzalariда Конституциямиз ва қонунларимизга ҳам, кундалик ҳаётимизга ҳам қандай ғояни чуқур сингдиришимиз кераклиги ҳақида гапирди?
4. Президентимиз асосий қонумизни такомиллаштириш борасида ҳозирги кунга қадар қанча таклиф келиб тушгани ҳақида айтиб ўтдилар?
5. Мурожаатномада Президентимиз 2023 йилги режаларни тўғри кўйиш учун халқимиздан қанча таклиф келиб тушганлигини ва аҳоли давлатдан нималарни кутаётганлиги ҳақида гапириб ўтди?
6. Келгуси 2023 йилга қандай ном берилди?
7. Давлатимиз раҳбари 20 декабрь 2022 йилда Олий Мажлисга Мурожаатномасида қайси алломаларимизнинг хикматларидан келтириб ўтди?
8. Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга мурожаатида коррупция ҳақида нималар деди?
9. Давлат раҳбари бевосита ички ишлар соҳасига алоқадор қандай айни вақтдаги оғриқли масала ҳақида гапирдилар?
10. Давлат раҳбари 20 декабрь 2022 йилдаги Олий Мажлисга мурожаатномасида 2023 йилдаги устувор йўналишларга тўхталиб, неча йўналиш ҳақида айтиб ўтдилар?

### **3-мавзу бўйича:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қачон қабул қилинган?

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотлари доирасида республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қачон қабул қилинган?

3. Янги ўзбекистон маъмурий ислоҳотларининг мақсади нималардан иборат?

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Стратегик ислоҳотлар агентлиги кенгашининг Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларининг биринчи босқичи доирасида 2023 йил 1 январдан бошлаб сонини нечтагача қисқартириш бўйича таклифи маъқулланди?

5. 2023 йил 1 январдан бошлаб ихчам, профессионал бошқарув тамойилларига асосланган ва самарадорликка йўналтирилган республика ижро этувчи ҳокимият органларининг қайси бўлинмаларини ўз ичига оладиган яхлит тизим маъқулланди?

6. Республика ижро этувчи ҳокимият органларининг неча мингга яқин функциялари хатловдан ўтказилиб, нечтага яқин тақрорланадиган, ўз аҳамиятини йўқотган ҳамда амалга ошириш механизmlари билан таъминланмаган функциялар аниқланган?

7. Адлия вазирлиги Функциялар ягона реестрини электрон тарзда юритиш имконини берувчи қандай автоматлаштирилган онлайн ахборот тизими юритилади?

8. Рақамлаштирилган давлат бошқаруви моделига ўтиш мақсадида 2023 йил 1 январдан бошлаб, синов тариқасида, Адлия вазирлиги тизимида идоравий буйруқ, қарор ва фармойишларни қандай электрон тизими орқали қабул қилиш ва эълон қилиш амалиёти йўлга қўйилади?

9. 2023 йил 1 сентябрдан бошлаб барча республика ижро этувчи ҳокимият органларида буйруқ, қарор ва фармойишларни қандай электрон тизими орқали қабул қилиш ва эълон қилинади?

10. Ҳудудларга хизмат сафарларини қисқартирган ҳолда жойлардаги муаммоларни аниқлаш учун худуд билан ишлашнинг замонавий технологияларга асосланган қандай тизим жорий этилади?

### **4-мавзу бўйича:**

1. Ўзбекистон Республикаси Жамоат Хавфсизлиги Концепцияси қачон қабул қилинган?

2. Президентимизнинг ПФ-27-сонли фармони масъул давлат тузилмаларига ўз фаолиятини қайси устувор ғоя асосида янада такомиллаштириш вазифасини юкламоқда?.

3. Жамиятнинг қонунга хилоф тажовузлар, ижтимоий ва миллатлараро низолар, фавқулодда вазиятлар ва бошқа таҳдидлардан химояланганлик ҳолатига нима дейилади?

4. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятининг асосий тамойилларидан бирини кўрсатинг?

5. Жамоат хавфсизлигини таъминловчи субъектлардан бирини кўрсатинг?

6. 2022 - 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш Стратегияси қайси норматив ҳуқуқий хужжат билан тасдиқланган?

7. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегиясида белгиланган чора-тадбирларнинг самарали бажарилишини ташкил этиш учун қайси орган шахсан масъул ҳисобланади?

8. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятининг таркибий қисмларини ифодаловчи Ички ишлар вазирлиги таълим муассасалари ўкув жараёнида қандай фанни жорий этиш назарда тутилган?

9. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегиясида қандай идоралараро кўкрак нишонини таъсис этиш белгиланган?

10. Жамоат тартибини сақлашга жалб қилинган бўлинмаларнинг ахборот тизимлари базасида қандай ягона автоматлаштирилган ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга тўлиқ татбиқ этиш белгиланган?

### **5-мавзу бўйича:**

1. Мамлакатда 2026 йил якунига қадар камбағалликни неча бараварга қисқартириш белгиланган?

2. Ўзбекистонда қонуний меҳнат миграциясини таъминлаш мақсадида қанча фуқарони хорижий меҳнат миграциясига юбориш режалаштирилган?

3. Ижтимоий нафақа тайинлаш мезонларига жавоб берадиган барча эҳтиёжманд аҳолининг қанча фоизини ижтимоий ёрдам дастурлари билан қамраб олиш белгиланди ?

4. Ўзбекистон БМТнинг қайси ташаббусини илгари суриш учун барча шериклар билан яқин ҳамкорликни давом эттириши режалаштирилди?

5. Хорижий давлатларда ўзбек тили, маданияти ва миллий анъаналаримизни кенг оммалаштириш, гуманитар алоқаларни мустаҳкамлашдан иборат бўлган қандай халқаро институтни ташкил этиш режалаштирилди ?

6. Тараққиёт стратегиясида чет элларда Ўзбекистоннинг ютуқларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш учун қандай ресурсларни жалб этиш белгиланди?

7. Тараққиёт стратегиясида жаҳон ҳамжамиятида мамлакатимиз имиджини ошириш мақсадида қайси ахборот агентлиги фаолиятини қўллаб қувватлаш чораларини кўриш белгиланди?

8. БМТнинг маълумотларига кўра, Ер юзида қанча одам қашшоқликда кун кечиради?

9. Дунё бўйича меҳнат мигрантларининг ўз юртларига юборадиган хар ийлги маблаглари қанча миқдорни ташкил этади?

10. 2020 йилда БМТ маълумотларига кўра дунё бўйича мигрантлар сони қанча кишини ташкил этади ?

## **6-мавзу бўйича:**

1. Геосиёсат тушунчасини белгиланг?
2. Геосиёсий манфаатлар моҳиятини тарифланг ?
3. Ахборотлар уришининг моҳияти нимага қаратилган.?
4. Марказий Осиёда геосиёсий манфаатлар тўқнашуви нимада ?
5. Минтақанинг геосиёсий мавқеи нималар белгилайди ?
6. Марказий Осиё географик жихатдан қандай ҳудуд ?
7. Мафкура тушунчасини таърифлаб беринг ?
8. Мафкуравий иммунитет тушунчасининг моҳияти ?
9. Мафкуравий тажовуз нима ?
10. Мафкуравий хавфсизлик тушунчасини изоҳлаб беринг ?

## ГЛОССАРИЙ

### 1-мавзу бўйича:

**Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси** - фуқароларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги иштирокини кенгайтириш, уларнинг орзу-интилишларини рўёбга чиқариш, илғор ташаббусларини амалга ошириш, ҳаётий муаммоларини ҳал этиш, турмуш даражасини юксалтириш, мустақил равишда ўз моддий фаровонлигини ошириши учун етарли ва зарур шароитларни яратиш деганидир.

**Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси** - Ўзбекистонни кейинги 5 йилда ривожлантиришнинг 7 та устувор йўналиши доирасида 100 та мақсадга эришишга қаратилган ва 2022 йилда амалга оширилиши лозим бўлган 398 та чора-тадбирни ўз ичига олган дастур.

**Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг мақсади** - юртимизнинг баҳтли ва баркамол инсонлар фаровон яшайдиган, ижтимоий адолат тамойиллари тўлиқ қарор топган, дунёнинг энг ривожланган, барқарор ўсаётган ва инсон капитали юқори бўлган демократик давлатлари қаторидан жой олишини таъминлашdir.

**Янги Ўзбекистонни барпо этиш** - бу шунчаки хоҳиш- истак, субъектив ходиса эмас, балки туб тарихий асосларга эга бўлган, мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий-хуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий вазиятнинг ўзи тақозо этаётган, ҳалқимизнинг асрий орзу-интилишларига мос, унинг миллий манфаатларига тўла жавоб берадиган объектив заруратdir.

**Янги Ўзбекистон тушунчаси** - ҳалқимизнинг азалий орзуси бўлиб, тарихий тараққиётнинг барча даврларида миллатнинг етук вакилларини уни рўёбга чиқариш йулида амалий харакатларга ундан келган буюк ғояси.

**Янги Ўзбекистон** - “Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари ҳалққа хизмат қилиши керак” деган хал қилувчи тамойил амалда ўз тасдигини топаётган мамлакатdir.

**Маънавият** - инсонлар ўртасидаги ўзаро ишонч, хурмат ва эътибор, ҳалқ ва давлат келажагини биргаликда қуриш йўлидаги эзгу интилишлар, ибратли фазилатлар мажмуасидир.

### 2-мавзу бўйича:

**Давлат бошлигининг парламентга Мурожаатномаси** – дастурий сиёсий-хуқуқий ҳужжатdir.

**Мурожаатномада** - Президентнинг мамлакатни яқин истиқболда ривожлантиришга доир стратегик йўналишлар бўйича нуқтаи назари баён қилинади.

**Асосий ғоя** - “Аввал – инсон, кейин – жамият ва давлат”.

**Тамойил** - “Жамият – ислоҳотлар ташаббускори”.

**Таълим сифатини ошириш** – Янги Ўзбекистон тараққиётининг яккаю ягона тўғри йўлидир.

**“Хукумат куни”** – ҳар бир вилоятдаги муаммоларни ечиш учун ҳар ойда жойига чиқсан ҳолда, ўтказиладиган йиғилиш.

**Мұхандислик мактаблари** – кимё саноати, электр техникаси, транспорт ва энергетика соқаларыда нуфузли халқаро ташкилоттар билан бирга, алоҳидә мұхандислик мактаблари ташкил қилинади.

**Маҳалла** – тинчлик ва осойишталиқ пойдевори, ахиллик ва ҳамжиҳатлик, маърифат ва тарбия кўргонидир.

**Маҳалла бюджети** – Маҳалла ўзининг муаммосини мустақил ҳал этиши учун ташкил этилган бюджет.

**Яшил макон** - экология ва атроф-муҳитни асрарш бўйича сайдараллар.

### **3-мавзу бўйича:**

**Вазирлик** - тегишли соқаларда ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқувчи ва амалга оширувчи, муайян йўналишда ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолиятини мувофиқлаштирувчи ҳамда тизимдаги раҳбарий фаолиятни яккабошчилик асосида ташкил этадиган республика ижро этувчи ҳокимият органи.

**Қўмита-тегишли соҳа** ичидаги тармоқ фаолиятини мувофиқлаштирувчи ва тартибга солувчи ҳамда тизимдаги раҳбарий фаолиятни коллегиал асосда ташкил этадиган, шунингдек, вазирликнинг ташкилий бўйсунувида фаолият юритадиган республика ижро этувчи ҳокимият органи.

**Агентлик** - асосий вазифаси сифатида тегишли соҳада давлат хизматларини кўрсатиш ва қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳукуқни қўллаш функцияларини амалга оширувчи, шунингдек, вазирлик ташкилий бўйсунувида фаолият юритадиган республика ижро этувчи ҳокимият органи.

**Инспекция** - асосий вазифаси сифатида тегишли соҳа ва тармоқларда давлат назорати ва текширувни амалга оширувчи, шунингдек, вазирлик ташкилий бўйсунувида фаолият юритадиган республика ижро этувчи ҳокимият органи.

### **4-мавзу бўйича:**

**Концепция** (лот. conceptio — мажмua, тизим) — деганда бирор соҳага оид қарашлар, тамойиллар тизими, факт ва ҳодисаларни тушуниш, англаш ва изоҳлашнинг муайян усули, асосий нуқтаи назарини тушунишимиз мумкин.

**Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепцияси** бу - жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини белгиловчи муҳим ҳужжат ҳисобланади.

**Жамоат хавфсизлиги** - жамиятнинг қонунга хилоф тажовузлар, ижтимоий ва миллатлараро низолар, фавқулодда вазиятлар ва бошқа таҳдидлардан (кейинги ўринларда - таҳдидлар) ҳимояланганлик ҳолати бўлиб, у жамиятнинг барқарор ривожланишига хизмат қиласи ҳамда инсоннинг ҳукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишини таъминлайди.

**Жамоат хавфсизлигини таъминлаш** - давлат томонидан жамиятни таҳдидлардан ҳимоя қилиш учун белгиланадиган ҳамда доимий равища

такомиллаштириб бориладиган сиёсий, ижтимоий-иктисодий, хукуқий ва бошқа комплекс ташкилий чора-тадбирларни қамраб олувчи яхлит тизим.

**Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш Стратегиясининг мақсади** - мамлакатда жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича хукуқий, услубий, илмий, ташкилий чораларни ишлаб чиқиш ва самарали амалга оширишдан иборат.

**Ҳудуд методикаси** – жамоат хавфсизлигини таъминлаш, гурухий қонунбузарликлар ва оммавий тартибсизликларни бартараф этиш бўйича янги амалиёт.

**Ягона марказлашган тизим** – жамоат хавфсизлигини таъминлашда хукуқ-тартибот идораларининг куч ва воситаларини бошқаришнинг ташкил этиш.

**Ҳаракатлар протоколи** – профилактик ҳисоб, маъмурий назорат ва пробация назоратидаги шахсларнинг ўрнатилган чекловларга риоя этишини ва уларнинг зиммасига юкланган мажбуриятларни бажаришини таъминлаш, текшириш ва назорат қилиш, шунингдек, ушбу шахсларга тарбиявий ва хукуқий таъсир чораларини қўллаш ҳамда уларни ижтимоий мослаштириш бўйича янги амалиёт.

**«E-jamoat havfsizligi»** ахборот тизими – содир этилган жиноят ва хукуқбузарликларнинг асл омилларини «илмий диагноз» асосида аниқлаш ва «илмий диагноз хулосаси» билан орқали расмийлаштириш тартиби.

**«Хавфсиз хонадон» ва «Хавфсиз ҳовли»** - мулкий турдаги жиноятларнинг олдини олиш, нотинч оиласалар ҳамда оиласавий зўравонлик қурбонлари билан ижтимоий профилактика тадбирларининг янгича ёндашуви.

**«Smart маҳалла»** - Профилактика инспекторига масофадан туриб мурожаат юбориш ва уни кўриб чиқиш жараёнини кузатиб бориш, аҳоли билан ўзаро тезкор мулоқотни йўлга қўйиш, профилактика инспекторлари ва сектор раҳбарлари фаолиятига баҳо бериш бўйича ахборот дастури.

## **5-мавзу бўйича:**

**Геополитика** - (грекча geo -ер politika – давлатни бошқариш санъати)-ташки сиёсатда бирон – бир давлат ёки минтаканинг географик орни, худудий жойлашиши, коммуникацион имкониятларини хисобга олиб юритиладиган фаолият.

**Глобал муаммолар** - умумбашарий ҳаёт ва тараққиёт билан боғлиқ ҳозирги замон муаммолари. Улар жумласига жаҳон термоядро урушининг олдини олиш, халқаро террорчиликка қарши кураш ва барча халқлар учун тинчликни таъминлаш, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасида ижтимоий-иктисодий тараққиёт даражасидаги тафовутни бартараф этиш, очлик, қашшоқлик ва саводсизликни тугатиш, ривожланаётган мамлакатларда аҳолининг тез суръатлар билан кўпаяётганлигини тартибга солиш, атроф муҳит ҳалокатли тарзда ифлосланиб бораётганлигининг олдини олиш; инсониятни керакли ресурслар — озиқ-овқат, саноат хом ашёси, энергия манбалари билан

таъминлаш, фан ва техника тараққиёти салбий оқибатларга олиб келишига йўл қўймаслик кабилар киради.

**Дунёнинг мафкуравий манзараси** - Жаҳонда рўй бераётган ғоявий жараёнлар, мавжуд мафкура шакллари, уларнинг моҳияти, мақсадлари ва ўзаро муносабати билан боғлик ҳолат, хусусият ва фаолиятларни яхлит тарзда акс эттирувчи тушунча.

**Ислом фундаментализми** - Куръон ва хадисларни сўзма – сўз талқин этувчи, илк исломга қайтишга қаратилган ўз ақидаларини кенг тарғиб килувчи, диний консерватив руҳдаги йўналишга нисбатан ишлатилган атама.

**Космополитизм** - (грекча “*kosmopolites*” – дунё фукароси). – «жахон давлати» тузишни ва « жахон фуқаролиги» ни тарғиб килувчи таълимот.

**Экстремизм тушунчаси** - (лотинча «*extremus*» ўта) ижтимоий – сиёсий муаммоларни хал этишда ўта кескин чора-тадбирларни, фикр-қарашларни ёкловчи назария ва амалиёт.

**Маънавий - маърифий тарбия** – ўз ичига миллий меросимизнинг тарихий илдизларини ўрганиш, Ватан озодлиги йўлида қаҳрамонлик кўрсатган буюк аждодларимиз ва жасур замондошларимизнинг ибратли умр йўлини кенг тарғиб этиш.

**Темир дафтар** - камбағал ва моддий ёрдамга муҳтож оиласлар руйхати.

**Миграция** - (лот. *migratio* — кўчаман, жойимни ўзгартираман) — аҳолининг бир жойдан иккинчи жойга кўчиши.

## **6-мавзу бўйича:**

**Геосиёсат** – термини муайян бир мамлакат ўрни, табиий бойликлари, иқлими ва бошқа географик омилларининг давлат ташқи сиёсатига (географик-сиёсий стратегияси ва ҳ. к. га) муайян таъсирини ифодалаш учун ишлатилади.

**Минтақанинг геосиёсий мавқеи** - географик жойлашуви ва табиий-иқлим хусусиятлари, иқтисодий салоҳияти, шу худудда яшовчи халқларнинг қатъий равишда табиий-географик омиллар таъсири остида шаклланган менталитети ҳамда анъаналари, ушбу хусусиятлар таъсирида шаклланган сиёсий тузумнинг табиати.

**Ренессанс сўзи** (фр. *Renaissance* – ўйғониш; қайтадан юзага келиш, тикланиш маъноларини англатади) Инсониятнинг маънавий ва ғоявий тараққиётидаги ўйғониш, кўтарилиш даври (Масалан: Осиёда 9-11 аср, Европада 14-16 асрларга тўғри келади)

**Манфаатлар тўқнашуви** - шахсий (бевосита ёки бевосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуклари ва қонуний манфаатлар и ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият.

**Тахдид** деганда инсонлар учун моддий ёки маънавий зарар етказувчи, унинг ҳаётига, келажагига рахна соловчи омиллар, хавф-хатарлар тушунилади.

**Ички таҳдидлар** – бу жамият ичида юзага келувчи, жамиятдаги бирликка, давлат ва жамият ўртасидаги алоқаларга салбий таъсир кўрсатувчи, фуқароларда норозилик ва давлат ҳокимиятига ишончсизлик уйғотувчи, давлат ва жамиятнинг нормал алоқаларини издан чиқарувчи хатарлардир.

**Ташқи таҳдидлар** деганда мамлакат ташқарисидан туриб, турли воситалар орқали унинг суверенитетига дахл қилиш, жамиятда нотинчлик, ишончсизлик келтириб чиқариш, халқаро майдонда давлатни ва ҳокимият органларинини обрўсизлантиришга қаратилган фитналар, ҳаракатлар тушунилади.

**Маънавий таҳдид** деганда, аввало, тили, дини, эътиқодидан қатъи назар, ҳар қайси одамнинг эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, ғоявий ва информацион хуружларни назарда тутиш лозим.

**Мафкуравий таҳдид** деганда, хукмронлик, тажовузкорлик, босқинчилик, экстремизм, ақидапарастлик ва бошқа шу каби вайронкор ғояларни аҳолининг муайян қатлами, айниқса, ёшлар онгига турли усул ва воситалардан фойдаланиб сингдириб бориш, уларда жамият ва унда умумқабул қилинган ижтимоий, ахлоқий ва ҳатто диний қоида-нормалар, давлат ҳокимияти ва унинг идора усуллари ҳақида нотўғри муносабат шакллантиришга, қисқа қилиб айтганда, жамиятнинг ижтимоий онгини заҳарлашга қаратилган хатти-ҳаракатлар тушунилади.

**Ахборот хуружи.** Ахборот-психологик хуруж – ҳозирги замон дунё сиёсатининг асосий воситаларидан, сиёсий ва иқтисодий хукмронликка эришиш, аҳолининг психологик (руҳий) ҳолатига мақсадли таъсир ўтказиш усулларидан биридир.

**Ғоявий бўшлиқ-муайян шароитда жамият, ундаги тоифа ва қатламлар онгига содир бўладиган ғоясизлик, мафкуравий вакуум холати.**

**“Оммавий маданият”** инглизча “Popular culture” (“оммабоп, кенг тарқалган, ҳамма учун очиқ маданият”) атамасидан олинган бўлиб, дастлаб XX аср ўрталарида Фарбий Европа ва АҚШда вужудга келган. “Оммавий маданият” халқ оммасига ҳеч бир халқнинг миллий қадрият ва урф-одатларига тўғри келмайдиган бузғунчи ғояларни сингдиришга ҳаракат қиласди.

**Мафкуравий иммунитет** – давлат ва миллатнинг маънавий бирлиги, маънавий соғломлигини ҳимоя қилувчи ғоявий қалқон вазифасини бажаради. Мафкуравий иммунитет маънавий, маърифий, сиёсий, иқтисодий билимларни оддийгина қабул қилиб олишини эмас, балки уларни онгли равишида тушуниб етишни, бу билимлардан замонавий ижтимоий воқеаларга мафкуравий қурашлар воқелигидан келиб чиқиб, муносабат билдириш кўникумаларини шакллантириш, айрим носоғлом ғояларга жавоб бериш, уларни қабул қилмаслик лаёқатидир.

## ХУЛОСА

Ватанга, халқига муҳаббатли одамгина етук маънавиятли, маърифатлидир. Ватан, халқ хизмати ҳар нарсадан устун. Ватанимиз тинчлиги бу биринчи навбатда ички ишлар органлари ходимларига боғлиқ. Ватанимизни кўз қорачифидай асраш муқаддас бурч ҳисобланади. Кўз қорачифидек асрой олмаган тарихда кўп аждодларимизнинг қисмати бугунги кунда ҳаммамиз учун ибрат вазифасини ўташи керак.

Бугунги ахборот асирида замонавий ёшларимиз қалби, онги, тафаккурида муқаддас миллий ғурур, Ватан туйғусини шакллантириш, уларда оиласи, хонадони, маҳалласи, киндик қони тўкилган азиз жой - Ватанни қалбидан севишни англаш эҳтиёжини шакллантириш ва ёлғон ахборот хуружларига қарши иммунитет шакллантириш керак. Зоро, ёшлар келажагимиз, уларни ғоявий оғатлардан асраш эса ҳаммамизнинг бурчимиздир.

Биз – дунёга, дунё – бизга очиқ бўлиши керак. Бугунги ҳаёт, бугунги тараққиётнинг талаби ҳам аслида шу. Биз ана шу ҳал қилувчи тамойилни албатта ҳаётимиз қоидасига айлантиришимиз зарур.

Биз ўтган йиллар давомида, фоят қийин ва мураккаб синовлар даврида катта тажриба орттиридик. Қанчалик оғир бўлмасин, маррани баланд олиб яшаш ва ишлашга ўргандик. Табиийки, маррани катта олган халқнинг қадамлари ҳам, эришадиган натижалари ҳам салмоқли бўлади.

Миллий ривожланиш йўлида орттирган тажрибамидан келиб чиқиб, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида барча соҳа ва тармоқлар, минтақа ва худудлар, хусусан, ҳар бир маҳалла бўйича ўз олдимизга янада юксак вазифалар қўймоқдамиз.

Ҳаммамиз кўриб турибмиз – бугун замон жуда тез, мислсиз шиддат билан ўзгармоқда. Шунинг учун биз ислоҳотларимиз суръатини асло пасайтирасдан, фақат олдинга боришимиз, ҳар бир соат, ҳар бир кундан унумли фойдаланишимиз керак. Чунки, Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари айтганларидек, “Ким вақтини зое кетказса, вақт унинг душманига айланади”.

Холбуки, мамлакатимиз тинчлиги, эл-юрт фаровонлиги, Ватан тараққиёти йўлида бутун борлиғимизни бағишилаб, халқимизга садоқат билан хизмат қилиш барчамизнинг ҳаётимиз маъно-мазмунидир. Шундай экан ўз ватани ва юртини қадрлайдиган ҳар бир инсон учун бундан бошқа олий мақсад, баҳт-саодат йўқдир.

## **Адабиётлар:**

### **I. Асосий адабиётлар:**

1. *Ю.С. Пулатов, И. Исмаилов, А.А. Курбанов* Ички ишлар органлари фаолияти. Дарслик. – Т., 2018. – 407 б.

2. *И. Исмаилов ва бошқ.* Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолияти: Дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. – 400 б.

3. *И. Исмоилов, Ж.С. Мухторов, Ф.Н. Шукуров ва бошқ.* Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини бошқариш: Дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019.– 439 б.

4. *И. Исмаилов, М.З. Зиёдуллаев* Коррупциявий ҳуқуқбузарликлар профилактикаси: Ўкув қўлланма – Т., Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – 78 б.

5. Баркамол авлодни шакллантиришда ҳуқуқий тарбиянинг аҳамияти: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси. Тошкент, 2010. – 432 б.

6. Экстремизм ва терроризм – тараққиёт душмани. Ички ишлар тизими ходимлари (профилактика инспекторлари) учун ўкув-амалий қўлланма. Ўкув-амалий қўлланма. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – 164 б.

7. Ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш. Ўкув қўлланма. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017., 128 б.

8. Ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш. Ўкув қўлланма. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. 116 б.

9. Ички ишлар органлари тизимидағи туб ислоҳотлар – халқ манфаатларига хизмат қилишни таъминлаш кафолати. Ўкув қўлланма. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2020., 331 б.

10. Ички ишлар органлари хизматига кириш маҳсус курси. Ўкув қўлланма. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш Институти , 2021. 79 б.

## **II. Қўшимча адабиётлар**

### **Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари:**

1. *Мирзиёев Ш.М.* Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргалиқда барпо этамиз. – Т., “Ўзбекистон”, 2016. – 56 б.

2. *Мирзиёев Ш.М.* Конун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т., “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.

3. *Мирзиёев Ш.М.* Таңқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т., “Ўзбекистон”, 2017. – 104 б.

4. *Мирзиёев Ш.М.* Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамиз. – Т., “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.

5. *Мирзиёев Ш.М.* Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга қўтарамиз. – Т., “Ўзбекистон”, 2017. – 596 б.

6. *Мирзиёев Ш.М.* Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Т., “Ўзбекистон”, 2018. – 512 б.

### **III. Норматив-хуқуқий хужжатлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т: Ўзбекистон, 2019. – 76.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Т., 2021. – Lex.uz.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. – Т., 2021. – Lex.uz.
4. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси.– Т., 2021. – Lex.uz.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрдаги “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги ЎРҚ-167-II-сон қонуни.
6. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 5 майдаги “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. Т., 2014. – № 19. – 209-м.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. – Т., 2016.– № 38.– 438-м.
8. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. – Т., 2017.
9. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги (янги таҳрири) қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. – Т., 2017.
10. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 30 июлдаги “Экстремизмга қарши кураш тўғрисида”ги ЎРҚ-489-сон қонуни;
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5005-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. – 2017. – № 15. – 243-м.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 06 марта “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон Фармони;
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ 27-сон Фармони;

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5050-сон қарори;

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрелдаги “Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5076-сон қарори;

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони;

17. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2021 йил 21 октябрдаги “Ички ишлар органлари маънавий-маърифий ишлар хизмати фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 400-сон буйруғи.

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ САФДОР ВА СЕРЖАНТЛАР  
ТАРКИБИДАН ОФИЦЕРЛИК ЛАВОЗИМЛАРИГА ТАЙИНЛАШ  
УЧУН ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ЎҚУВ КУРСЛАРИНИНГ  
**“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН  
ИСЛОХОТЛАР” МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА**

Муҳаррир Н.З.Тасимов

Босишга рухсат этилди \_\_\_\_ 2023 й. Нашриёт-хисоб табоғи \_\_\_\_.  
Адади \_\_\_\_ нусха. Буюртма №\_\_\_\_. Баҳоси шартнома асосида

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти,  
100213. Тошкент шаҳар. Ҳусайн Бойқаро кўчаси, 27а-уй.